

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳукукида

Файзуллаев Санжар Холмуминовичнинг

“Ҳудуд иқтисодиётини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини
такомиллаштириш йуллари“ (Қашқадарё вилояти мисолида)

Мутахассислик: 5А340201-“Менежмент”(ишлаб чиқариш)

Магистр
даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди
ва ҳимояга қўйилди
И.Э.Турсунов
“Менежмент”
кафедраси мудири
_____доц. И.Э.Турсунов
“_____” _____20__ йил

Илмий раҳбар
_____и.ф.д.Х.С. Мухитдинов

Илмий маслаҳатчи
Қашқадарё вилоят Иқтисодиёт
бош бошқармаси иқтисодчиси

Ҳимояга рухсат этилди
Магистратура бўлими бошлиғи
_____т.ф.н.,доц Б.М.Холбаев

Қарши-2010й

Кириш.....	4
1 БОБ Бозор шароитида иқтисодиётни бошқаришнинг назарий-услубий асослари.....	19
1.1. Худуд иқтисодиётини бошқаришнинг назарий асослари.....	19
1.2. Давлат ва Худудий бошқарув механизмларининг ўзаро муносабатлари ва хусусиятлари.....	35
1.3. Худудий иқтисодиётни бошқаришнинг хорижий тажрибалари.....	51
I-боб бўйича хулоса	
2 БОБ Худуд иқтисодиётини бошқаришнинг институционал асослари ва уни давлат томонидан тартибга солиш механизмлари.	70
2.1. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида номарказлаштириш ва маъмурий ислохотларнинг аҳамияти.....	70
2.2. Худудий бошқаришни тартибга солишнинг институционал асослари.....	86
2.3. Рақобатбардошлик стратегиясини шакллантириш ва уни бошқариш механизмлари.....	99
II -боб бўйича хулоса	
3 БОБ Худуд иқтисодиётини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларининг таҳлили.....	117
3.1 Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таҳлили.....	117
3.2. Худуд иқтисодиётида бошқариш дастаклари тизимининг қўлланиши таҳлили.....	134
3.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида табиий-ресурс салоҳиятдан самарали фойдаланиш.....	220
III -боб бўйича хулоса	
ХУЛОСА.....	271
Фойдаланилган адабиётлар.....	281
ИЛОВАЛАР.....	295

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар жараёнида иқтисодиётни марказдан бошқариш даражасидан ҳудудий ва тармоқ даражасида бошқаришга босқичма-босқич ўтказиш, ҳудудларда тегишли дастурларни амалга ошириш, ҳудудий органлар ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг мақом ва масъулиятини ошириш биринчи навбатдаги вазифалардан ҳисобланади.

Тобора чуқурлаштирилаётган ислохотлар давомида масалага шу нуқтаи назардан ёндашилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифаларини, авваламбор, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, бюджет ташкилотларини, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларни маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказиш жараёни амалга оширилмоқда»¹.

Ҳудудий кўп укладли иқтисодиётни бошқаришнинг шаклланиши ва ривожланишини баҳолаш шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий даражаларда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш босқичида ҳам, уларни амалга оширишда ҳам бир қатор камчиликлар мавжуд. Улар асосан аниқ тадбирларни ишлаб чиқиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг илғор шакллари ва усуллари татбиқ қилишнинг услубий негизини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Шунингдек, Ҳудудлар ва ҳудудлар даражасида истикбол учун ишлаб чиқилган аниқ мақсадли дастурлар, уларни амалга ошириш усуллари ва механизмлари тўла шаклланмаган. Бу, ўз навбатида, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг боришига, аҳоли турмуш даражасини оширишга,

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли»//«Ўзбекистон овози». 2007 й., 31 август.

ишлаб чиқариш ва хусусан хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини янада ривожлантириш аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили ҳамда энг устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу боис Президент И.А.Каримов уқтирганидек, «Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарур»².

Юқорида қайд этилган муаммоларни самарали ечиш мамлакат Ҳудудлари орасида ўзининг ташкилий-бошқарув ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича ажралиб турувчи Қорақалпоғистон учун алоҳида аҳамият касб этади.

Қорақалпоғистон Республикаси юқори иқтисодий имкониятларга, истиқболи юқори табиий бойликларга эга бўлган Ҳудуд ҳисобланади. Бугунги кунда бу ерда чорвачилик маҳсулотлари, пахтачилик, шоли ва буғдой етиштириш маданияти юксалиб, янги босқичларга кўтарилмоқда, саноат тобора равнақ топмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у мамлакатнинг энг шимолий ҳудуди бўлиб, унинг табиати ва иқлими ғоятда мураккаб. Шунингдек, унинг мамлакат саноат марказларидан узоқда жойлашганлиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, жуғрофий, ижтимоий-маданий анъаналари билан мамлакатнинг бошқа ҳудудларидан фарқ қилади. Келажакда ушбу ҳудудда самарали ривож топиш имконияти ва салоҳиятига эга

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари // - Т.: Ўзбекистон, 2009. - 48-б.

бўлган тармоқлар, янги-янги соҳа корхоналарининг ривожини таъминлашда, ҳам саноат, ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам хизмат кўрсатиш соҳаларида бозор инфратузилмасини ривожлантириш муҳим масала ҳисобланади. Бу борада иқтисодиётга нафақат ички инвестицияларни, балки ташқи инвестицияларнинг киритилишини ҳам жадаллаштириш учун Ҳудудда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва модернизациялаштириш дастурларини самарали амалга ошириш, хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этишнинг имкониятларини кенгайтириш лозим.

Шу сабабли ҳам ҳозирги даврда замонавий бошқаришнинг илғор усулларидан фойдаланган ҳолда Ҳудуд иқтисодиётини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбида Амударёнинг қуйи оқими, Орол денгизининг жанубий-ғарбий қирғоқлари бўйлаб жойлашган. Ҳудудининг катта қисми шимолий-ғарбда Устюрт платасига, жанубий-ғарбда Қорақум тепаликлари занжирига, шарқда Қизилқум чўлларига қўшилиб кетадиган текисликлардан иборат. Жануби-шарқда Султон Увайс тоғлари жойлашган.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид келмайдиган ўз Конституциясига эга бўлиб, Қорақалпоғистоннинг давлат тизими конституцион тамойилга кўра қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларидан иборат. Жўқорғи Кенгес (парламент) республиканинг қонунчилик ҳокимияти бўлиб, Вазирлар Кенгаши эса ижроия органи ҳисобланади(1-2-иловалар).

Ҳозирги кунда республикада 14 та туман бевосита республика тасарруфидаги 2 та шаҳар, 10 та туман тасарруфидаги шаҳар, 15 та шаҳар

посёлкалари, 134 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари, 1183 та аҳоли пункти ва республика пойтахти - Нукус шаҳри.

Республикада табиий маъданлар, темир, фосфоритлар, мрамор, туз, нефть ва газнинг улкан захиралари мавжуд. Бу эса саноатнинг янги тармоқларини яратиш имконини беради. Истиқлол йилларида барпо этилган, Марказий Осиёда ягона бўлган Қўнғирот сода заводи, Хўжайли шиша заводи, «Марказий Осиё безак тошлари» қўшма корхонаси, Қўнғиротдаги карбид, Нукусдаги ун ва кабель заводлари сингари корхоналар нафақат Худуд иқтисодиётини, балки мамлакатимиз салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилади. Аммо шунга қарамадан Худуд мамлакат ҳудудлари орасида ўзининг ижтимоий-иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари орасида энг охирги ўринларда туради. Шу сабабли ҳам ҳозирда ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш масалалари долзарб ҳисобланади.

Юқорида келтириб ўтилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида иқтисодиётни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга деб таъкидлаш мумкин.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётни бошқаришнинг назарий-методологик асослари, ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ривожлантириш ҳамда уни бошқаришни такомиллаштириш масалалари хорижлик олимлардан Ж.М.Кейнс, У.Изард, М.Фридмен, Ф.Перу, Ж.Бьюкенен, Р.Солоу, Ж.М.Хартвик, У.Мальотра, Ж.Стиглиц, Б.Брюна, Г.Тулок, Р.Лукас, Я.Тинберген, М.Мескон, Х.Армстронг, А.Леша, Х.Ричардсон, Дж.Тейлор, М.Тэмпла бошқаларнинг илмий ишларида акс эттирилган.

МДХ олимларидан Р.И.Шнипер, А.Г.Гранберг, А.А.Кисельников, В.В.Кистанов, А.М.Лавров, В.Н.Лескин, А.Н.Швецов, А.М.Бабашкина, А.С.Идрисов, Г.А.Ковалева, О.Ю.Красильников, Н.И.Ларина, А.А.

Кисельников, Н.П.Распопов, Л.И.Севастьянов, Э.А.Уткин, А.Ф.Денисов, Б.А.Райзберг, И.М.Альбегова, Г.В.Атаманчук, В.И.Кушлин, В.П.Орешин, А.В.Пикулькин³ ва бошқалар давлат ва Ҳудуд иқтисодиётини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини илмий тадқиқ этиб, бу жабҳа ривожланишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистонда иқтисодиётни, шу жумладан, Ҳудудий иқтисодиётни бошқаришни ислоҳ этиш ва уни давлат томонидан тартибга солиш масалалари Республика Президенти И.А.Каримов асарлари ва нутқларида баён этилган. Иқтисодиётни бошқариш хусусиятларининг айрим жиҳатлари М.Ш.Шарифхўжаев, И.И.Искандаров, С.С.Ғуломов, А.М.Қодиров, Қ.Х. Абдурахманов, Т.М.Аҳмедов, Ш.Б.Имомов, Б.Б.Беркинов, Б.Ю.Ходиев, А.М.Содиқов, А.Т.Юсупов, Н.Юсупова, А.Б.Низамов, С.Қобулов⁴ ва бошқалар томонидан кенг ўрганилган. Бевосита қуйи Амударёё иқтисодий ҳудудинининг ривожланиш масалаларини ўрганиш билан Б.Р.Рўзметов (иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида Ҳудудни комплекс

³ Шнипер Р.И.Регион: экономические методы управления.-Новосибирск: Наука, 1991.-320 С.; Гранберг А.Г. Основы региональной экономики.-М.: ГУ ВШЭ, 2003.-495.; Гутман Г.В., Мироедов А.А., Федин С.В. Управление региональной экономикой.-М.:Финансы и статистика. 2002. 176 с.; Лексин В.Н., Швецов А.Н. Государство и регионы. Теория и практика государственного регулирования территориального развития.-М.: УРСС. 2002.-368 с.; Ларина Н.И., Кисельников А.А. Региональная политика в странах рыночной экономики.-М.: «Экономика», 1998, 174 с Уткин Э.А., Денисов А.Ф. Государственное и муниципальное управление. — М.: Ассоциация авторов и издателей «Тандем». Издательство «ЭКМОС», 2001 г. — 304 с.;Райзберг Б.А. Курс управления экономикой.-СПб.: Питер, 2003.-с.568.; Пикулькин А.В. Система государственного управления: учебник/ А.В. Пикулькин; под ред. Т.Г. Морозовой.-М.: ЮНИТИ, 1997.-352 с.;

⁴ Шарифхўжаев М.Ш., Абдуллаев Ё.А. Менежмент: Дарслик. –Т.: Ўқитувчи. 2001.;Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент. Муаллифлар жамоаси. дарслик /акад. С.С.Ғуломов, проф. Ш.Р.Холмўминов, доц. М.З.Каланова таҳрири остида. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент 2004. 349.; Эффективность совершенствования структуры регионального АПК-Ташкент: Фан, 1990.-151 с.; Абдурахманов К.Х., и др. «Региональная экономика и управление». Учебник. / под.ред.акад.С.С.Гулямова.-Т.: Изд-во «Fan va texnologiya», 2007 г, 750 с.; Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. Т.: Фан. 1992.-224 с.; Имамов Ш.Б. Регулирование территориального развития экономики.-Т.:1993. 45 с.; Узбекистана. Ташкент.: Знание 1988.;Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика.Ташкент: ийтисод-молия.2005.-280 с. ; Юсупова Н.Формирование программ социально-экономического развития/бозор, пул ва кредит.31 2007 с.36-43.; Низамов А.Б.Экономический рос и управление региональной экономикой в условиях рынка. Ташкент.: Tugon-Iqbol, 2006, 208 с.-монография. Кабулов С. Организационно-экономический механизм управления экономикой региона в условиях рынка. Иқтисод фанлари номзоди даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. ДЖҚА. Тошкент. 1999 йил.

ривожлантиришнинг илмий-услугий асосларини ва муҳим йўналишларини ишлаб чиқиш), Н.К.Аимбетов (экологик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини шакллантириш муаммоларини амалга оширишни эконометрик моделлаштириш ёрдамида унинг назарий-услугий асосларини тадқиқ этиш), К.К.Бектемиров (сув ресурсларининг чекланганлиги юзага келган ҳолатдаги экологик танглик шароитида Худудий ижтимоий-иқтисодий ривожланшини таъминлашга доир илмий-методик ёндашувлар ва назарий жиҳатдан асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш), Б.Б.Казбеков (Худуднинг ривожланиш даражасини, мавжуд имкониятларини таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни барқарорлаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш) ва бошқалар тадқиқотлар олиб боришган⁵.

Республикада иқтисодиётни бошқариш тизимининг назарий-услугий асослари ва уларни худудий иқтисодиёт субъектлари ҳамда тармоқларига жорий этиш муаммолари Ш.Н.Зайнутдинов, М.Л.Турсунходжаев, Н.Қ.Йўлдошев, Ғ.М.Қосимов, М.А.Икрамов, Д.Н.Рахимова, М.А.Маҳкамова, Д.С.Қосимова ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган⁶.

Умуман, юқорида номлари зикр этилган хорижлик ва Ўзбекистонлик олимлар ҳамда мутахассисларнинг илмий тадқиқотлари Худудий иқтисодиётни

⁵ Рузметов Б. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ (на примере Хорезмской области). Автореф. дис. ... докт. экон. наук.- Ташкент, 1998.; Аимбетов Н.К. Мураккаб экологик вазият шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни моделлаштириш (Қорқалпоғистон Республикаси мисолида). Иқтисод фанл. докт. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. Тошкент, ТДИУ, 2000.-284 б.; Бектемиров К.К. Обеспечение развития региона в условиях экологической напряженности (на примере Республики Каракалпакстан): Автореф. дис. ... докт. экон. наук. –Т.: НУУ, 2008.-47 с.; Казбеков Б.К. Социально-экономическое развитие Нижнеамударьинского экономического района в условиях перехода к рыночным отношениям. Автореф. дис. ... канд. экон. наук.-Т.: -2000.-24 с.

⁶ Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқалар. Менежмент асослари. –Т.: “Молия” нашриёти. 2001.; Турсунходжаев М.Л., Сагдуллаев М.Т. Инновационный менеджмент. Под общ. ред. акад. Зайнутдинова Ш. Н. Т., ТГЭУ, 2001.; Йўлдошев Н.Қ. ва бошқ. Стратегик менежмент. Ўқув қўлланма.-Тошкент, ТДИУ. нашр., 2003 й.-102 б. Қосимов Ғ.М. Менежмент.-Т.: Ўзбекистон, 2003.-234 б.; Рахимова Д.Н. ва бошқ. Замонавий менежмент: назария ва амалиёт. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ДЖҚА.-Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи 2009.792-б.; Маҳкамова М.А.Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан. Автореф. дис. ... докт. экон. наук. –Т.: ТГТУ, 2004. Қосимова Д.С. Бошқарув назарияси. “Aloqachi”, 2009. 234 б.

бошқариш жараёнларига тааллуқли кўпгина омиллар ва ҳодисаларни аниқлашга салмоқли ҳисса қўшишган бўлиб, Ҳудудларда илмий ва амалий материалларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, иқтисодиётни бошқаришни ислоҳ қилишда юз бераётган жараёнларни тушуниб етиш учун муҳим назарий-услубий асос ҳисобланади.

Лекин, шу билан бир қаторда иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида республикада Ҳудуд иқтисодиётини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалалари назарий-илмий ва амалий жиҳатдан тўлиқ ечимини топганича йўқ. Юқорида қайд этилган олимларнинг илмий ишларидан фарқли ўлароқ, мазкур диссертацияда асосий эътибор иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ҳудуд иқтисодиётини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалаларини ўрганишга қаратилишига айнан шу ҳолат туртки бўлди.

Диссертация ишининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши давлат илмий-техник дастурлари асосида Тошкент архитектура-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Ҳудуд иқтисодиётини бошқариш ташкилий-иқтисодий механизмининг назарий ва амалий жиҳатларини ривожлантириш, уларни бозор талабларига мос тарзда тадқиқ этиш ва бошқаришни такомиллаштириш борасида услубий ёндашувлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Белгиланган мақсаддан келиб чиқиб, диссертацияда қуйидаги вазифалар қўйилди ва ҳал этилди:

- иқтисодиётни бошқаришнинг замонавий назарий-услубий асосларини ўрганиш Ҳудуд иқтисодиётини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми тушунчасини тизимлаштириш, аниқлаштириш ва тизимли ёндашув нуқтаи назаридан туркумлаш ва илмий асослаш;

- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, давлат ва Ҳудудий бошқарув механизмларининг ўзаро муносабатлари шаклланишининг назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш орқали давлат ва Ҳудудий бошқарув механизмларини ривожлантириш борасида амалий тавсиялар бериш;

- Ҳудуд иқтисодиётини бошқаришнинг хорижий тажрибаларини ўрганиш ва улардан иқтисодиётни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмни такомиллаштиришда фойдаланиш йўллари кўрсатиш;

- номарказлаштириш ва маъмурий ислохотларни амалга ошириш ва Ҳудуд миқёсида ташкилий-бошқарув тузилмаларининг шаклланиш механизмларини аниқлаштириш;

- ислохотларни чуқурлаштириш шароитида Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва Ҳудуд иқтисодиётини бошқариш дастаклари тизимини таҳлил этиш;

- Ҳудуднинг иқтисодий ривожланиш стратегиясини бошқариш йўллари аниқлаш ва иқтисодий ўсишни башорат этиш;

- Ҳудудда амалдаги инвестицион жараёнларни бошқариш механизмни таҳлил этиш асосида уни такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмнинг ҳозирги ҳолати ва унинг ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этиш;

- тадқиқ этилаётган Ҳудуднинг табиий-ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва экологик зиддиятларни бошқаришнинг иқтисодий механизмни такомиллаштириш йўллари кўрсатиб бериш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ва Ҳудудий ривожланишини бошқариш танланган. Тадқиқот предмети эса, Ҳудуд

иқтисодиётини бошқариш жараёнлари ва ташкилий-иқтисодий механизм ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг миллий моделидан келиб чиқиб, тизимли таҳлил, анкета орқали кузатиш, эксперт баҳолаш, монографик кузатиш, ўзаро таққослаш, индекс усули, математик статистика, статистик гуруҳлаш, танланма кузатиш усулларида кенг фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- Ҳудуд иқтисодиётини бошқариш ва унинг ташкилий-иқтисодий механизми атамаларига хорижлик ва маҳаллий олимлар томонидан берилган таърифлар умумлаштирилиб, муаллиф ёндашуви;

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ҳудуд иқтисодиётини бошқаришнинг концептуал асослари;

- иқтисодиётни номарказлаштириш ва маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бошқарув фаолиятини такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар;

- Ҳудудда инвестицион жараёнларни самарали бошқариш механизмлари ва уларни бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган менежмент усуллари ва стратегиялари;

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ҳудуд иқтисодиётини бошқариш амалиётидаги муаммоларнинг илмий-амалий жиҳатлари социологик сўровнома натижалари;

- Ҳудуднинг келгуси иқтисодий ривожланиш стратегиясини бошқариш, иқтисодий ўсишини башоратлаш вариантлари;

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Қорақалпоғистон Республикасининг табиий-ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш

йўналишлари ва келгусидаги ижтимоий-иқтисодий стратегиясини бошқаришни такомиллаштириш борасидаги таклифлар.

Ишнинг илмий янгилиги. Бозор иқтисодиёти шароитида Худуд иқтисодиётини бошқаришнинг назарий-услубий асослари такомиллаштирилган ва амалий муаммоларни ҳал этиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Хусусан:

- бозор қонунлари талаблари асосида хорижлик ва маҳаллий олимлар томонидан “Худуд иқтисодиётини бошқариш” тушунчасига берилган илмий таърифлар қиёсий тадқиқ этилиб, муаллиф томонидан мазкур тушунча моҳияти тизимли гуруҳлаштирилган ва назарий-услубий жиҳатлари ривожлантирилган;

- Худуд иқтисодиётини бошқариш ташкилий-иқтисодий механизмининг назарий ва услубий асослари тадқиқ этилиб, у республика иқтисодиётини бошқаришнинг таркибий қисми эканлиги илмий жиҳатдан асосланган;

- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда давлат ва Худудий бошқаришнинг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш борасидаги хорижий тажрибалар кенг ўрганилиб, улардан Худуд даражасида фойдаланиш йўллари асослаб берилган;

- иқтисодиётни номарказлаштириш ва маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бошқарув фаолиятини ислоҳ этиш йўналишлари асосланган;

- Худудий бошқаришни тартибга солишнинг институционал асосларини таҳлил этиш орқали мавжуд муаммолар аниқланиб уларни ҳал этиш йўллари кўрсатилган;

- иқтисодиёт ривожланишида рақобатбардошлик стратегиясини шакллантириш ва уни бошқариш механизмларининг услубий жиҳатлари тадқиқ этилиб, Худуд иқтисодиёти рақобатбардошлигини тавсифловчи кўрсаткичлар таркиби ишлаб чиқилган;

- Ҳудуд иқтисодиётини бошқариш ва ишлаб чиқариш имкониятларидан оқилона фойдаланиш бўйича услубий ёндашувлар таклиф этилиб, улардан амалиётда фойдаланиш усуллари асосланган;

- инвестицион жараёнларни самарали бошқариш механизмлари илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ қилиниб, Ҳудудда инвестицион стратегияни ривожлантириш йўналишлари белгиланган;

- иқтисодий ривожланиш стратегиясини бошқариш усуллари аниқланиб, Ҳудуднинг келгусидаги иқтисодий ўсиши бўйича турли башорат вариантлари таклиф этилган;

- иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштириш шароитида Ҳудудий иқтисодиётни бошқариш амалиётидаги асосий муаммоларнинг илмий-амалий жиҳатлари социологик сўровнома асосида аниқланиб, иқтисодиётни бошқариш самарадорлигини ошириш юзасидан илмий-амалий тавсиялар берилган;

- Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини ва бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар асосланган;

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий салоҳияти ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари, Ҳудуднинг барқарор ривожланиши ва рақобат стратегиясини амалга ошириш йўналишлари кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқиқот ҳосиласи бўлган асосий хулосалар Ҳудуд иқтисодиёти бошқаруви ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг назарий жиҳатларини маълум даражада бойитишга муайян ҳисса бўлиб қўшилади, амалий аҳамияти эса, Ҳудуд иқтисодиётини бошқариш ташкилий-иқтисодий механизмининг таҳлили бўйича олинган илмий-назарий хулосалар ва амалий таклифлардан Ҳудуд иқтисодиётини бошқаришни такомиллаштириш, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш учун фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Тадқиқотда ишлаб чиқилган айрим назарий тавсиялардан олий ва

ўрта махсус таълим тизимида «Менежмент», «Худуд иқтисодиёти» «Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти» «Иқтисодий география ва экология» «Стратегик менежмент» ва «Инновацион менежмент» каби фанлар бўйича ўқув дастурлари ҳамда қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Асосий натижа ва хулосалар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси (маълумотнома № 02-521. 23.12.2008 й.), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (маълумотнома №03-01/4-12/435. 18.12.2008 й.), Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (маълумотнома №02/253.2008 йил 30 апрель) ва Хоразм вилояти ҳокимияти (маълумотнома №6-544. 26.03.2008) томонидан амалиётга, шунингдек, Қорақалпоқ давлат университети(маълумотнома № 01-21-01/ 246. 27.03.08), Ўзбекистон Миллий университети(маълумотнома №07-759.31.03.08.) ва Тошкент архитектура- қурилиш институти (маълумотнома №411. 9.04.2008) томонидан ўқув жараёнларига жорий этилган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация ишининг асосий илмий ғоялари ва амалий таклифлари қуйидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида баён қилинган ва маъқулланган: «Ўтиш иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти ва ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш хусусиятлари» (Тошкент, 2004), «Худуд табиий ресурсларидан фойдаланишнинг бозор механизми ва уни такомиллаштириш муаммолари» (Тошкент, 2005), «Миллий иқтисодиёт тармоқларини ислоҳ қилиш ва барқарор ривожланиш муаммолари» (Тошкент, 2005), «Девятнадцатые международные плехановские чтения» (Москва, 2006), «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш даврида бозор инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари» (Тошкент, 2006), «Построение правового государства в Республике Казахстан: проблемы, опыт, перспективы» (Шымкент, 2006), «Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане» (Москва, 2008), «Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар,

муаммолар ва ривожланиш истиқболлари» (Тошкент, ТДИУ, - 2008), «Двадцать вторые международные плехановские чтения» (Москва, 2009). Ушбу иш шунингдек, Тошкент архитектура-қурилиш институти «Менежмент» кафедрасининг кенгайтирилган мажлиси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультети бирлаштирилган илмий семинари ва Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти «Иқтисодий назария ва касбий таълим», «Иқтисодиёт» «Молия», «Менежмент» ва “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраларининг бирлашган илмий семинарларида ҳамда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгаш қошидаги 08.00.13-«Менежмент ва маркетинг» ихтисослиги бўйича илмий семинарда муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация ишининг асосий илмий ғоялари ва амалий таклифлари қуйидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида баён қилинган ва маъқулланган: «Ўтиш иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти ва ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш хусусиятлари» (Тошкент, 2004), «Худуд табиий ресурсларидан фойдаланишнинг бозор механизми ва уни такомиллаштириш муаммолари» (Тошкент, 2005), «Миллий иқтисодиёт тармоқларини ислоҳ қилиш ва барқарор ривожланиш муаммолари» (Тошкент, 2005), «Девятнадцатые международные плехановские чтения» (Москва, 2006), «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш даврида бозор инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари» (Тошкент, 2006), «Построение правового государства в Республике Казахстан: проблемы, опыт, перспективы» (Шымкент, 2006), «Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане» (Москва, 2008), «Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари» (Тошкент, ТДИУ, - 2008), «Двадцать вторые международные плехановские чтения» (Москва, 2009). Ушбу иш

шунингдек, Тошкент архитектура-қурилиш институти «Менежмент» кафедрасининг кенгайтирилган мажлиси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультети бирлаштирилган илмий семинари ва Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти «Иқтисодий назария ва касбий таълим», «Иқтисодиёт» «Молия», «Менежмент» ва “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраларининг бирлашган илмий семинарларида ҳамда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгаш қошидаги 08.00.13-«Менежмент ва маркетинг» ихтисослиги бўйича илмий семинарда муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия қилинган.

Натижаларнинг эълон қилиниши. Илмий ишнинг асосий натижалари баён этилган умумий ҳажми 22 босма табоқ бўлган 1 та монография, 23 та илмий мақола ва 16 та тезис чоп этилган.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 320 бетдан иборат бўлиб, кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шунингдек, 26 та жадвал, 18 та расм, 12 та иловани ўз ичига олган.

Диссертациянинг **кириш** қисмида муаммонинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти эътироф этилган.

«Бозор шароитида иқтисодиётни бошқаришнинг назарий-услубий асослари» номли биринчи бобда Худуд иқтисодиётини бошқаришнинг илмий-методологик асослари, давлат ва Худудий бошқарув механизмларининг ўзаро муносабатлари ва хусусиятлари ҳамда Худудий иқтисодиётни бошқариш борасидаги хорижий тажрибалар илмий тадқиқ этилган.

«Худуд иқтисодиётини бошқаришнинг институционал асослари ва уни давлат томонидан тартибга солиш механизмлари» деб номланган иккинчи бобда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида номарказлаштириш ва маъмурий ислохотларнинг аҳамияти, Худудий бошқаришни тартибга

солишнинг институционал асослари ҳамда рақобатбардошлик стратегиясини шакллантириш ва бошқариш механизмларининг услубий асослари ёритилган.

«Худуд иқтисодиётини бошқариш ташкилий-иқтисодий механизмининг таҳлили» деб номланган учинчи бобда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таҳлили, Худуд иқтисодиётида бошқариш дастаклари тизимининг қўлланиши, Худудда инвестицион жараёнларни бошқариш механизми таҳлил этилиб, илмий хулосалар чиқарилган.

«Худуднинг иқтисодий ривожланиш стратегияси ва бошқарувини такомиллаштириш» деб аталган тўртинчи бобда Худуднинг иқтисодий ривожланиш стратегиясини бошқариш ва иқтисодий ўсишни прогнозлаш, Худудий иқтисодиётни бошқаришни такомиллаштириш муаммоларини социологик сўровнома асосида ўрганиш, бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришда Худудий дастурларни тузиш ва улардан фойдаланиш йўллари асосланган.

«Худудда иқтисодиётни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини ошириш йўналишлари» номли бешинчи бобда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида табиий-ресурс салоҳиятдан самарали фойдаланиш, экологик зиддиятларни бошқаришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш, Худуд иқтисодиётини бошқариш самарадорлигини баҳолаш амалга оширилган.

Хулоса қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, бир қатор амалий таклиф ва тавсиялар баён қилинган.

1 БОБ. БОЗОР ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ҳудуд иқтисодиётини бошқаришнинг илмий-методологик асослари

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши аввало унинг барча Ҳудуд ва ҳудудларида амалга оширилаётган ислохотларнинг натижасига боғлиқ. Шу сабабли Ҳудудий иқтисодиётни ривожлантириш ва бошқариш билан боғлиқ муаммолар хорижий мамлакатлар олимлари томонидан кенг ўрганилган.

Ҳудудий иқтисодиётни бошқариш назариялари Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда давлат бошқаруви йўналишларини шакллантиради. Бироқ уларни ўрганиш билангина чекланиб бўлмайди, чунки улар кўп жиҳатдан Ҳудудларнинг иқтисодий ўсиш назарияларига таянади (бошқача қилиб айтганда, Ҳудудлар орасида иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича фарқларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқламасдан туриб, Ҳудудий сиёсат ҳақида фикр юритиб бўлмайди).

Бошқарувнинг муҳим объекти бўлган ҳудуд иқтисодиёти, алоҳида ҳудудда жойлашган ёки ушбу ҳудудга тааллуқли бўлган хўжалик ҳисобланади. Шунга мувофиқ равишда иқтисодиётни бошқариш таркибида ҳудудий(Ҳудудий) бошқарув тури ажратиб кўрсатилади.

Ҳудудий бошқарув ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги икки жараённинг ривожланиши натижасида пайдо бўлган: ҳудудий меҳнат тақсимооти ва ҳудудий ижтимоий жамиятнинг шаклланиши; давлат бошқарувининг инсон фаолиятининг алоҳда мустақил тури сифатида ажралиши.

Ҳудудий иқтисодиётни бошқариш Ҳудуддаги бошқарув тизимларининг самарали амал қилишини таъминлашга қаратилган замонавий бошқарув

тамойиллари асосидаги мақсадга йўналтирилган хатти-ҳаракатлар мажмуаси ҳисобланади.

Ҳозирги замонавий назарияларда Ҳудудни бошқариш кўпфункционал ва кўпжабҳали тизим сифатида тадқиқ этилиб, улар орасида Ҳудуднинг қуйидаги тўрт парадигмаси энг кўп тарқалган: Ҳудуд-квазидавлат; Ҳудуд-квазикорпорация; Ҳудуд-бозор (бозор ареали); Ҳудуд-социум⁷.

Ҳудуд квазидавлат сифатида давлат ва миллий иқтисодиётнинг нисбатан ажралган тизимостини акс эттиради. Кўпгина мамлакатларда бундай Ҳудудлар, илгари марказга тегишли бўлган функция ва молиявий ресурсларнинг тобора кўпроқ қисмини ўзида жамламоқда (номарказлаштириш жараёнлари). Ҳудудий ҳокимиятнинг асосий функцияларидан бири – бу Ҳудуд иқтисодиётини бошқариш ҳисобланади. Шу сабабли умумдавлат ва Ҳудудий ҳокимиятларнинг ўзаро ҳаракатлари, шунингдек, турли Ҳудудлараро иқтисодий муносабатлар (масалан, иқтисодий ўзаро ҳаракатларнинг Ҳудудлараро уюшмалари доирасида) Ҳудудий иқтисодиётнинг миллий иқтисодиёт тизимида ишлашини таъминлайди.

Ҳудуд квазикорпорация сифатида - мулкчилик ва иқтисодий фаолиятнинг йирик субъектидир (Ҳудудий ва муниципал). Бундай кўринишда Ҳудудлар бозорларда товарлар, хизматлар, капиталнинг рақобат кураши иштирокчиларига айланиб қолишади (масалан, маҳаллий маҳсулотларнинг савдо белгиларини ҳимоя қилиш, юқорида Ҳудудий инвестицион рейтинг учун мусобақа ва ҳ.к). Ҳудуд иқтисодий субъект сифатида миллий ва трансмиллий корпорациялар билан ўзаро муносабатда бўлади. Корпорацияларнинг штаб - квартиралари жойлашиши, уларда нархларнинг шаклланиши, иш ўринлари ва буюртмаларни тақсимлаш, даромадлар трансферти, солиқларни тўлаш механизмлари

⁷ Основы региональной экономики.: учебник для вузов / А.Г.Гранберг, - М.: Изд. дом ГУ ВШЭ, 2004.- С. 83-84.2.

Худудларнинг иқтисодий ҳолатига катта таъсир кўрсатади. Худудлар ўзини ўзи ривожлантириш учун, замонавий корпорацияларникидан кам бўлмаган даражада, каттагина ресурс салоҳиятига эга. Шу сабабли Худудларнинг иқтисодий мустақиллигини (иқтисодий ҳуқуқларни марказдан олиб бериш орқали) кенгайтириш – бозор ислохотларининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Маълум чегаралар(ареал)га эга бўлган Худудий бозорга ёндашгандек ёндашиб, диққат-эътиборни иқтисодий фаолиятнинг умумий шароитлари (тадбиркорлик иқлими)га, турли маҳсулотлар ва хизматлар, меҳнат, кредит-молиявий захиралар, қимматли қоғозлар, ахборот, билим ва ҳоказоларни худудий бозорларнинг ўзига хос хусусиятларига жалб этади. Мазкур тадқиқотларнинг баъзиларида, Худудий бозор юритиш алоҳида фан деб таърифланади.

Худуд назариясида кўрсатилган юқоридаги уч парадигма, бозорнинг ўзини ўзи бошқариш нисбати муаммоси, давлат бошқаруви ва ижтимоий назорат муаммоларини ўз ичига олади. Бу борада олимлар орасида кескин бўлиниш ҳолатлари - бутунлай бозор иқтисодиёти (радикал либерализм) ёки марказлаштирилган-бошқарувдаги иқтисодиёт тарафдорлари камдан-кам учрайди. Кўпгина назарий кўринишлар “ижтимоий бозор ҳўжалиги” негизида жойлашганлиги учун Худудий иқтисодиёт назарияларида бозорнинг инқирозга учрашини енгиб ўтиш, нобозор тармоқларининг ривожланиш тамойиллари, жамият манфаатларини ишлаб чиқариш ва фойдаланиш, табиий монополияларни бошқариш, хусусий тадбиркорлик фаолиятини салбий оқибатлардан ҳимоялашга катта эътибор қаратилади.

Худудга социум сифатида ёндашиш(маълум Худудда истиқомат қилувчи инсонлар жамияти) эса, биринчи ўринга ижтимоий ҳаётнинг ўсиши (аҳоли ва меҳнат захиралари, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, атроф-муҳит ва ҳоказо)

ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тизимини ривожлантиришни кўяди.

Бундай ёндашув иқтисодий ёндашувга қараганда кенгроқ ва ижтимоий гуруҳларнинг алоҳида функциялари ва қизиқишлари билан бирга олиб борилади. У ўз ичига Ҳудудий социумнинг маданий, таълим, тиббиёт, ижтимоий-руҳий, сиёсий ва ҳаётнинг бошқа жабҳаларини қамраб олган.

Ҳудудий иқтисодиётни бошқариш назариясида бошқа махсус ёндашувлар ҳам ривожланиб келмоқдаки, уларда Ҳудуд бутун жамиятнинг муҳим тизимости ёки иқтисодиётнинг миллийлаштирилиши ва глобаллаштирилишининг бевосита катнашчиси сифатида қаралади. Ҳудудий ривожланишнинг мавжуд назариялари замонавий иқтисодиёт фанининг макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт, институционал иқтисодиёт ва бошқа йўналишларининг эришган натижаларига таянади.

Миллий ва Ҳудудий иқтисодиётнинг ўхшашлиги Ҳудуд учун макроиқтисодий назарияларнинг (неоклассик, неокейнсиан ва бошқалар), айниқса, ишлаб чиқариш омиллари, ишлаб чиқариш, бандлик, фойдани илгари сурадиган назарияларининг қўлланилиш эҳтимоллигини аниқлайди.

Ҳудудий макроиқтисодиёт назариялари, асосан, «Ҳудуд квазидавлат сифатида» парадигмасига тўғри келади. Бундай қараш кўпроқ бир турдаги (гомоген) Ҳудудлар учун тўғри келади.

Макроиқтисодий назарияларни Ҳудудни бир нуқта ёки бир хилдаги кенглик деб тасаввур этиш етарли бўлмаган ҳолда жалб этиш мақсадга мувофиқдир ва бунда ички фарқларни инобатга олиш зарур бўлади. Макроиқтисодий таҳлил назарияси ва услубияти кўпроқ “ҳудуд квазикорпорация сифатида” ва “Ҳудуд бозор сифатида” парадигмаларига тўғри келади.

Бозор муносабатлари шароитида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, иқтисодий тизимни қайта тузиш жараёни ҳамда ижтимоий-иқтисодий вазиятда бўй берган ўзгаришлар бошқариш устуворликлари ва усуллари тубдан ўзгартириб юборди. Шунинг учун замонавий Худуднинг бошқариш механизми ҳолатининг тизимли таҳлилини ўтказиш, йўналишларини аниқлаш ва уларни жамият манфаатлари доирасидаги бошқариш воситаларини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Худудлардаги мавжуд бошқариш механизмларини ўзаро алоқалар ва таъсирларни эътиборга олган ҳолда тизимли тадқиқ этиш лозим.

Худуд иқтисодиётини бошқариш макро ва микро даражаларнинг ўрта бўғини - мезодаража ҳисобланади. Мезодаража сифатида у ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, Худуд иқтисодиёти халқ хўжалигининг тизимости ҳисобланганлиги сабабли уни мамлакат иқтисодиётидан ажралган ҳолда қараш мумкин эмас⁸.

Охирги пайтларда олимлар ва амалиётчилар орасида Худудга мамлакат субъектлари - маъмурий-ҳудудий жиҳатдан бўлинган ўзининг тузилмаси, функциялари, ташқи муҳит билан алоқалари, тарихи, маданияти, аҳолисининг яшаш шароитлари билан ажралиб турувчи яхлит тизим сифатида қарашлар кузатилмоқда⁹. Шунингдек, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва унинг Худудий субъектларини бошқаришнинг назарий-услубий жиҳатлари хорижий ва маҳаллий олимлар тадқиқотларида ўз аксини топмоқда. Улардан баъзилари умуман Худудий иқтисодиётни бошқаришни унинг самарали ривожланиши, шунингдек мамлакат иқтисодий маконида Худуд иқтисодиётининг органик қурилиши орқали амалга оширилиши сифатида

⁸ Коробова О.В. и др. Региональная экономика: реструктуризация системы управления развитием региона / Под науч. ред. проф. Б. И. Герасимова. Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2002. с.3.

⁹ Региональная экономика и управления. А.А.Воронина, Л.Н. Лисовцева, Б.Г. Преображенский и др.-Воронеж: ВГУ, 2004.-с.9.

қараша¹⁰, бошқалари иқтисодиётнинг тузилишини қайта қуришга ва ижтимоий ва экологик соҳада тараққиётга эришиш, ишлаб чиқаришнинг босқичма-босқич ўсишига йўналтириш учун шарт-шароит сифатида аниқлашади¹¹, учинчилари эса - давлат ҳокимияти органлари субъектлари томонидан ўз маъмурий-ҳудудий чегаралари доирасидаги барча тармоқ ва муассасалар фаолиятини марказий ҳамда Ҳудудий бошқарувнинг ўзаро уйғунлашган муносабатлари асосида фаолият юритиши деб таърифлашади¹².

Юқорида баён этилган фикрлар моҳиятан бир-бирига яқин бўлиб, бошқарув қонунлари, тамойиллари ва функцияларига асосланувчи бошқарув фаолиятини билдиради.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда Ҳудудий иқтисодиётни бошқариш назариялари(жумладан, Ҳудудий сиёсат назарияси)ни ўрганишга бўлган эътиборнинг кучайганлиги, миллий ва Ҳудудий иқтисодиётга доир бир қатор илмий тадқиқот ишлари бажарилгани ва бир нечта китоблар нашр этилганига қарамай, Ҳудудий иқтисодиётни бошқаришнинг назарий-услубий асослари фақат уларнинг айримларида кўриб чиқилган ҳолос.

Мавжуд Ҳудудий иқтисодиётни бошқариш назарияларидан республикада Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, давлат бошқарувининг амалий вазифаларини еча олиш имкони нуқтаи назаридан таҳлил қилиш лозим.

Ҳудудий иқтисодиётни бошқариш назарияларининг эволюцияси иқтисодий ривожланишнинг номоддий мақсад ва омиллари ролининг ўсиши ҳамда Ҳудудларнинг барқарор экологик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моделига ўтишини акс эттиради.

¹⁰ Фетисов Г.Г., Орешин В.П. Региональная экономика и управление: Учебник.-М.:ИНФРА-М, 2006.-с.254.

¹¹ Кистанов В.В., Копылов Н.В. Региональная экономика России: Учебник.-М.: Финансы и статистика, 2006.-С.86.

¹² Абдурахманов К.Х. и др. Региональная экономика и управление. Учебник. / под.ред.акад.С.С.Гулямова.-Т.: Изд-во «Fan va texnologiya», 2007 г.- с.592.

Худудий иқтисодиёт тизимининг элементлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин: иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик фаолияти; ялпи худудий маҳсулотни яратувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг йиғиндиси; Худудий бюджет даромадларини шакллантирувчи хўжалик субъектларининг йиғиндиси.

Фикримизча, Худудий иқтисодиётни бошқаришда Худудга бутун мамлакат ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари ягона тизимининг ажралмас қисми ҳамда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш-иқтисодий, ресурс, илмий-техник, молия-кредит, ижтимоий алоқалари билан тўғридан-тўғри ва тескари муносабатда бўладиган тизимости сифатида қараш лозим.

Худудий бошқарув тизимида унинг мақсади асосий ўринни эгаллайди. Замонавий шароитларда Худудий бошқарувнинг энг муҳим мақсадлари, хавфсизлик, турмуш тарзини таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий тизимнинг яхлитлиги ва тартиблилиги ҳисобланади. Ушбу мақсадлар умуминсоний қадриятлар билан мувофиқ бўлиши лозим: яшаш сифатини яхшилаш; шахснинг ҳуқуқ ва ривожланиш кафолати; демократиянинг таъминланганлиги; ижтимоий адолат; жамиятнинг ижтимоий тараққиёти ва ҳ.к.лар.

Амалиётнинг кўрсатишича, Худудий бошқарув тизимининг сифати унинг барқарорлигидан муҳимроқ. Асосийси - бу бошқарув механизмининг бошқарув шароитлари, жамиятдаги ўзгаришларга, Худуддаги инсонлар эҳтиёжларига мослашувидир.

Худудий бошқарувнинг муҳим моддий базаси, бошқарувнинг мос органлари мавжудлиги; кадрлар мавжудлиги; молиявий имкониятлар; бошқарув техникаси билан таъминланганлик ҳисобланади. Бундан сезиларли даражада Худудий бошқарув самарадорлиги келиб чиқади.

Юқорида хорижий ва маҳаллий олимларнинг Худуд иқтисодиётини бошқариш борасидаги таърифларини умумлаштирган ҳолда 1.1-расмда

келтирилган «Худуд иқтисодиётини бошқариш» атамасини кўриб чиқадиган бўлсак, мазкур атама тўртта: худудий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий кўринишидаги хусусиятлари бўйича тавсифланади. Худудий тавсифи бўйича у мамлакатлар гуруҳи, мамлакат, мамлакат худуди, худуд қисми, вилоят, туманининг бир қисми гуруҳи шаклида намоён бўлса, иқтисодий кўриниши бўйича маъмурий, табиий, ижтимоий, сиёсий, ишлаб чиқариш, экологик хусусиятлари билан фарқланади. Ҳуқуқий шакли бўйича эса давлат, давлат гуруҳи, мамлакат субъекти, мамлакатнинг бир неча субъектлари, республика, вилоят, туманларга бўлинади. Ташкилий-маъмурий хусусиятлари бўйича эса, ташкилий алоқалар тизимлари (тизим элементлари), ташқи иқтисодий алоқалар, инновацион, таркибий ўзгаришлар, кадрлар таъминоти сифатида тавсифланади.

Фикримизча, «Худуд иқтисодиётини бошқариш» атамасига қуйидаги таърифни бериш мумкин: Худуд иқтисодиётини бошқариш -бу, бошқарув объекти ва субъекти сифатида давлат ва Худудий бошқарув органлари томонидан иқтисодий, ташкилий-маъмурий, ҳуқуқий бошқарув усуллари ва турли дастаклари орқали тартибга солиб турилишидир.

Умуман, Худудий даражада бошқариш умумдавлат иқтисодиётини бошқариш тизимининг муҳим тизимости ҳисобланади. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, у маълум даражада мамлакат бошқариш тузилмасини такрорлайди, лекин бунда устувор тармоқлар бўйича мақсадли йўналтирилган дастурларни амалга оширишда марказнинг аралашуви ҳам зарур бўлади.

Худудий иқтисодиётни бошқариш Худуддаги бошқарув тизимларининг самарали амал қилишини таъминлашга қаратилган замонавий бошқарув тамойиллари асосидаги мақсадга йўналтирилган хатти-ҳаракатлар мажмуаси ҳисобланади.



1.1-расм. «Худуд иқтисодиётини бошқариш» атамасининг тавсифлари

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Истиқлол йилларида амалга оширилаётган номарказлаштириш ҳамда маъмурий ислохотлар республика, шунингдек, Худудий бошқарув органларининг ваколат ва функцияларини сезиларли даражада ўзгартирди. Иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги босқичида Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ислох этишда муҳим стратегик вазифалар марказий бошқарув органлари, қолганлари эса Худудий ва худудий бошқарув органлари зиммасига ўтказилиш жараёнлари рўй бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда «... иқтисодиётимизни ислох этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни

инкирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди»¹³.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар, ўз навбатида, Ҳудудий сиёсатга сиёсий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган тубдан қайта ўзгартиришларни эътиборга олган ҳолда ўзгартиришлар киритишни тақозо этади. Мустақиллик йилларида давлат улуши сезиларли даражада камайган кўп укладли иқтисодиёт шаклланди. Республика ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасидаги вазифа ва функциялар қонуний жиҳатдан тақсимланди. Маҳаллий хўжаликни ривожлантиришда ҳукумат маҳаллий органларининг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайиб, улар тасарруфига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, йўловчи ташиш транспорти, ижтимоий инфратузилма муассасалари объектлари киритилди.

Ўзгариш шаклларида бири ҳисобланган иқтисодиётни бошқаришнинг номарказлашиш ва Ҳудудлашув жараёнлари мамлакат иқтисодий соҳасидаги демократик ўзгаришлар билан бирга амалга оширилмоқда. Мамлакат иқтисодиётини режали иқтисодиётга хос бошқаришдан бозор бошқарувига ўтиш Ҳудудларда ишлаб чиқариш - иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг ҳудудий - институционал шакллари тўлақонли ривожланиши учун янги имкониятларни очди.

Бозор иқтисодиёти шароитида республика Ҳудудий сиёсатининг асосий мақсадларига қуйидагилар киради:¹⁴ ҳудудий омиллардан самарали фойдаланиш; мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш ва аҳолининг яшаш даражасини ошириш; айрим ҳудудларнинг ижтимоий-

¹³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари // - Т.: Ўзбекистон, 2009.- 31-б.

¹⁴ Б.Ганиев, Т. Ахмедов Актуальность региональной политики в республике Узбекистан/ Экономическое обозрение, 18 октябрь, 2005 г.

иқтисодий ривожланишига ноқулай шароитларнинг таъсир этишини камайтириш.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиқиб, давлат Худудий сиёсатининг асосий вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўртасида катта фарқлар бўлишига йўл қўймаслик;

- Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солишда уларнинг табиий-иқтисодий, ишлаб чиқариш салоҳияти ва объектив имкониятларини эътиборга олган ҳолда дифференциал тарзда ёндашиш;

- бир мунча қолоқ ва ноқулай шароитларга эга худудларни умумдавлат ва Худудий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- аҳолининг яшаш шароитидан қатъий назар минимал ижтимоий кафолатни таъминлаш;

- Худудларда хусусий секторнинг ривожланишига устуворлик берилгани ҳолда институционал ва таркибий ислоҳотларни чуқурлаштириш;

- атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва Худудларда фаол экологик сиёсат олиб бориш;

- Худудий ва Худудлараро инфратузилма(транспорт, алоқа ва бошқалар)нинг ривожланиши;

- номарказлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, ижтимоий масалаларни ечишда ўзини ўзи бошқариш ҳамда маҳаллий бошқарув органларининг жавобгарлиги ва ролини ошириш;

- Худудларда ижтимоий дастурларни амалга оширишда маҳаллий бюджетлар ва бюджетдан ташқари фондларнинг ролини ошириш.

Худудий сиёсат мақсадларини тармоқ манфаатлари билан боғлаш Худудий бошқаришнинг асосини ташкил этади. Ҳозирги вақтда Худудий органларнинг

бошқарув ваколатларини кенгайтириш борасидаги ўзгаришлар Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун қулай имкониятлар яратмоқда.

Худудий бошқарув органларининг ташкилий-хўжалик мустақиллиги негизини уларнинг коммунал мулки ва шаклланаётган ташкилий-иқтисодий механизми ташкил этади. Худуднинг коммунал мулки корхоналар ва хўжалик ташкилотлари, маҳаллий бюджетлар, бюджетдан ташқари фондлар, республика билан Худуд ўртасида фаолият соҳаларини чегаралаш натижасида бепул бериладиган, республика мулки бўлган мол-мулк ҳисобига шаклланади.

Худудий хўжалик юритиш механизми маҳаллий давлат ҳокимиятларини уларга қарашли худудда жойлашган корхоналар ва ташкилотларга, мулкчилик шакли ва ташкилий-бошқарув тузилишидан қатъий назар, ушбу худудга хос ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга ёрдамлашиш мақсадида, иқтисодий-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш воситалари билан таъминлайди.

Худудлар даражасида олиб борилаётган ислохотлар тизимини мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва бозор инфратузилмасини шакллантириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш соҳасидаги айрим чора-тадбирлар йиғиндисидан иборат деб тасаввур қилмаслик керак. Худудлар даражасидаги ислохотларнинг бориши мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, уни ягона, яхлит тизим сифатида ҳар томонлама таҳлил этиш ва тартибга солиб туриш лозим бўлади.

Ушбу жараёнда шуни эътиборга олиш лозимки, Худуд ихтисослашуви дейилганда Худуднинг фақат худудий меҳнат тақсимоотидаги иштироки назарда тутилмайди. Худуд ихтисослашуви ҳамда худудлараро кооперацион ва интеграцион алоқалар бу худудий меҳнат тақсимотининг алоҳида, лекин ўзаро асосланган томонлари ҳисобланади. Шунинг учун ихтисослашув соҳаларининг

ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва маҳсулотнинг Худуддан ташқарига чиқиш кўрсаткичи асосида аниқланади.

Юқоридаги омилларнинг ҳисобга олиниши иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш имконини беради. Шу билан бирга, Худуд хўжалик мажмуаси ривожланишининг самарадорлиги нафақат хўжалик субъектларининг моҳияти ва барқарорлигини аниқлаштириш йўли билан, балки ижтимоий натижалар – иш ҳақининг ошиши, меҳнат шароитларининг яхшиланиши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий инфратузилманинг ривожланишини ҳам ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилиши лозим.

Худуд иқтисодиётини бошқариш ташкилий-иқтисодий механизми умумиқтисодиёт ишлаб чиқаришнинг ривожланишига таъсир этувчи асосий элементларидан бири ҳисобланиб, қуйидагилардан таркиб топади: меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларни амалга ошириш; бошқарув тизимини шакллантириш; режалаштириш; рағбатлантириш тизими; интеграция ва кооперациялашув; информацион таъминот; нарх ва молия-кредит механизми; суғурталаш тизими; солиққа тортиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ташкил этиш; инновацияга мойил ташкилий бошқарув тузилмаларини тузиш; хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги муносабатлар; ҳудудий дастурларни молиялаштириш ва ҳ.к.лар.

Умуман олганда, Худуд иқтисодиётини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми деганда, Худуд иқтисодиётини бошқариш даражасидаги ташкилий, иқтисодий, ҳукуқий, услубий ва унинг бошқа элементлари йиғиндисининг ўзаро таъсирлари шаклини ташкил этувчи, шунингдек, бошқарув жараёнини амалга ошириш кетма-кетлиги тушунилади(1.2-расм).

Республика Худудларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва ресурслар билан таъминланиш даражалари ўртасидаги фарқ туфайли ижтимоий-иқтисодий



1.2-расм. Иқтисодиётни бошқариш ташкилий-иқтисодий механизмининг асосий элементлари

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

вазиятнинг бозор муносабатлари шароитидаги замонавий ўзгариши Ҳудудий иқтисодиётни бошқаришга туб ўзгартиришлар киритишни тақозо этади. Ҳудудий субъектларни ривожлантириш, уларнинг иқтисодий ҳудудларда ўзаро келишув асосида иқтисодий сиёсатни юритишга бўлган интилишлари Ҳудудий иқтисодиётни бошқаришнинг замонавий тизимини ишлаб чиқиш ва уни

самарали амалга оширишнинг янги шакллари излаш зуруриятини келтириб чиқаради.

Мамлакат иқтисодиётини бошқариш жараёнидаги тубдан қайта қуришларнинг янги босқичи, ўз навбатида, Худудий иқтисодиётни бошқаришда янада эркинлаштиришни талаб этган ҳолда, авваламбор, давлатнинг тартибга солувчилик ролини чеклаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтириш, мулкдорларнинг хусусий сектордаги роли ва ҳуқуқларини мустаҳкамлашни аниқлатади.

Худуд иқтисодиётини бошқаришнинг асосий вазифаларидан бири худудий ривожланиш жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишда давлатнинг ўрни ва ролини аниқлаш ҳисобланди.

Худудий бошқарувнинг уч жиҳатини ажратиш мумкин: Худуд ва марказнинг ўзаро муносабатлари; Худуд ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш(шаҳарлар, туманлар ва бошқалар) ўртасидаги ўзаро муносабатлар; Худуднинг ягона хўжалик(хусусий Худудий бошқарув) сифатида комплекс ривожланишини таъминлаш.

Худуд иқтисодиётини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми қуйидаги функцияларни амалга оширишга йўналтирилган бўлиши лозим:

- рақобат муҳитини шакллантириш йўли билан Худуддаги ҳар бир хўжалик субъекти ва мулкчилик шаклининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини амалга ошириш учун тенг иқтисодий шароитларни яратиш;

- ўзини ўзи ташкил қилишнинг бозор тизими, хўжаликни юритиш жараёнини бошқариш ва мос ҳолдаги давлатнинг иқтисодий тартибга солиш тизимини шакллантириш ёрдамида такрор ишлаб чиқариш жараёнини тартибга келтириш;

- замонавий инновацион асосда Худуд салоҳиятининг таркибий қисмлари ўртасидаги мувозанат ва мутаносибликни таъминлаш;

- такрор ишлаб чиқариш барча субъектларининг малакаси ва ижодий салоҳиятини руёбга чиқариш, маркетинг хизмати, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари, сифат жиҳатдан янги технологияларни яратишда хўжалик субъектлари учун барқарор рағбатлантиришларни қўллаб-қувватлаш;

- ҳар бир хўжалик субъекти иқтисодий ахлоқининг мослиги, шунингдек, бозор қонунларига мос ҳолда барча иқтисодий тизимларнинг ўз-ўзини тартибга солишини таъминлаш.

Бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг ислоҳотларгача ва бозор иқтисодиёти шароитида ривожланишига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда унинг устувор ва камчилик томонларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, бу борада қиёсий таҳлилни амалга ошириш ташкилий - иқтисодий механизм элементларининг ривожланиш тенденциялари ва келгусида уларни такомиллаштириш йўллари аниқлаш имконини бериши мумкин (Зилова).

Шундай қилиб, фикримизча, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар замонавий босқичининг натижаси кўп жиҳатдан Худудларнинг бозорга хос бўлган янги хўжалик юритиш шакллари ва бошқариш усуллари аниқлаб олиниши ҳамда уларга мослашишига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, республика бошқарув органлари томонидан ишлаб чиқиляётган иқтисодий ислоҳотларда Худудий тафовутлар, бозор муносабатларини ривожлантириш омиллари ва заминларини қай даражада ҳисобга олинганлиги билан ҳам тавсифланади. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда республиканинг ҳар бир Худудсида мавжуд бўлган барча ресурслардан ва салоҳиятидан самарали ва оқилона фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Замонавий шароитда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш мақсадида Худуд иқтисодиётини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш, бозор ислоҳотларини амалга оширишда марказий ва

махаллий органларнинг ўзаро муносабатларини оптималлаштириш йўллари излаб топиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар Худудий бошқаришга сиёсий-маъмурий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган тубдан қайта ўзгартиришларни эътиборга олган ҳолда ўзгартиришлар киритишни талаб этади.

Хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкинки, Худудий муаммоларга бўлган қизиқишнинг катта бўлишига қарамай, Ўзбекистонда замонавий Худудий иқтисодиётни бошқариш қандай бўлиши кераклиги (унинг кўлами, усуллари, объектлари ва ҳ.к.лар) тўғрисидаги аниқ илмий ёндашув ҳозирги кунгача шаклланмаган. Шу сабабли, Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқаришда давлатнинг роли, унинг таъсирини ошириш, сақлаш ёки қисқартириш борасидаги мунозаралар жараёнида қатор принципиал масалалар ўз ечимини кутмоқда.

1.2. Давлат ва Худудий бошқарув механизмларининг ўзаро муносабатлари ва хусусиятлари

Иқтисодиётни бошқариш муаммоларига нисбатан олимлар ва амалиётчилар қарашлари А.Смит давридан, асосан XX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб сезиларли равишда ўзгариб борди. Давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги “laisser-fair” концепцияси, яъни либерал ғоялар асосчилари томонидан XIX асрдаёқ тақлиф этилган постулатлар амалиётда ўзининг тўлиқ тасдиғини топмаганлигига қарамай адабиётларда бозор иқтисодиёти ва давлатни бир-бирига қарама-қарши қилиб тасвирлашлар ҳамон учраб турибди. Аммо, давлат бошқаруви институти ўзида давлатнинг ижтимоий-сиёсий ва

ижтимоий-иқтисодий жараёнларга аралашувини намоён қилади. Лекин нафақат сиёсий ва сиёсий-ҳуқуқий шу билан бир қаторда иқтисодий фанларда ҳам ҳозирча ушбу тартибга солишнинг нисбий чегарлари борасида ягона фикрлар мавжуд эмас.

Давлат томонидан бизнесни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалалар классик ва неоклассик иқтисодий назарияларда бир-бирига мос келмайди. Монетаризм ва иқтисодий либерализм ёки либертаризм тарафдорларининг фикрича, давлатнинг минимал даражадаги функцияси худди “тунги қаровул” функцияси каби мамлакатдаги ижтимоий тартибни сақлашни таъминлаши лозим. Бундай ёндашув ўзида давлатнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жараёнларга минимал даражада аралашувини акс эттиргани ҳолда, ушбу жараёнларни тартибга солишда энг яхши дастак - бу бозорнинг “кўринмас қўли” ҳисобланади.

Кейнсчилар ва этатизм тарафдорлари эса, аксинча бозорнинг бажара олмайдиган функцияларини амалга ошириш учун ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ечиш борасида давлатнинг аралашувини қўллаб-қувватлашади. Авторитаризм ва тоталитаризм тарафдорларининг кўпчилиги эса бу борада иқтисодиётни ёппасига давлатлаштириш ва фуқаролик институтларининг бутунлай давлатга бўйсунилишини ёқлашади. Булардан ташқари яна XIX асрда Англияда Тори ҳокимияти, XX асрнинг 60 йилларида Францияда президент Шарль де Голл даврида тарафдорлари бир мунча таъсирга эга бўлган «патерналистик» номли ёндашув ҳам мавжуд.

Мазкур ёндашувлар ичида ҳеч нарса билан чегараланмайдиган эркин бозор-либертаризм тарафдорлари ва иқтисодиётни қаттиқ давлатлаштириш тарафдорлари орасида ўрта ҳолатни эгалловчи кейнсчилар томонидан таклиф этилган ёндашув самарали ва ҳаётий бўлиб чиқди.

Бунга 1929-1933 йиллардаги етакчи капиталистик давлатларнинг тартибсиз, бошқарилмайдиган иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида келиб чиққан иқтисодий таназзули мисол бўлади. Ушбу давр, ўз навбатида, иқтисодиётни бошқаришда янги қарашларнинг ривожланишига туртки бўлди. Ж.М.Кейнс томонидан илгари сурилган қоидалар неолиберал назариянинг ички қарама-қаршиликларини очишга ва иқтисодиётни тартибга солишда кўпроқ давлатнинг ролини оширувчи янги тизимни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Иқтисодий ҳаётнинг кўрсатишича бозор механизми автоматик равишда ўз-ўзини тартибга солишга қодир эмас. Шу сабабли давлатнинг тартибга солиш роли аҳамиятининг ортиб боришига кейнсча иқтисодий назария асос бўлди. Дж.Кейнснинг фикрича, фақат ўзини-ўзи тартибга солиб турувчи бозор механизми ва давлат дастакларининг бирикишигина ишлаб чиқарилган миллий маҳсулот, яъни барқарор иқтисодий ривожланиш билан мос равишда ялпи тўловга лаёқатли талабни таъминлашга қодир.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, марказ ва Ҳудудлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар орқали мустаҳкамланган бўлиб, бу борада ваколатларни тақсимлаш тамойилидан фойдаланилади. Бунда оғирлик маркази кўпроқ тартибга солишнинг бошқаруви пул-кредит ва амортизация сиёсати, солиқ тизими, бюджетдан ташқари мақсадли фондлардан фойдаланиш каби тартибга солишнинг билвосита усулларига қўчади. Асосий диққат-эътибор ташқи иқтисодий ўзаро муносабатлар (божхона божлари, экспорт имтиёзлари, хавф-хатарлардан экспорт кредитларини давлат томонидан суғурталаш ва ҳ.к.лар)ни тартибга солишга қаратилади. Шу билан бирга, Ҳудудларда марказлашган бошқарувнинг белгиланган ҳуқуқларни бузувчи анъанавий шакллари ҳам сақланиб қолади.

Хорижий ва ватанимизда тўпланган тажрибалардан келиб чиққан ҳолда Худуд иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишни бевосита ва билвосита тартибга солиш усуллари(1.3-расм)га бўлиш мумкин¹⁵.



1.3-расм.Худуд иқтисодиётини тартибга солиш усуллари¹⁶

¹⁵ Кушнарєва О. Регулирование общественного благосостояния: региональный уровень// Проблемы теории и практики управления. 2/ 2008.- с. 30.

¹⁶ Кушнарєва О. Регулирование общественного благосостояния: региональный уровень// Проблемы теории и практики управления. 2/ 2008.- с. 31.

Худуд иқтисодиётини бевосита тартибга солиш усуллари қўшимча моддий рағбатларни яратиш ёки молиявий йўқотиш билан боғлиқ эмас ва давлат ҳокимиятига таянади. Бунда кўпинча буйруқ кучига эга бўладиган лицензиялаш, квоталаш, баҳо, даромадлар, валюта курси ва ҳоказолар устидан назорат чоралари қўлланилади.

Худуд иқтисодиётини тартибга солишнинг билвосита усуллари товар-пул дастакларига асосланадиган бозор хўжалигида «ўйин қоидаларини» белгилайди ва хўжалик юритиш субъектларининг иқтисодий манфаатларига таъсир этади. Бунга пул-кредит, солиқ, амортизация, валюта, ташқи иқтисодий сиёсат дастаклари киради. Бошқарувни номарказлаштиришнинг умумий тенденцияси давлат ижтимоий сиёсатини тартибга солиш умумий тизимида Худудий ва маҳаллий ҳокимият органлари ролининг ошиши билан боғлиқ.

Жаҳон тажрибаси бозор иқтисодиёти, фукаролар жамияти ва давлат орасида ўзаро яқин алоқалар мавжудлигини кўрсатади.

Иқтисодий муносабатларнинг асосий субъектларидан бири бўлган давлат зиммасида иқтисодиётни тартибга солиш, иқтисодий инфратузилмани яратиш ва қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётда меъёр ва ўйин қоидаларини таъминлаш каби муҳим вазифалар сақланиб қолмоқда.

Шунингдек, иқтисодий адабиётларда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш муаммоларини ечишда давлатнинг ролига нисбатан «бозор ҳамма нарсаларни тартибга солади, давлат аралашуви минимал» бўлиши лозим, деб ҳисобловчи неолибераллар ва иқтисодиётни тартибга солиш ва ижтимоий муаммоларни ечишда давлатнинг ролини кучайтириш лозим, деб ҳисобловчи эгалитардан иборат бўлган иккита қутб позициялари ўз аксини топади.

Лекин ҳозирги шароитида аксарият молиячи-иқтисодчилар бутун жаҳонни қамраб олаётган молиявий-иқтисодий инқироз асосан ривожланган

мамлакатлардаги иқтисодиётни ҳаддан зиёд эркинлаштириш сиёсатининг «меваси» эканлиги, яъни бу ҳодисани «ўзини-ўзи бошқарувчи бозор» ғоясини илгари суриш орқали давлатнинг миллий иқтисодиётга ва хусусан, молиявий бозорларга аралашуви чекланганлиги билан изоҳласалар, бошқалари рақобат асосида бозор иқтисодиёти бошқарув ва тартибга солишни инкор этмаслигини молиявий инқироз тасдиқлагани, бунда умуман давлат жамиятни белгиланган мақсадга боғлиқ равишда бошқариш институти сифатида намоён бўлади¹⁷, деб ҳисоблашади.

Бу борада Республика Президентининг қуйидаги фикрлари бунинг яққол далилидир: «Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади»¹⁸.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигида ўз ифодасини топган прагматик иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиш, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислохотларни босқичма-босқич ва вазминлик билан амалга ошириш каби тамойиллар айниқса, жаҳонда авж олиб бораётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида долзарблиги ва ҳаётийлигини яна бир бор кўрсатиб иқтисодиётни бошқаришни ислох этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификациялаш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратади.

¹⁷ Усик Н. Проблемы управления и регулирования в экономике России/ Проблемы теории и практики управления, 12/2008. - с 53.

¹⁸ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/ -Т.: Ўзбекистон, 2009.8-б.

Жаҳон иқтисодиёти амал қилишининг асосий қонуниятлари таҳлили кўрсатишича, бугунги кундаги асосий йўналишлар ривожланишнинг инсонийлашуви ва экологиялашувга йўналтирилганлиги билан тавсифланади. Шу сабабли “ривожланиш” ибораси эндиликда “ортиш”, “кенгайиш” ва ҳ.к. иборалар билан бир хил маънони англатмайди ва аксинча ҳозирги пайтда иқтисодиётнинг ривожланиши ишлаб чиқариш суръатларининг чегараланиши ва юқори ривожланган мамлакатларда бир мунча паст истеъмол стандартларига ўтишни ўзида намоён этади.

Давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувининг объектив зарурлиги қуйидаги омиллар билан аниқланади¹⁹:

- ижтимоий такрор ишлаб чиқаришни кенг қўламда таъминлашнинг зарурлиги;
- аҳоли манфаатларининг узоқ муддатлигини таъминлаш;
- мамлакатдаги аҳоли турли қатламлари орасидаги ижтимоий-иқтисодий манфаатлар балансини қўллаб-қувватлаш;
- мамлакат ҳудудий маконининг яхлитлиги ва бутунлигини таъминлаш.

Давлат ҳокимияти органлари ўз фаолиятларида ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнларига таъсир этиш бўйича ижтимоий фойдали натижаларга эришиш мақсадида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишни намоён этади.

Марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда давлатнинг бевосита ва билвосита мамлакат иқтисодий ҳаётида бозор муносабатлари самарали шаклланишини таъминловчи, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир этувчи усуллар ва воситалар орқали қатнашувчилари ҳисобланади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг барча томонларини қамраб олади ва ижтимоий ривожланишнинг

¹⁹ Государственное регулирование рыночной экономики.-М.: Издательский дом «Путь России»; ЗАО Издательский дом « Экономическая литература», 2002.-с.15.


объектив иқтисодий қонунларига асосланади. Давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва дастакларининг ўзаро бирикмаси натижасида иқтисодиётни бошқариш механизми амалга ошади (1.4-расм). Бозор шароитида иқтисодиётни тартибга солиш давлат, Ҳудудий ва маҳаллий даражаларда амалга оширилиб, уларнинг ҳар бири ўз мақсади, вазифалари ҳамда функцияларига эга.

Миллий иқтисодиётни давлат даражасида тартибга солишнинг асосий мақсади - бутун жамият ва унинг алоҳида субъектлари фаровонлигини тартибга солишга имкон берувчи самарали бозор иқтисодиёти ва ривожланган бозор инфратузилмаси асосида шаклланган иқтисоди юқори ривожланган давлатни яратиш ҳисобланса, Ҳудуд даражасида иқтисодиётни тартибга солиш амалдаги қонунчиликлар асосида давлат ҳудудий органларининг ҳуқуқий, иқтисодий, бошқарув, режавий ва назорат фаолиятлари тизими орқали амалга оширилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда миллий иқтисодиётни шу жумладан, унинг таркибий қисми бўлган Ҳудудий иқтисодиётни бошқаришнинг замонавий концепциясини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- иқтисодиётнинг инсоний ва экологик йўналтирилганлиги, унинг инновациялиги;
- бозор механизмлари ва давлат томонидан тартибга солишнинг ўзаро бирикиши;
- бир томондан, иқтисодий самарадорликни ва иккинчи томондан ижтимоий адолатлилик таъминлаш;
- иқтисодиётни Ҳудудийлаштириш ва бошқарувни демократлаштириш.

Республика Ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг бозор муносабатларига ўтиш давридаги замонавий трансформацияси, ўз навбатида, Ҳудудий иқтисодиётни бошқаришга туб ўзгартиришлар киритишни талаб этади. Ўзбекистон Республикасининг Ҳудудий субъектларини



1.4-расм. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва дастакларининг ўзаро боғлиқлиги

Манба: муаллиф ишланмаси

ривожлантириш, уларнинг иқтисодий ҳудудларда ўзаро келишув асосида иқтисодий сиёсатни юритишга бўлган интилишлари, Ҳудудий иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга оширишнинг янги шакллари излаш зуруриятини келтириб чиқаради.

Мамлакатда Ҳудудий бошқаришнинг янги ташкилий-иқтисодий механизмини аста-секин, зиддиятли, баъзан мураккаб вазиятларда шакллантириш жараёни кечмоқда. Сабаби мамлакат Ҳудудлари бир-биридан ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, иқтисодий салоҳияти, табиий-иқлимий ва экологик вазиятлари ва бошқа жиҳатлари бўйича фарқ қилади.

Объектив сабабларга кўра бозор муносабатларига мослашиш қийин бўлган Ҳудудларга нисбатан, иқтисодий ўсишнинг ички манбаларини фаоллаштириш ва уларнинг хўжалик мажмуаларини ягона давлат иқтисодий сиёсатига киритишга йўналтирилган, инвестицион, саноат, молия-кредит соҳаларида махсус тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилиши керак.²⁰

Бу масалани ҳал этиш учун аввало, Ҳудудларнинг иқтисодий ислохотларга кўрсатадиган акс таъсири таснифланиши лозим. Бунда деярли доимий мезонларнинг у ёки бу тўплами қўлланади. Натижада Ҳудудлар гуруҳининг таркиби сифат омиллари жиҳатидан жуда ранг-баранг бўлади. Шундай бўлса-да, давлат Ҳудудий сиёсатини ишлаб чиқишда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва ҳудудлардаги макроиқтисодий жараёнлар динамикасидаги миқдорий фарқларнигина эмас, балки бу фарқларни келтириб чиқарувчи асосий омиллар: иқтисодий динамикани тубдан ўзгартириш учун Ҳудудда ички захираларнинг мавжудлиги, ички муаммолар ечимининг республика миқёсида қўллаб-қувватлаш ва маҳаллий ҳокимият сиёсати ва ҳ.к.ларга боғлиқлигини ҳам инобатга олиш лозим.

²⁰ Н. Маркова. Региональная политика государства на современном этапе/ Теория и практика управления. 8/2006. - с 45.

Республикада бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатни қуриш ва ривожланган фуқаролик жамиятини яратиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Мустақиллик даврида амалга оширилган ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон Республикасида ўзаро боғлиқ қуйидаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизими яратилди:

Биринчи даража - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси.

Иккинчи даража - вазирликлар ва идоралар, аввало, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат статистика қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш агентлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ўзларининг ҳудудий бўлинмалари орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ҳал қилишда иштирок этишади.

Учинчи даража - маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бўлиб, улар қуйидагилардан ташкил топган:

- республика(фақат Қорақалпоғистон Республикаси), вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари(маҳаллий маъмурият);

- вилоят, шаҳар ва туман халқ депутатлари кенгаши;

- (маҳаллий кенгашлар) ҳудудий бошқармалар ва вазирликлар бўлинмалари.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари маҳаллий даражада ижроия ҳокимияти негизига айланди ва ўтиш даврида ижтимоий барқарорликни сақлаш ҳамда турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймасликни таъминлай олди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида давлат ҳокимиятини ислоҳ этиш борасида олиб борилган бир қатор муҳим ишларга

қарамай, унинг юқори даражада марказлашуви ҳамон сақланиб қолмоқда. Амалга ошириладиган ҳудудий дастурлар ғояси ва концепцияси миллий даражада ишлаб чиқарилмоқда, маҳаллий ҳокимият бошқарув органлари бунда маълумот йиғиб берувчи ва бажарувчи сифатида иштирок этмоқда.

Ҳудудий даражалардаги турли миллий дастурлар йиғиндисини Ҳудудлар ривожланишининг комплекс дастурлари деб атаб бўлмайди, бунга ўхшаш стратегик ҳужжатлар тизимлилик асосида умуман ҳеч қандай ҳокимият даражаларида ишлаб чиқилмайди. Бу, ўз навбатида, Ҳудудлар салоҳиятидан самарасиз фойдаланишга олиб келади, бунинг натижасида Ҳудудлараро тафовутлар ортиб боради.

Мустақиллик йилларида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларини ислоҳ этиш натижасида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кузатилган муайян ижобий ўзгаришлар мавжудлигига қарамай Ҳудудий бошқарув органлари фаолиятида қуйидаги салбий омиллар сақланиб қолмоқда:

- Ҳудудий бошқарувнинг турли бўғинларида бозор иқтисодиётининг самарали фаолиятига тўсқинлик қилувчи маъмурий бошқарув усулларида кенг фойдаланиш;

- Ҳудудий ва ҳудудий бошқарув ҳокимияти органлари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлар, энг аввало, хусусий тадбиркорлар ва фермерлар фаолиятига фаол аралашиш;

- марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўзаро муносабатларида қатъий бўйсунининг сақланиб қолаётганлиги, маҳаллий бошқарув органлари фаолиятида юқоридан топшириқларни кутиш натижасида улардаги ташаббускорликнинг етишмаслиги.

Ушбу омиллар кўп жиҳатдан Ҳудудлар ривожланишида мавжуд салбий тенденцияларни келтириб чиқаради.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг муҳим вазифаси – иқтисодий ўзгаришлар мақсадларини мавжуд ресурсларга мослаштириш асосида халқ фаровонлигининг барқарор ўсиши ва юқори унумдорликка эришишни таъминлайдиган тизимини яратиш ҳисобланади.

Бундай ўзаро боғлиқлик бошқариш тизимининг рационаллигидан келиб чиқади. Жаҳонда рўй бераётган иқтисодий тараққиёт мамлакат ривожини сифат жиҳатдан янги бўлган жамиятга йўналтиради. Кўпгина олимлар бу жараёни, бошқарув ва ишлаб чиқаришда инновацион ёндашиш билан белгиланувчи, постиндустриал (индустрлаштиришдан кейинги) даврга кириш деб аташади.

Бунда бошқарув жараёни иқтисодиётнинг ўзини ўзи ташкил этиш имкониятига шубҳа қилмасдан фақат бозор механизмларини тартибга солиш сифатида кўриб чиқилади.

Бугунги кунда кўпгина бозор иқтисодиёти ҳукм сураётган давлатларнинг иқтисодий таълимоти айнан шундай. ХХІ асрда постиндустриал даврдан информацион даврга ўтишда у қандай бўлади деган саволнинг **ту-илиши** табиий.

Глобал ўзгаришлар технологик тартибда юз беради. Бинобарин, мамлакатда бутун иқтисодиётни бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида иқтисодий ривожланишнинг янги самарали йўллари изланмоқда. Ўйлаймизки, бу барқарор ўсишни таъминлаган ҳолда, иқтисодий тараққиётнинг янги босқичларини белгилаб беради.

Ҳозирда иқтисодий тараққиёти жамият интеллекти ва илмий ёндашувга асосланган бошқариш тизимлари ривожланган мамлакатларда мавжуд. Уларнинг тажрибаси иқтисодиётимиздаги бошқариш усуллари шакллантириш ва такомиллаштиришда фойдали бўлиши мумкин.

Бундай таркибий қайта қуришнинг моҳияти, замонавий талаблар, шароит ва имкониятларга боғлиқ тарзда бошқарув таъсири самарадорлигини оширишга

кўмаклашувчи янгилаш механизмини яратишдан иборат. Бунда илмий-техник салоҳиятни фаоллаштириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва техник қайта қуроллантириш билан бирга кечадиган, илғор бошқариш усуллари ва инфор­мацион технологияларни қўллаш кўзда тутилади. Натижада корхоналар, ҳудудлар, Ҳудудлар ва умуман мамлакатнинг тез суръатларда ривожланиши реал бўлиб қолади. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги илгарилаб боровчи ривожланишини таъминловчи, бошқариш тизимини янгилашнинг мунтазам амал қилаётган механизмини шакллантириш хўжалик юритиш самарадорлигининг ўсишига катта таъсир қилади.

Бозор шароитида ўзгаришларни олдиндан кўра билиш ва иқтисодий­ти ривожлантириш стратегиясини илмий асосда ишлаб чиқиш, таркибий ўзгаришларни бошқариш ва назорат қилиш бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун бошқарув фаолиятининг усул ва шакллари ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, ташкилий шакллар илмий кашфиётларнинг моддийлашув муддатларининг қисқариш тенденциялари билан бошқариш усуллари орасидаги ўзаро боғлиқлик, бугунги кунда тобора бир қонуниятга айланиб бормоқда. Бундай мувофиқликка эришишга уларнинг мунтазам янги­ланиш механизми ҳам кўмаклашади.

Ҳозирги пайтда республика­миз Ҳудудларида Ҳудудий бошқарув тизимини ислоҳ этиш талаб этилади. Бозор иқтисодиёти республика субъектлари орасидаги молиявий, хўжалик, бошқарув ва ижтимоий фарқларни доимо ҳам эътиборга олмайди. Шу сабабли бозор муносабатлари шароитида айрим Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истиқболини белгилашга жиддий тузатишлар киритилиши лозим. Ушбу жараёнда республика ва Ҳудуд миқёсида ишлаб чиқила­диган комплекс истиқбол режалари ва

мақсадли дастурлар Худудий ривожланишни тартибга солишнинг асоси бўлмоғи лозим.

Иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичида давлатнинг тартибга солиш роли нафақат давлат сектори, балки хусусий секторга нисбатан ҳам мунтазам кучайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ёки маъмурий-буйруқбозликка асосланишидан қатъий назар, уни давлат томонидан тартибга солиш ҳар қандай ҳукумат учун объектив заруриятдир. Давлатнинг иқтисодий сиёсати бозор тизимининг муҳим элементи. Давлат бевосита ёки билвосита бозорларнинг муҳим параметрларини, алоҳида фирма ва тадбиркорлар фаолиятидаги иқтисодий мақсадларни белгилаб беради. Мамлакатда умумий иқтисодий маконни шакллантириш, ижтимоий ҳавфли бўлган фаолиятларни чеклаш ҳам давлат томонидан амалга оширилади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг аниқ йўналишлари, шакллари ва кўламлари мамлакатнинг маълум даврдаги ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари билан белгиланади.

Давлатнинг иқтисодий соҳани бошқаришдаги асосий вазифаси - бу аҳолининг муттасил ошиб борувчи эҳтиёжларини қондиришга қаратилган моддий ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминлашдир.

Давлатнинг иқтисодий сиёсати турли ҳудудларнинг демографик, ресурс, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, шунингдек, қўйилган вазифаларни ечиш учун зарур бўлган ялпи салоҳиятига нисбатан дифференциал бўлиши мумкин ва лозим.

Тажрибалар мамлакат миллий иқтисодиёти ривожланишининг самарали ҳудудий бошқарувини ташкил этиш учун Худудий тузилмаларнинг объектив зарурлигини кўрсатмоқда. Тизим элементлари ва даражалари ўртасидаги ваколатлар, жавобгарликларнинг аниқ тақсимланиши бўйича яхлит ҳудудий

бошқарув ҳамда стратегик режалаштиришнинг ягона тизимининг йўқлиги республика ҳудудларида хўжалик фаолиятининг самарадорлигини сезиларли пасайтиради.

Шундай экан, ҳозирги шароитда ҳудудий бошқарувнинг янги модели қуйидаги тамойилларга асосланиши лозим:

- тадқиқот(ҳудудий, ижтимоий ва бошқа ташкил этувчи) объектининг барча томонларини таҳлил этиш зарурлиги, яъни бир бутунлиги;
- тизимлилик, яъни тадқиқот объектини кўриб чиқиш нуқтаи назаридан юқори даражадаги тизим элементи сифатида ички ўзароалоқалар ва ташқи омилларни ҳисобга олиш;
- аҳолининг яшаши ва фаолият юритиши учун нормал шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- мақбул риск, яъни зарур чораларни амалга ошириш, бозор муҳитида аҳолини ҳимоя қилиш ва чегаравий вазиятларни бартараф этишга йўналтирилганлиги;
- бутун мамлакатни ривожлантириш вазифаси доирасида айрим ҳудудларни ривожлантириш масалаларини кўриб чиқиш, бунда асос сифатида республика даражасига яқин йўналишлар ва йўллар, устуворликлар, тузилмалар элементлари қабул қилинади.

Юқорида таъкидланганидек, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида республика алоҳида субъектларининг орасидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ўртасидаги фарқлар анча ортди. Шу сабабли мамлакатнинг алоҳида субъектлари иқтисодиётининг “бозор таъсири”даги фарқлари давлат Ҳудудий сиёсати тадбирларини ишлаб чиқишда дифференциаллашган ёндашувни талаб этади.

Бозор инфратузилмалари ва саноати яхши ривожланмаган Ҳудудларга нисбатан, иқтисодий ўсишнинг ички манбаларини фаоллаштириш ва уларнинг хўжалик мажмуаларини ягона давлат иқтисодий сиёсатига киритишга

йўналтирилган, инвестицион, саноат, молия-кредит соҳаларида махсус тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилиши керак.

Умуман олганда, бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг оғирлик маркази Ҳудудларга кўчиши жараёни кузатилмоқда. Аҳоли турмуш даражасини таъминлаш муаммолари ечилиб, бошқарувнинг Ҳудудий органлари аҳоли ва марказ олдида Ҳудуддаги ҳолат учун асосий жавобгарликни ўз бўйнига олади. Бошқарувни номарказлаштиришнинг мазмун – моҳияти - ҳуқуқ ва унга мос равишда жавобгарликнинг бир қисмини жойларга бериш билан маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг объектив ривожланиш тенденциялари оқимида ва шу билан бирга Ҳудудий сиёсатга янги мажбуриятларни юклашни ўз ичига олади.

1.3. Ҳудудий иқтисодиётни бошқаришнинг хорижий тажрибалари

Ҳозирги кунда кўплаб хорижий мамлакатларда давлат бошқарувининг номарказлашуви, унинг Ҳудудлашуви, ҳокимиятнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига берилиши кучайиб бормоқда.

Бозор муносабатлари назариясида ривожланган давлатларда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг уч тури – англосаксон, французча ва аралаш турлари ажратилади. Улардан биринчиси АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия ва Янги Зеландия учун хос бўлса, иккинчиси – Франция, Италия, Испания, Бельгия ва бир қатор Лотин Америкаси мамлакатлари учун, учинчиси эса – Германия ва Япония учун хосдир²¹.

Англосаксон турида маҳаллий органларнинг кўпроқ мустақиллиги ва уларнинг марказга камроқ бўйсунishi кузатилса, французча турида – марказий ҳукуматнинг маҳаллий органлар устидан ривожланган назорат тизими, аралаш

²¹ Павлов К. Система местного управления в регионах России и опыт развитых стран.// Проблемы теории и практика управления № 5. 1999 с.81.

турида эса – ҳам унисининг, ҳам бунисининг уйғунлашуви кузатилади. Бунинг устига ҳар бир мамлакатда маҳаллий органларнинг катта миқдордаги хилма-хиллиги кузатилади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг англосаксон тури Буюк Британияда пайдо бўлган. Унинг муҳим белгиси – сайлов органларига васийлик қилувчи ҳукуматнинг ваколатли вакиллари йўқлигидир. Бу ерда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг мамлакат графликлари ва округларга бўлинган икки бўғинли тизими мавжуд. Тизимнинг асосини графликлар ташкил этиб, уларга метрополия функцияларидан ташқари округларнинг маҳаллий сайлов органлари амалга оширишлари мумкин бўлган энг муҳим функциялар берилган.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг англосаксон тури қўлланиладиган АҚШ учун ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳада давлат функцияларининг юқори даражада номарказлашуви хосдир. Федератив тизим штатларга маълум иқтисодий мустақиллик ва кенг ваколатларни бериб, маҳаллий органлар ҳукукий жиҳатдан бевосита уларга бўйсунди. Ҳар бир штат ўз конституциясига эга бўлиб, уларда унинг давлат қурилиши ва маҳаллий органлар тузилишининг асосий тамойиллари ва шакллари мустаҳкамлангандир. Дунёнинг бошқа исталган мамлакатига қараганда АҚШда штатлар ва маҳаллий давлат бошқарувларининг функциялари тўлиқроқ бўлишига қарамасдан, ҳудудий табақаланиш ҳисобга олинади, чунки АҚШнинг иқтисодий ривожланиши географик жиҳатдан бир хилда эмасдир. Кўпинча фаровонлик билан динамик ривожланаётган Ҳудудлар камбағал қолоқ Ҳудудлар билан ёнма-ён жойлашиб қолади.

XX асрнинг 60-йилларидан АҚШнинг Ҳудудий сиёсати ижтимоий-иқтисодий ривожланишни давлат томонидан тартибга солишда ҳам федерал ҳукуматнинг, ҳам алоҳида штатларнинг мажбурий функцияси бўлиб қолди. Мазкур сиёсат нафақат Ҳудудий қарама-қаршиликларни бартараф қилиш билан,

балки хўжалик тузилмасини ўзгартириш йўли ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш билан ҳам боғлиқдир.

XX асрнинг 70-йилларининг охирларида федерал ҳукуматнинг Худудий ривожланишга бўлган таъсири сезиларли равишда пасайган ҳолда, маҳаллий тартибга солишнинг роли анча ўсди (солиқ тизими, пул-кредит рағбатлантиришлари ва ҳ.к.).

АҚШда Худудий сиёсатни амалга оширишнинг асосий шакли турли хилдаги Худудий мақсадли дастурлар ҳисобланади. Умумдавлат Худудий дастурлари АҚШнинг федерал қонунчилик ва ижроия ҳокимиятлари даражасида кўриб чиқилади ва федерал бюджетдан молиялаштирилади. Бундай дастурлар бўйича энг муҳим қарорлар АҚШ конгресси томонидан қабул қилиниб, у Худудий дастурларнинг бош мақсадларини, қисман дастурий тадбирлар йиғиндиси, федерал бюджетдан ажратмалар ажратишнинг максимал мумкин бўлган миқдори, шунингдек, дастурий тадбирларни ўтказиш юклатилган органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Даврий равишда конгресс амалга оширилаётган дастурларнинг бориши ҳақидаги ахборотлар билан танишиб боради.

Бир қатор бошқа давлатларда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизими худди Франциядагидек турга хос бўлиб, лекин тўлиқ унга ўхшамайди. Франциянинг энг йирик маъмурий бўлинмаси Худуд ҳисобланади. Худудлар Франциянинг денгизорти худудларида ҳам мавжуддир. Худудларнинг ташкил топиши амалда бўлган тор ва кичик маъмурий-худудий бирликларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишидаги тўсиқларни енгиб ўтиш заруратидан келиб чиққан эди. Бу бирликларнинг унча катта бўлмаган ўлчамлари табиий, иқтисодий ва инсон ресурсларидан самарали фойдаланишга ёрдам бера олмай қолди. Кўринишидан Худуд департаментга ўхшайди. Уларда деярли бир хилдаги ҳокимият ва бошқарув органлари мавжуддир. Бироқ, департаментдан фарқли ўлароқ ҳар бир

Худудда ижтимоий ва иқтисодий кўмиталар ҳамда қарз (заём)лар бўйича Худудий кўмиталар фаолият юритади.

Италияда, масалан, уч бўғинли тизим – вилоятлар, провинциялар ва жамоалар амал қилади. Вилоятлар – бу мустақил масъулият ва функцияларга эга автоном тузилмалар бўлса, провинция ва жамоалар эса – давлат ва вилоятлар худудий бўлиниши доирасидаги маҳаллий бошқарув бирликларидир. Одатда, вилоят ўз маъмурий функцияларининг бир қисmini провинция ва жамоаларга бўлиб бериб, шуларга мос равишда молиявий ресурсларни (ҳам вилоят, ҳам давлат ресурсларини) ҳам тақсимлаб беради.

Яқин вақтларгача Италия ресурсларни тақсимлаш юқори даражада марказлашган ва маъмурий назорат қилиниши даражаси баланд бўлган мамлакат эди. Марказий ва маҳаллий бюджетлар харажатларининг нисбати бу ерда 2:1 ни («катта еттилик» давлатлари орасида энг юқори кўрсаткич) ташкил этар эди²². XX асрнинг 90 - йилларида кўплаб сабаблар натижасида маҳаллий автономияларга талаб кучая бошлади. Бу - илгариги маъмурий тизимнинг самарасизлиги, ижтимоий хизматлар сифатига янги талаблар, ЕИХнинг бошқа давлатларида солиққа тортиш жараёни ва сиёсатда номарказлашувнинг кучайиши жараёнларининг таъсири остида юзага келган аҳоли фаровонлигининг ошиши, шунингдек, Италиянинг кўпчилик шимолий худудларининг ўзини ўзи бошқаришга интилиши кабилар билан боғлиқ эди.

XX аср 90-йилларининг янги қонунчилиги бошқарув функцияларини худудий тақсимланиш тизимини ўзгартириб юборди. 1992-1999 йилларда муниципалитетлар, провинциялар ва туманларнинг солиқ автономияси ўрнатилиб, 1993 йилда эса муниципалитетлар ва провинциялар раҳбарларини, шунингдек, уларнинг мажоритар тизимдаги қонунчилик йиғинларини тўғридан-

²² Авилова А. Реформа системы регионального управления в Италии // Проблемы теории и практики управления 2002. №6 с.53.

тўғри сайлаш тартиби жорий этилди. 2000 йилдан бошлаб тўғридан-тўғри умумий овоз бериш йўли билан туманлар бошлиқларини сайлаш тартиби ҳам амалга оширила бошланди. Натижада, давлат Худудий сиёсатининг мақсад ва вазифаларини кенг кўламда қайта кўриб чиқиш учун ҳуқуқий асос яратилиб, унинг тамал тошини «Бассанини қонунлари» (1997-1998 й.й.) деб ном олган тадбирлар пакети қўйди.

Шундай қилиб, ҳокимият функцияларини ҳудудий тақсимлашнинг бутун кўриниши ўзгарди. Марказнинг ихтиёрида умуммиллий муаммоларни ҳал қилишнинг стратегик ролини аниқлаш, жойларга эса давлат хизматларининг кенг доирасини – ижтимоий таъминотдан тортиб корхоналарга бизнес-хизмат кўрсатишни бевосита амалга ошириш функцияси берилди.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг аралаш тури юқорида айтиб ўтилганидек, кўпроқ Германия ва Япония учун хосдир.

Германия федератив давлат сифатида ўзига хос мураккаб тизимни мужассамлаштирган. Ўз-ўзидан ер (ланд)лар ҳам, федерация ҳам ноҳаракатчан ҳисобланмайди. Давлатнинг моҳияти уларнинг ўзаро алоқаларини аниқлаб беришдадир. Федерация ва ерлар ўртасидаги жипс алоқа гомогенликда (бир турдалик) ўз ифодасини топган²³. Германияда ҳудудий бошқарувнинг беш бўғини – федерация, ерлар, округлар, туманлар ва туман, жамоа рангидаги шаҳарлар ажратиб кўрсатилади. Коммунал бошқарувнинг базавий бирликлари жамоалар, туманлар ва шаҳарлар ҳисобланади. Коммунал тизимнинг қуйи бўғинлари ҳисобланувчи жамоалар ичида шаҳар ва қишлоқ жамоалари ажратилади, лекин уларнинг барчасида жамоанинг вакиллик органи бўлиб кенгашлар иштирок этади. Мамлакатда коммунал бошқарув тизимига талаблар унификациялаштирилмаган, индивидуал хусусиятларга эга бўлган кўплаб

²³ Кошечкин Ш. ФРГ: взаимодействие федерации и земель // Проблемы теории и практика управления 2001. №2. с.93.

махаллий бошқарув органлари мавжуд. Муниципал маъмуриятларнинг сайлов ва ижроия органлари орасидаги функционал алоқаларининг маълум бир хусусиятлари билан характерланидиган бир неча турлари ажратилади.

Федерал ерлар, жамоалар ва уларнинг иттифоқлари (масалан, жамоат бирлашмалари, туман миқёсидаги шаҳарлар ва қишлоқ туманлари бирлашмалари, ландшафт бирлашмалари). Бироқ Германиянинг давлат тузилиши уч эмас, балки икки бўғинлидир, яъни ерлар ва федерал бўғинлардан иборатдир. Жамоалар ерларнинг ички бўлинишини тавсифлаб, уларга коммунал ўзини ўзи бошқариш ҳукуқи кафолатланади.

Германия доимо бевосита воқеалардан узоқда жойлашадиган “стол ортида” қарор қабул қилишга мослашган йирик муассасалар шаклланишидан қочишга ҳаракат қилиб келган. Шунинг учун федерал ҳукумат унчалик кўп бўлмаган соҳаларда – ташқи алоқалар, федерал молиявий бошқарув, бундесвер фаолияти, федерал чегараларни қўриқлаш соҳаларидагина қонунга риоя қилинишини назорат қилади. Бошқарув бўйича кўпчилик ишлар коммунал ўз-ўзини бошқаришга таянадиган ерлар зиммасига юкланади. Уларни учта кичик гуруҳга бўлиш мумкин: федерациянинг топшириғига кўра баъзи функциялар – федерал автойўллар ва автотрассалар, сув йўллари, аэропортлар қурилиши тармоғини бошқариш, атом электростанциялари қурилиши ва эксплуатацияси, радиоактив моддаларни сақлаш ва уларни қайта ишлаш билан боғлиқ ишларгина амалга оширилади. Бу вазиятларда федерация ўз кўрсатмаларини беришга ҳақлидир.

Бевосита маъмурий масалаларни (мактабларни ривожлантириш, полицияни таъминлаш, ерларни режалаштириш) ҳал қилиш ерларнинг тўлиқ ихтиёрида бўлади.

Давлат аппаратини қўллаб-қувватлаш ва унинг эксплуатацияси учун зарур маъмурий харажатлар мос ҳолдаги бўғиннинг зиммасига тушади. Шунга кўра, федерал аҳамиятидаги қонунчилик, бошқарув, ҳукумат ва суд институтлари

учун кадрлар ҳамда канцелярия харажатларини федерация амалга ошириб, ерлар аҳамияти доирасидаги харажатларни – ҳар бир ернинг ўзи амалга оширади.

Барча солиқ қонунлари федерация томонидан қабул қилинади ва солиққа тортиш мамлакатнинг барча қисмларида деярли бир хил бўлиб, бу рақобатда тенгсизликнинг, мамлакат бир қисмидан иккинчи қисмига капиталнинг юқори солиқ тўловларидан қочиш мақсадида кўчиб юришининг олдини олади. Лекин бу ерларнинг молиявий манфаатларининг камситилишини билдирмайди, чунки федерациянинг қонунчилик ваколатлари солиқлардан автоматик равишда фойдаланишни кўзда тутмайди. Аксинча, федерация ва ерлар давлат тушумларига бир хилда ҳуқуққа эгадирлар.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг аралаш усули хос бўлган Япониянинг охириги 150 йиллик тажрибаси ишонарли тарзда шуни кўрсатдики, мамлакат ривожланишининг ҳар бир, айниқса, унинг майдзичиликдан ва иккинчи жаҳон урушидан кейинги ислохотлар давридаги қалтис нуқталарида маҳаллий ўз - ўзини бошқариш органларининг иқтисодий ҳуқуқлари ва ваколатлари, марказ ва жойлар иқтисодий функцияларининг нисбати билан боғлиқ муаммолар жуда сезиларли ўринни эгаллайди.

Японияда маҳаллий бошқарув икки бўғинлидир: олий бўғин – префектура, иккинчи бўғин – шаҳарлар, қишлоқ шаҳарлари, қишлоқлардан иборат²⁴. Бу ерда маҳаллий ўз - ўзини бошқариш ҳақидаги Қонун амал қилиб, унда барча бўғинлардаги маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ички ташкил этилиши ҳамда ваколатлари ёритилиб, бу маълум даражада маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизимининг эркинлигини чеклайди.

²⁴ История Японии. Т. 2. М., 1998, с. 44-46.

1950 йилда «Миллий ҳудудни мажмуавий ривожлантириш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши Ҳудудий иқтисодий сиёсат (МИС)га мақсадга йўналганлик, тизимий хусусиятни берди. Японияда 1956 йилдан буён қисқа ва узоқ муддатли умумдавлат дастурлари ҳамда режалари ишлаб чиқилиб, уларда муҳим ўрин Ҳудудий муаммоларни ҳал этишга берилган. Ва бу ерда асосий эътибор Ҳудудларни ривожлантиришнинг давлат режаларига қаратилиб, улар 1962 йилдан бошлаб 10 йил муддатга тузиб келинмокда. Бундай режаларнинг мақсади қуйидагилардир: ишлаб чиқариш кучларининг Ҳудудий жойлаштирилиши; турли иқтисодий ҳудудлар ўртасидаги хўжалик номутаносибликларини юмшатиш; экологик ҳолатни яхшилаш ва сақлаб қолиш.

1962 йилда ҳукумат томонидан 1960-1970 йилларга мўлжалланган «Мамлакат ҳудудини мажмуавий ривожлантиришнинг биринчи режаси» қабул қилиниб, у биринчи навбатда, бутун мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларининг юқори даражасини кўллаб-қувватлаш, иқтисодий ҳудудларнинг ривожланишида номутаносибликни камайтириш, йирик шаҳарларнинг тез ўсиши устидан назоратни ўрнатишга қаратилди. 1969 йилда орттирилган тажрибадан келиб чиқиб, 1969-1985 йилларга мўлжалланган «Мамлакат ҳудудини мажмуавий ривожлантиришнинг иккинчи (янги) режаси», 1985 йилда эса 2000 йилгача мўлжалланган учинчи режа ишлаб чиқилди. Унда илгари эълон қилинган мақсадлар билан бир қаторда, ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилиши ва ривожланишини режали асосда амалга ошириш, аниқроғи, саноат ишлаб чиқариши билан ортиқча тўлиб кетган, шунинг оқибатида инсон ҳаёти ва табиат учун хавф туғдирадиган даражага келиб қолган ҳудудлар салоҳиятининг стихияли ўсишини чеклаш ҳисобига қолоқ префектураларнинг ривожланишини тезлаштиришга ҳаракат қилинди. Бу дастурларнинг иқтисодий асоси 1972 йилда юқори даражада саноат концентрацияси юзага келган ҳудудларда жойлашган компанияларнинг кам ривожланган ҳудудлар фойдасига

солиққа тортилиши ва янги саноат ҳудудларида имтиёзли солиқ тизимининг вужудга келтирилиши ҳисобланади.

Мамлакат Ҳудудий сиёсатида унинг иқтисодий ҳудудлаштирилиши катта роль ўйнайди. Япониянинг ҳудуди турли хил иқтисодий, ҳукумат ва илмий муассасалар томонидан ишлаб чиқарувчи кучларни режалаштириш ва башорат қилиш мақсадларида 10 та иқтисодий ҳудудга бўлинган (мамлакатда префектуралар 47 та). Бу охириги схема бўлиб, у 1960 йилда ташқи савдо ва саноат вазирлиги томонидан аниқлаштирилган ва ундан кўпчилик ташкилотлар фойдаланадилар.

Япон тажрибасининг ўзига хос томони унинг Ҳудудий таркибининг кучайганлигидир. Ҳудудлар, шунингдек, конкрет ривожланиш дастурларини режалаштиришда ҳам катта мустақилликка эга бўлдилар.

Шу жумладан, иқтисодий соҳада ҳам маҳаллий бошқарув мақомининг ортиши, ҳар бир тарихий босқичда унинг ҳуқуқларининг кенгайтирилиши малакат ҳаётини реал демократлаштириш даражасининг индикатори бўлиб хизмат қилди. Худди шундай ҳолат 1990 йилларда кузатилган. Япония бошқа ривожланган давлатлар ва умуман жаҳон ҳамжамиятининг ижтимоий - иқтисодий ривожланишидаги асосий тенденциялар сўзсиз равишда Ҳудудий иқтисодий сиёсатнинг асослари ва кенг маънода маҳаллий ҳамжамиятлар роли ҳамда уларнинг хўжалик тузилмасидаги ўрнини қайта кўриб чиқишга олиб келади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ихтиёрида жуда муҳим ижтимоий соҳалар – тиббий суғурта, ижтимоий таъминот, маданият ва спорт каби соҳалар бўлади. Албатта, маҳаллий ҳокимиятлар ўз ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланишидан ўта манфаатдордирлар, шунинг учун уни қўллаб-қувватлаш улар фаолиятида сезиларли ўрин эгаллайди. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари умуммиллий Ҳудудий иқтисодий сиёсатни амалга оширишда,

шунингдек, Худудларни жонлантириш бўйича дастурлар доирасида, ишлаб чиқаришни марказий худудлардан чет худудларга кўчириб ўтказишда катта роль ўйнамоқдалар. Шу билан бирга, марказий ҳукумат ва Худудларнинг ўзаро алоқаларининг умумий тавсифини тўғри баҳолаш учун қуйидагиларни кўзда тутиш муҳимдир:

Биринчидан, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан кўпгина функциялар (масалан, таълим, жамоат хавфсизлигини таъминлаш кабилар) марказий ҳукуматнинг топшириғига кўра бажарилади. Улар бундай вазиятларда марказий идоралар ва вазирликларнинг сиёсатини амалга оширувчилар ҳисобланадилар ва улар олдида ҳисоб берадилар. Вазирликлар ҳақиқатда маъмурий раҳбарлик ҳукукига эга ва маҳаллий ҳокимиятларга буйруқлар ҳамда кўрсатмаларни жўнатадилар. Раҳбарлик, шунингдек, маҳаллий давлат хизматчиларини тайинлаш йўли билан «персонал» алоқаларни ўрнатиш орқали ва жойларга давлат хизматчиларини вақтинчалик хизмат сафарига жўнатиш ҳамда амакудари тизими орқали амалга оширилади.

Иккинчидан, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг жуда кўпчилик қисми тўлиқ молиявий мустақилликка эга эмаслар ва марказдан молиявий «қўйилмалар»га боғлиқ бўладилар.

Шу билан бир вақтда, марказ ва жойларнинг иқтисодий муносабатлари «бир томонлама кўча ҳаракати»га ўхшамайди. Гап шундаки, Принстон университетининг профессори Р. Дж. Самуэльснинг таъкидлашича, Японияда марказий ва маҳаллий ҳокимият орасидаги ўзаро алоқалар вертикали тизими ғарблик тадқиқотчилар орасида кўп учрайдиган тасаввурдагидек содда ва бир ёқлама эмасдир²⁵. Унинг фикрича, Японияда турли йўналишдаги расмий ва норасмий, горизонтал ва вертикал алоқалар (масалан, ўз-ўзидан горизонтал алоқаларни мустаҳкамлаш ва бир вақтнинг ўзида ҳукумат сиёсатини амалга

²⁵ R. J. Samuels. The Politics of Regional Policy in Japan: Localities Incorporated? N. Y., 1983, p.41-43, 56-58, 81-82.

оширувчи бўлган маҳаллий ҳокимиятлар бошлиқларининг миллий ассоциациялари) биргаликда амалда бўлади. Маҳаллий бошқарув горизонтал компонентга эга бўлиб, у агар Японияни вертикал ташкил этилган жамият деб олинадиган бўлса, етарлича тўғри баҳоланмаслиги мумкин. Горизонтал алоқаларнинг катта қисми иқтисодий эҳтиёжларга жавоб тариқасида, масалан, қандайдир Худудий лойиҳаларни амалга оширишда ҳаракатларни бирлаштириш, жамоа ерларини бошқариш, маҳаллий ташаббусларни тарқатиш кабилар орқали амалга оширилади. Худудлар орасидаги алоқаларнинг зарурлиги турли вазирлик ва идоралар томонидан махсус худудларни яратиш режалари билан билвосита тасдиқланади. Бундай йўналиш конунчиликда ҳам ўз аксини топган. 1994 йилги «Маҳаллий автономия ҳақида»ги Қонунга киритилган ўзгаришлардан бири - бу бир неча префектура ва шаҳарлар саъй-ҳаракатлари билан махсус муаммоларни ҳал қилиш учун тузиладиган бошқарув тизимига асосланадиган «коики рэнго»нинг ҳуқуқий тан олинишидир²⁶.

Р. Дж. Самуэльс ўз диққатини қаратган яна бир муҳим хусусият жойларга буйруқларни жўнатувчи марказий идоралар орасида ўзаро тўсиқларнинг мавжудлигидир. Унинг фикрича, марказ битта эмас, балки бир нечта бюрократик марказлар мавжуд ва бу тизимни «секциональ марказ» деб аташ мумкин. Олим таъкидлайдики, вертикал маъмуриятнинг салбий жиҳатлари мазмунига кўра «ўз қобиғига ўралган», тор, идоравий ёндашувларнинг салбий хусусиятининг ўзгинасидир. Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, Японияда бу хусусият ишбилармонлик алоқаларига (кэйрэцу тизими) ҳам хос бўлиб, лекин у мутлақ хусусиятга эга эмас. Шунга кўра, давлат бошқаруви соҳасида мувозанат тоши муаммовий белгига кўра шаклланадиган турли хилдаги идоралараро ташкилотлар ҳисобланади.

²⁶ Х. Танияма. Нихон дзайсэй-но кайкаку (Реформа финансовой системы Японии). Токио, 1998, с. 296-298.

Лекин бунда энг муҳим муаммо - молиявий мустақиллик муаммосидир. Бюджет тизимини ташкил қилиш маҳаллий ҳокимият реал автономлиги даражасининг муҳим индикатори бўлиб қолади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг молиявий ҳолати ва марказий ҳокимият билан молиявий алоқалари маҳаллий автономия ҳақидаги қонунларда белгиланган. Молиявий ресурсларни қайта тақсимлашнинг кўлами ва шакллари муҳим йўналишни намоён қилиб, бир вақтнинг ўзида Худудий иқтисодий сиёсатнинг дастаги бўлиб хизмат қилади.

Япониянинг бюджет тизими шундай тузилганки, маҳаллий ҳокимиятлар мамлакатдаги барча солиқ тушумларининг 1/3 қисмидан кўпроғини йиғадилар. Тушунарлики, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришга тегишли молиявий асосининг чекланганлиги унинг зиммасига юклатилган кўплаб функциялар билан қарама-қаршиликни туғдиради. Шунга боғлиқ ҳолда марказий ва маҳаллий бюджетлар даромадлари ҳамда харажатларини баланслаштириш ўтказилиб, у бюджет жараёнида амалга оширилади ва шу йўл билан маҳаллий бюджетлар марказдан солиқларни қайта тақсимлаш, давлат субсидиялари ва дотациялари кўринишида сезиларли трансфертларни оладилар. Натижада маҳаллий бюджетлар ихтиёридаги якуний солиқ тушумлари мамлакат бўйича барча солиқ тушумларининг ярмидан кўпроғини ташкил қилади.

Трансфертларни тақсимлашда ҳукумат исталган префектура ёки шаҳарда яшовчи фукаро бир вақтнинг ўзида Япониянинг фукароси ҳисобланиши ва шунинг учун ўзи яшайдиган маҳаллий ҳокимият органининг молиявий ҳолати қандайлигидан катъий назар ижтимоий хизматларнинг маълум бир тўпламини олиши кераклигидан келиб чиқиб фикр юритади. Гап бу ерда, албатта, қандайдир шаклдаги «тенглаштириш» ҳақида бормаяпти. Трансфертлар префектуралар ва муниципалитетлар орасида тенг бўлмаган улушларда тақсимланади. Ўртача ҳолда улар префектуралар даромадларининг 40 фоизи,

муниципалитетлар даромадларининг эса 30 фоизини ташкил этади. Лекин бу ўртача кўрсаткичлар ортида алоҳида Ҳудудлар бўйича кескин фарқлар туради. Солиқларнинг қайта тақсимланиши асосий молиявий эҳтиёжлар ва асосий молиявий тушумлар ўртасидаги фарқни тўлиқ ёки қисман баланслаштириш таъминотига кўра амалга оширилади.

Шу билан бирга, охириги ўн йилликларда ва айниқса, 90-йилларда, молиявий ресурсларни қайта тақсимлашнинг марказлашган тизими маҳаллий ҳокимиятларни марказга қарам қилиб қўйиши, бунинг натижасида жиддий муаммолар келиб чиқаётгани тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар тез-тез қайд этилмоқда. Улардан энг муҳими – чегараларини нафақат қонун меъёрлари, балки марказдан молиявий қарамлик ёки мустақиллик ҳам белгилайдиган маҳаллий ҳокимиятлар мустақилигининг реал чекланишидир. Шунинг учун маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг японча тизимини кўпинча ўз-ўзини молиялаштириш даражасини кўзда тутган ҳолда «ўттиз фоизлик ўз-ўзини бошқариш» деб ҳам атайдилар. Ҳақиқатни тан олган ҳолда айтиш керакки, амалда кўпгина префектуралар ва йирик шаҳарларда бу кўрсаткич сезиларли даражада юқоридир. Бироқ муаммонинг моҳияти бу билан ўзгариб қолмайди ва молиявий ресурсларни тақсимлаш ҳуқуқи ҳукуматга потенциал равишда маҳаллий ҳокимиятлар сиёсати таъсир ўтказишнинг маълум усуллари беради.

Японияда турли бўғинларда Ҳудудий молия тизимини қайта қуришнинг ғоялари олға сурилди. Шунга кўра, эслатиб ўтилган янги ҳаракат дастурига мувофиқ давлат хазинасидан дотациялар ва бошқа тушумларни бекор қилиш, юридик шахслардан солиқлар ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғини давлат ва Ҳудудлар ўртасида бирлашма сифатида тақсимлаш таклиф этилди. Турли бўғинларда маҳаллий ҳокимиятлар ихтиёрига истеъмол солиғи ва

маҳаллий заёмларни чиқаришни либераллаштиришни ўтказиш ғояси ҳам кўтариб чиқилди.

Япон тажрибасини ўрганиш шу ҳақда маълумот берадики, Худудлар ривожланишига давлатнинг қўшимча аралашувининг зарурлигини шарт қилиб қўядиган сабаблар турлича бўлиши мумкин. Уларни умумий ҳолда қуйидаги икки мақсадга бирлаштириш мумкин:

- барча Худудлар аҳолиси фаровонликка эришиши учун бир хил имкониятларга эга бўлишига замин ҳозирлайдиган иқтисодий фаолиятнинг адолатли жойлаштирилиши;

- умуммиллий фаровонликни ошириш мақсадида ҳар бир Худуднинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарли фойдаланиш.

Худуд ривожланишининг тизим сифатидаги тушунчаси умуман Худуд ўлчамларининг ижобий динамикасини кўзда тутиши керак. Чунки, Худуднинг ўзи янада каттароқ тизимнинг – республиканинг бир бўлаги ҳисобланади. Давлатнинг яхлитлиги даражасига унинг Худудлари, йирик макроиқтисодий ҳудудлари, ёқилғи - ишлаб чиқариш мажмуаларининг интеграцияси билан эришилади.

Кўплаб ўрта ва ҳатто ҳудуди бўйича кичик мамлакатлар ҳам Худудий муаммоларни ҳал этиш бўйича қимматли тажрибаларга эгадирлар. Бу ерда, энг асосийси, мамлакатнинг кўлами эмас, балки унинг Худудий турфа хиллиги ва давлат Худудий сиёсатининг фаоллик даражасидир.

Масалан, Германияда янги шарқий ерларнинг тузилмасини қайта ўзгартириш ва уларнинг ғарбий ерлар билан иқтисодий интеграциялашувининг тажрибаси, айниқса, диққатга сазовордир. Италияда Шимол ва Жануб ўртасида ижтимоий-иқтисодий фарқларнинг йўқ қилиниши сиёсати ўрнатилган даражададир. Японияда саноат ишлаб чиқаришининг деконцентрацияси, рекреацион ҳудудларнинг сақлаб қолиниши ва технополислар тизимининг

яратилиши алоҳида эътиборни тортади. Испанияда марказ ва миллий автономиялар ўртасидаги низоларнинг ечилиши, Нидерландияда денгизнинг катта ҳудудларини қуришиш ва уларнинг ўзлаштирилиши тажрибалари шубҳасиз, Ҳудудий муаммоларнинг ҳал этилишидаги эътиборли тажрибалардан ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқа кўплаб мамлакатлар агломерациялар, шаҳарлар, қишлоқ жойларини ҳудудий ободонлаштириш, қолоқ ҳудудларни санация қилиш, «ишсизликнинг» сочиб юборилиши, ердан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит ҳимояси бўйича қимматли тажриба тўплаганлар.

Собиқ социалистик республикалар нафақат ривожланган давлатлар билан, балки иқтисодий ривожланишнинг юқори кўламига эришган ва Ҳудудий кесимда ижтимоий-иқтисодий қайта тузилиш динамизмини сақлаб қолган ривожланаётган давлатлар билан ҳам Ҳудудий муаммолар бўйича кўпгина ўхшаш жиҳатларга эгадирлар²⁸. Биринчи навбатда бундай давлатлар қаторига Мексика, Хитой, Бразилия каби давлатлар киритилади. Манфаатлар йўлида ўрганиш учун алоҳида аҳамиятга бу мамлакатлар томонидан Ҳудудларни халқаро иқтисодий ҳамкорлик доирасига фаол тортилиши (Хитойдаги эркин иқтисодий ҳудудлар, Мексиканинг чегарабуйи ҳудудлари), янги Ҳудудларни иқтисодий ўзлаштириш (Бразилия), транспорт ва энергетика қурилиши (Бразилия ва Хитой), Ҳудудлараро интеграцияни рағбатлантириш, саноатнинг (айниқса, кичик корхоналарнинг) қишлоқ жойларга силжитилиши ва бошқа шу кабилар эгадир.

Хорижий мамлакатларда Ҳудудларни бошқаришдаги асосий вазиятлардан бири ишлаб чиқаришни жойлаштириш масалаларини ҳал этиш қарорларининг Ҳудуд аҳолиси билан келишилганлиги ҳисобланади. Ҳудудда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари самарадорлиги аҳоли ёши ва яшаш сифатининг

²⁸ Гранберг, А.Г. Основы региональной экономики: Учебник для вузов. – М.: ГУВШЭ, 2000, с. 347-348. ISBN 5-7598-0074-4.

ошиши табиий шароитлар яхшиланганлиги ҳақидаги статистик маълумотлар билан тасдиқланади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир мамлакат ўзининг ҳудудий-маъмурий тузилиши, ривожланиш даражасидан қатъий назар Ҳудудларни бошқариш усуллари ва воситаларидан уларнинг самарали ривожланишида, объектив ва субъектив сабаблардан келиб чиқадиган Ҳудудлараро тафовутларни камайитириш мақсадларида фойдаланади. Кўпгина ривожланган давлатлар тажрибаси барқарор ривожланишга қаратилган Ҳудудий иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишнинг долзарблиги ва зарурлигини тасдиқлайди.

Бунда ривожланган мамлакатларда Ҳудудий сиёсатни юритишнинг қуйидаги принциплал қоидалари ва усулларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Ҳудудий сиёсат мамлакат барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши миллий стратегиясининг таркибий қисми ҳисобланади;

- қолоқ Ҳудудлар, саноат, транспорт, хизмат кўрсатиш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларини ривожлантиришнинг махсус Ҳудудий дастурлари мавжудлиги;

- у ёки бу Ҳудуднинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган махсус ижтимоий, иқтисодий, ташкилий ва ишлаб чиқариш механизмларини ишлаб чиқиш.

Ҳудуднинг барқарор иқтисодиёт шароитида амалга оширилиши лозим бўлган мажбурий талаблари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: аҳоли сонининг ўсиши; маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимининг ривожланиши; кичик тадбиркорликнинг ривожланиши; хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши; аҳолининг касбий ва умумтаълим даражасининг ўсиши; миллий маданиятнинг ривожланиши.

Шундай қилиб, юқоридаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, таъкидлаш мумкинки, Ҳудудий ривожланишнинг жаҳон тажрибасини ўрганишдаги бош масала нафақат у ёки бу мамлакатдаги Ҳудудий муаммоларнинг моҳиятини яхшироқ тушунишда, балки бу муаммоларни бизнинг шароитларда ҳал қилиниш усулларини ўзлаштиришдадир. Қандайдир мамлакатнинг

тажрибаларидан тўғридан - тўғри нусха кўчириб қўя қолиш ёки уни олиб ўтиш имкониятларига таяниш мумкин эмас. Бу борада муваффақиятга фақатгина жаҳон тажрибасини синчиклаб ўрганиш ва улардан маҳаллий шароитларга кўпроқ мос келадиган жиҳатларини амалиётда қўллаш натижасида эришиш мумкин. Сабаби ривожланишнинг ягона модели бўлиши мумкин эмас, балки умумий тамойилларгина мавжуддир. Давлат бошқарувидаги исталган ғарбий ёки шарқона парадигмаларни механик тарзда кўчириб олиш давлатни боши берк кўчага олиб кириб қўяди.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Замонавий Худуднинг ташкилий-иқтисодий механизми ҳолатинининг тизимли таҳлилини ўтказиш, йўналишларини аниқлаш ва уларни жамият манфаатлари доирасида бошқариш воситаларини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Худудлардаги мавжуд бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ўзаро алоқалар ва таъсирларни эътиборга олган ҳолда тизимли тадқиқ этиш лозим бўлади.

Худудий иқтисодиётни бошқаришда Худудга бутун мамлакат ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари ягона тизимининг ажралмас қисми сифатида ва унинг иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш-иқтисодий, ресурс, илмий-техник, молия-кредит ва ижтимоий алоқалари билан тўғридан-тўғри ва тескари муносабатда бўладиган тизимости сифатида қараш лозим. Худудда бошқарув Худудий тизимларининг самарали амал қилишини таъминлашга қаратилган замонавий бошқарув тамойиллари асосидаги мақсадга йўналтирилган хатти-ҳаракатлар мажмуаси ҳисобланади.

Мулкчилик муносабатларига давлатнинг аралашувисиз бозор механизмини жорий этишга уриниш иқтисодий жиҳатдан номақбул ҳисобланади, сабаби

бозор ўз иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини руёбга чиқарувчи хилма-хил мулкдорларнинг ўзаро ҳамкорлигидан ташкил топади.

Республикада Ҳудудий иқтисодий сиёсатни амалга ошириш борасида ишлар кўлами кенг бўлиб, улар қуйидаги вазифалардан иборат:

- мамлакатда Ҳудудий иқтисодий сиёсатнинг ягона концепциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

- марказий ва ҳудудий бошқарув муносабатларининг ҳуқуқий асосларини таъминловчи қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва уларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши;

- маҳаллий даражаларда ташқи иқтисодий алоқаларни фаоллашувига эътиборнинг, хусусан яқин қўшни республикалар билан чегарабўйи Ҳудудлари ўртасидаги муносабатларнинг кучайтирилиши;

- муайян маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашувини чуқурлаштириш мақсадида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан бу жараёнларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- Ҳудудий ривожланишни қўллаб-қувватлашга ажратилган марказий маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини яхшилаш каби тадбирларни амалга ошириш.

Ҳудудий иқтисодиётни бошқариш соҳасида бирор бир мамлакатнинг тажрибаларидан нусха кўчириб қўя қолиш ёки уни олиб ўтиш имкониятларига таяниш керак эмас. Бу борада муваффақиятга фақатгина жаҳон тажрибасини синчиклаб ўрганиб чиқиш ва улардан маҳаллий шароитларга кўпроқ мос келадиган айрим жиҳатларини амалиётга қўллаш натижасида эришиш мумкин. Барча давлатлар учун ривожланишнинг ягона модели бўлиши мумкин эмас, балки умумий тамойилларгина мавжуддир. Давлат бошқарувидаги исталган ғарбий ёки шарқона парадигмаларни механик тарзда кўчириб олиш давлатни боши берк кўчага олиб кириб қўяди.

Шу сабабли хорижий мамлакатларда Ҳудудий иқтисодиётни бошқариш борасида тўпланган бой тажрибаларни чуқур ўрганиш уларни қиёсий ва танқидий таҳлил этиш ҳозирги кунда мамлакатда Ҳудуд иқтисодиётини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим манба бўлиши табиий.

2 БОБ. ҲУДУД ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ ВА УНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

2.1. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида номарказлаштириш ва маъмурий ислохотларнинг аҳамияти

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш дасткаларидан бири бу уни номарказлаштириш бўлиб, олдин марказда бўлган функциялар, ваколат ва жавобгарликларни маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органларига, шунингдек фуқаролик жамиятлари институтларига ўтказиш ҳисобланади.

Турли шаклларда(маъмурий, сиёсий, иқтисодий ва фискал) амалга ошириладиган номарказлаштириш давлат ривожланишини аниқловчи кенг кўламли омилларга таъсир этади²⁹. Аммо номарказлаштиришни мамлакатнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олмасдан, етарлича даражада ўйланмаган ва шошилиш тарзда амалга ошириш макроиқтисодий вазиятни нобарқарорлаштириш хизматлардан нотенг фойдаланишга ва камбағалликнинг кучайиши каби салбий ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин. Бу билан турли давлатлардаги номарказлаштириш даражаси ва дастурларнинг турли-туманлиги, шунингдек маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни яратишда ташкилий ва иқтисодий қарорларнинг ўзига хослиги аниқланади.

Номарказлаштириш таъсирининг бир хилда эмаслиги келиб чиқиши мумкин бўлган хавф-хатарларни минималлаштиришга йўналтирилган тегишли давлат чора-тадбирларининг зарурлигини келтириб чиқаради. Бу асосан фақат Худудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишидаги фарқларни

²⁹ Децентрализация и устойчивое развитие страны и человека// Экономическое обозрение специальный выпуск январь 2005 с .3.

камайтириш учун муҳим бўлиб, ҳудудий омиллардан ва ҳар бир Ҳудуднинг рақобатдаги устунлигидан синчковлик билан ишлаб чиқилган стратегия асосида фойдаланган ҳолда эришиш мумкин.

Ўзбекистонда номарказлаштириш бошланган маъмурий ислохотларнинг йўналишларидан бири сифатида давлат бошқарув органларининг функцияларини қайта кўриб чиқиш ва камайтириш, давлат органлари ва хўжалик бошқарув органлари орасидаги ваколатларни чегаралаш, бошқарув аппарати сонини қисқартириш доирасида амалга оширилмоқда. Шу сабабли давлат бошқарув самарадорлигини ошириш вазифалари давлат функцияларини янада аниқлаштиришни, шунингдек ҳар бир аниқ функция учун аниқ муассаса ёки унинг функционал бўлинмаси, аниқ масалани ечишга алоҳида давлат хизматчиси жавобгарликни оладиган шундай тизимни яратишни талаб қилади.

Номарказлаштириш кўпроқ маҳаллий ҳамжамиятни жамаот дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришда, маъмурий тизимлар самарадорлигини ошириш ва келгуси инсон тараққиётининг натижаси сифатида ва бевосита жалб этувчи дастак сифатида кўриб чиқилмоқда³⁰. Ривожланаётган давлат шароитида ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида номарказлаштиришнинг жамаот турмуш шароитига таъсири бир хилда эмас. У бутун бир жисмоний, демографик омиллар(ҳудуд майдони, аҳоли сони ва унинг этник таркиби, урбанизация даражаси) ва институционал асосларнинг мавжудлигига боғлиқ.

Бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини ошириш, давлат бошқаруви функцияларини номарказлаштириш билан жамбарчас боғлиқлиги умумтанолинган. Маҳаллий бошқарув органлари ва маҳаллий ҳамжамият аҳолининг ҳаётий муаммоларини самарали ечишга кўпроқ

³⁰ Саидова Г. И др. Децентрализация и возможности развития человеческого потенциала// Экономическое обозрение. Специальный выпуск. Январь 2005.

кодир, сабаби улар марказий органларга нисбатан бу борада кўпроқ маълумотларга эга бўлишади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ролини ошириш олиб борилаётган сиёсатнинг очиклиги ва олдиндан тахмин қилишлигини кучайтиради, фуқароларнинг ўз ҳаётларига тегишли қарорлар қабул қилишларида кенгроқ қатнашишларига имкон беради.

Ўтиш даври иқтисодиёти хусусан постсоциалистик мамлакатларда, иқтисодий эркинликка эришиш номарказлаштиришнинг йўналишларидан бири ва инсон тараққиётининг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда маъмурий-бошқарув иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида номарказлаштириш қуйидаги шаклларни ўз ичига олиши лозим:

1. Иқтисодиёт соҳасида қарор қабул қилиш жараёнини давлатдан хусусий секторга қайта йўналтириш, яъни давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қисқартириш. Бу ўз ичига қуйидагиларни олади:

- йирик кўламли хусусийлаштириш орқали давлат эгалик қиладиган ишлаб чиқариш капитали улушини камайтириш;

- давлат органлари томонидан хусусий корхоналар фаолиятини тартибга солишни чегаралаш;

- «қаттиқ бюджет чегаралари» йўли орқали давлат корхоналарини реструктуризациялаш, бошқарувчиларни сиёсий фикрлашлари бўйича тайинлаш ва ушбу корхоналарнинг маҳсулотларига баҳони эркинлаштириш амалиётини бекор этиш.

2. Қарор қабул қилиш жараёнини давлатдан уй ҳўжалиги секторига қайта йўналтириш қуйидагилар орқали амлга оширилади:

- уй хўжаликларини иқтисодий фаолиятга жалб этиш орқали регламентлаш чораларини эркинлаштириш;

- уларнинг иқтисодий ролини кредитлар, таълим олиш ва ҳақозалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш орқали мустаҳкамлаш;

- уларга, социализм давридан мерос бўлиб қолган давлатдан қарамлик ва боқимандалик туйғусидан қутулиш учун кўпроқ мустақиллик бериш.

3. Маъмурий ҳокимият ва солиққа тортишнинг бир қисмини марказий бошқарув органларидан маҳаллий бошқарув органларига бериш.

4. Баъзи бир давлат дастурларини молиялаштириш ва амалга оширишни марказдан маҳаллий ҳокимият бошқарув органларига, нодавлат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ўтказиш.

Ушбу шаклда амалга ошириладиган номарказлаштириш иқтисодий ўсишга, давлат хизмати сифатини оширишга, аҳолининг ўз турмуш тарзига тааллуқли бўлган масалаларни ечишга қатнашишларига, инсон тараққиёти ва инсонларни танлаш ва кенгайтириш имкониятларига имкон беради. Аммо бу ўз-ўзидан рўй бермайди ва мумкин бўлган хавф-хатарлар тўғрисида эслаш лозим. Аниқ ҳуқуқий базасиз, сиёсий эркинликсиз, бошқарув органлари ва институционал шартлар орасидаги мувофиқлаштиришларсиз номарказлаштиришни амалга ошириш макроиқтисодий нобарқарорликка, ресурсларга бўлган имкониятларнинг нотенглиглигини кучайтиришга, аҳоли турмуш даражасини ва даромадларидаги тафовутларнинг ортишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли номарказлаштиришни амалга ошириш инсон тараққиёти устуворлиги учун ҳам, потенциал хавфлар учун ҳам ҳисобга олишни талаб этади.

Ҳозирги босқичда олдин давлат ўзига олган кўпгина функциялар ўз кучини йўқотди. Бундан ташқари бозор ўзгаришларини амалга оширида ушбу жараёнларни амалга оширмасликнинг иложи бўлмаслигига қарамасдан, уларнинг ҳокимият ваколатлари қисқартиришга ва соддалаштиришга тўсқинлик

килувчи давлат бошқаруви тизимининг алоҳида элементлари томонидан олиб борилаётган ислохотларга бўлган тўсиқларнинг белгилари пайдо бўлмоқда. Айнан шу туфайли мамлакат Президенти И.А.Каримов ташаббуслари билан 2004 йилдан бошлаб маъмурий ислохотларнинг кенг кўламли дастурларини амалга оширишга киришилди. Унинг асосий йўналишларидан бири номарказлаштириш, яъни мамлакатдаги ўзига хосликларни ва “марказ-Худудлар”, “марказ-тармоқ, корхона”, “давлат-хусусий сектор” функциялари муносабатларининг мақбул балансини топиш ҳисобланади. Ушбу ёндашув номарказлаштириш натижасида ва фуқаролар жамияти ва унинг тузилмасининг барча аъзоларининг ўзаро муносабатларидан келиб чиқиши мумкин бўлган хавф хатарларнинг олдини олиши ва юмшатиши лозим.

Кўпинча маъмурий ислохотларни амалга оширишда ижро ҳокимияти органларининг ташкилий тузилмасидаги ўзгаришларни, шунингдек, кўпчилик юқори бошқарув органлари-вазирликлар ва муассасалар, агентликлар ва хизматларда фаолият юритувчи юқори раҳбар ходимлар сонини қисқартириш тушунилади. Лекин бу маъмурий ислохотларнинг фақат битта ва энг асосий бўлмаган қисмидир холос.

Маъмурий ислохотларни амалга оширишдан мақсад - бу бошқарув тизимини такомиллаштириш бўлиб, бошқарув органлари конструкцияларини ўзгартиришдан ташқари ўз ичига давлат муассасалари ва хўжалик органлари тасарруфидаги барча бошқарув тармоқларини оптималлаштириш борасида бажариладиган кенг кўламли ишларни камраб олади.

Маъмурий бошқарув тизимидаги ислохотлар турли мамлакатларда давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш мақсадида олиб борилиб, ҳозирги

босқичда маъмурий ислохотларнинг иккита асосий турини ажратиб кўрсатиш мумкин³¹.

Биринчидан, бу жамият қурилишининг ўзгариши натижаси сифатида, сиёсий тизим ўзгаришлари билан бирга олиб бориладиган янги иқтисодий ва ижтимоий муносабатларга мос бўлган давлат бошқарув тизимини яратишни талаб этадиган ислохотлар. Бундай турдаги ислохотлар барча собиқ социалистик республикаларда амалга оширилиб, у ўз ичига қонунчилик тизимини яратиш, давлат аппаратини қайта ташкил этиш, давлат хизматини, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришни шакллантириш ва бошқаларни қамраб олади.

Иккинчидан, бу барқарор сиёсий қурилиш доирасида олиб бориладиган ва барча маъмурий тизимларни ёки унинг давлат қурилишидаги асосий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлмаган алоҳида қисмларини модернизациялашга йўналтирилган ислохотлар. Бундай ислохотлар кўпгина ривожланган мамлакатларга хос.

Амалга ошириладиган маъмурий ислохотларнинг йўналишлари бир мунча кенг қамровга эга бўлиб, ушбу муаммоларни ечиш бўйича интилиш учта асосий ёндашувда намоён бўлади:

- давлатаппарати ишларининг самарадорлигини ошириш ва аҳолига бир мунча самаралироқ хизматларни кўрсатиш;
- давлат ва хусусий секторлар орасидаги шерикчилик муносабатларини ривожлантириш ва уларнинг жавобгарликларини аниқ тақсимлаш;
- давлат ва фуқаролик жамиятлари орасидаги кўптомонлама алоқаларни мувофиқлаштириш, аҳолини бошқарувга жалб этиш.

³¹ Зарубежный опыт проведения административных реформ. Обзор подготовил Виктор Абатуров, при поддержке Ю. Наумова, Центр экономических исследований //Экономическое обозрение №10 2003.

Республикамизда амалга оширилаётган хусусийлаштириш натижасида давлат мулкининг сезиларли қисми хусусий секторга ўтди. Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, ихтиёрий мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўп жиҳатдан, маъмурий-бошқарув аппаратининг иш самарадорлигига боғлиқ. Катта ҳажмдаги бюрократик аппарат белгиланган ишларни бажаришда катта ғов бўлиб, давлатнинг бозор ислохотлари бўйича ишларига, ижтимоий функцияларнинг бажарилишига тўсқинлик қилади. Бундай ҳолатларни бартараф қилиш учун, давлат миллий ва жаҳон иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришларни тўлиқ эътиборга олган ҳолда маъмурий ислохотларни амалга ошириши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, “...ҳозирги кунда барча даражадаги мавжуд давлат, тармоқ ва ҳудудий бошқарув тизими олиб борилаётган иқтисодий ва демократик ислохотлар йўлида катта тўсиқ бўлиб турибди. Яна шуни ҳам тан олишимиз лозимки, биз кўп ҳолларда эски маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимлаш тизимининг ҳамон давом этиб келаётган, ўта яшовчан қолипларидан воз кеча олмаяпмиз”³². Шундай экан бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш бугунги куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш ва барча даражали бошқарув органлари фаолиятини тизимли танқидий таҳлил қилиш асосида маъмурий ислохотларни келгусида чуқурлаштиришнинг асосий ёндашувлари ва йўналишлари давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9-декабрдаги «Республика давлат бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ва 2003 йилнинг 22 декабридаги “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш

³² Каримов И.А. “2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш яқунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чоратadbирлар ҳақида”. Ишонч 2003 19 июл.

тўғрисида”ги фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ барча ҳокимиятлар янги бошқарув тузилмасига ўтишди. Мазкур қонуний ҳужжатлар республикада маъмурий ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Мамлакатда бир мунча муҳим маъмурий ўзгаришларга бошқаришнинг маҳалла тизимининг пайдо бўлишини киритиш зарур. Маҳалла давлат бошқарув органи тизимига кирмаган ҳолда ўзини ўзи бошқаришнинг анъанавий механизми бўлиб, ижтимоий ёрдамларни тақсимлашда уларнинг ваколатлари кенгайиб бормоқда. Амалиётда ўзини ўзи бошқаришнинг маҳалла органлари ваколатларни номарказлаштириш ва маҳаллий ҳамжамиятнинг ривожланишида асосий элементлар ҳисобланади.

Ўтказилаётган маъмурий ислоҳотлар асосида бугун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари функциялари ва тузилмаларини қайта кўриб чиқиш бўйича ишлар олиб борилмоқда, бу жараёнда бошқарув тизими самарадорлигини, қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш ва бошқарув аппаратида сарфланадиган ортиқча харажатларни пасайтириш бўйича мақсадга йўналтирилган фаолият муҳим аҳамиятга эга.

Амалиётнинг кўрсатишича, марказда ташкил қилинган ихтиёрий бошқарув органининг вилоят ва туманларда унга ҳисоб берувчи тузилмалари бўлади, бу эса катта бошқарув аппарати ва техник – персонал миқдорининг ўсишига ва ўз навбатида, қўшимча назорат органларининг пайдо бўлишига олиб келади, оқибатда, харажатлар ўсади, турли хил келишувлар ва кераксиз ҳужжатлар айланмасининг ҳажми ортади. Бундай “ўсиш” натижасида давлат бошқарувининг алоҳида органлари самарадорлиги кескин пасаяди. Шунинг учун, иқтисодиётни бошқаришнинг янги концепцияси вертикал маъмурий тузилмаларнинг аниқ вазифаларни бажарувчи мустақил ташкилотларнинг

горизонтал тармоғи билан балансли бирлигини кўзда тутди. Бунда шартномали бошқарув ички ва ташқи аудит каби механизмларни яратади. Республикада давлат сиёсатини шакллантириш вазифалари кўпроқ вазирликлар ва давлат қўмиталарида йиғилиб, бажариш ва назорат бўйича функциялар эса агентлик, қўмита ва инспекциялар каби давлат бошқарув органларига юклатилмоқда.

Бу борада “Давлат бошқаруви органларининг вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилди, эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига хос, ўз умрини яшаб бўлган ортиқча бўғин ва вазифалар, биринчи галда, тақсимлаш функциялари кескин тарзда қисқартирилди. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўртасидаги ваколатлар аниқ чегаралаб қўйилди”³³ - деб, таъкидлаганди, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида.

Давлат сектори ишларига хорижий ҳамда хусусий компаниялар менежменти амалиётида қўлланувчи давлат менежменти усуллари жорий қилинмоқда. Бунда давлат тузилмаларининг аналитик-таҳлилий ва баҳолаш функцияларини ривожлантиришга, аввало марказий бошқарув органларида қабул қилинадиган қарорларнинг тайёрланиш сифатини оширишга асосий эътибор қаратилади.

Маъмурий ислохотларни амалга оширишда аввало, тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш ва уларга кенг ҳуқуқий кафолатлар беришга алоҳида эътибор берилиши муҳим ҳисобланади. Бунинг учун хўжалик субъектларини текширишларни ва назорат органларининг сонини қисқартириш ва тартибга солиш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш лозим. Ҳозирда бир қатор ҳукуматнинг махсус қарорлари билан хўжалик юритувчи субъектлар ишларига давлат органлари ортиқча

³³ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Халқ сўзи 2005. 29 январ.

аралашувлари сезиларли даражада қисқарган. Натижада давлат назорат органлари томонидан хўжалик субъектларини текшириш сони бир неча марта камайтирилди.

Асосий мақсадга эришиш учун муҳим таркибий қисм-бу мос меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳисобланади, бу ўз навбатида мос ҳуқуқий муҳитни таъминлаш ва маъмурий ислоҳотларни ўтказишга имкон беради.

Ахборот ва коммуникация-технологияларини жорий қилиш асосида давлат бошқаруви тизими ишини босқичма-босқич модернизациялаш ва иш самарадорлигини ошириш – вертикал ва горизонтал алоқалар бўйича давлат органлари ўртасидаги ахборотларнинг ўзаро ҳаракатида электрон каналларни шакллантиришга имкон беради. Хусусан: хўжалик субъектларидан давлат органларига – статистик ахборот, сўровлар ва ҳ.к.; давлат органларидан хўжалик субъектлари, аҳолига – ҳуқуқий, статистик ахборотлар, турли бланка ва шаклларнинг электрон кўринишини етказиш бўйича хизматлар.

Янги бошқарув технологияларини жорий қилиш ахборот алмашинуви ва қарор қабул қилиш вақтини тезлаштиришга, давлат бошқарув органлари, хўжалик субъектлари ва аҳоли ўртасидаги реал ўзаро алоқаларни яратишга имкон беради. Шундай экан маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш республика аҳолиси учун жуда муҳим ҳисобланади. Сабаби маъмурий ислоҳотлар биринчи навбатда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш учун шароит яратишга ва мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилгандир. Давлат ва хўжалик бошқарув тизимини босқичма-босқич модернизациялаш ва улар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар сифати ва амалга ошириш кетма-кетлиги мазкур ислоҳотларнинг жамиятдаги ислоҳотларнинг замонавий босқичи тамойилларига мос ўтказилиши билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, республикамизда, бошланган комплекс маъмурий қайта қуришлар қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда:

- келгусида давлатнинг иқтисодиётга аралашувини янада қисқартириб бориш, собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизимидан қолган элемент ва марказлашган бошқарув шакллари тугатиш, бошқарув тизими ва тузилмасини тубдан ўзгартириш;

- тақсимлаш тизимини тугатиш ва моддий ресурсларни сотишнинг бозор механизмларига ўтиш;

- давлат ва жамият ўзаро муносабатларининг янги механизмларини шакллантириш.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашувини кескин қисқартириш мақсадида, маъмурий ислохотлар талабларига кўра давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг вазифа ва функцияларини қайта кўриб чиқиш жараёни тугатилди. Давлат ва хўжалик бошқарувининг 32 та органлари бўйича, 13 та органларни қайта тузиш, 4 тасини қўшиш ва 5 та органларни тугатиш бўйича қарорлар қабул қилинди. Хўжалик бирлашмаларидан давлат бошқаруви функциялари олинган ҳолда улар фақат акционерлик компаниялари ёки ишлаб чиқарувчилар ассоциациялари шаклида фаолият юритишадиган бўлишди.

Маълумотларининг кўрсатишича, агарда 2001 йилда бутун мамлакат бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув персонали сони 464,3 минг кишини ташкил қилган ҳолда ҳар минг аҳолига тўғри келадиган персонал сони 19 тани ташкил этган бўлса, 2007 йилда ушбу кўрсаткич мос равишда 404,4 минг кишини, ёки бўлмаса 12,9 фоизга камайган ҳолда ҳар минг кишига тўғри келадиган персонал сони 15 кишига, ёки бўлмаса, 21,1 фоизга камайган(2.1-жадвал). Бутун республика ўртача даражасидан энг паст ҳолатлар

2.1- жадвал

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув персонали сони

Худудлар	Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув персонали сони, минг киши							1000 аҳолига тўғри келадиган бошқарув персонали сони, киши						
	йиллар							йиллар						
	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007
Ўзбекистон Республикаси	464,3	450,5	433,2	408,8	383,4	388,7	404,4	19	18	17	16	15	15	15
Қорақалпоғистон Республикаси	24,8	24,6	23,5	24,3	23,2	21,9	22,4	16	16	15	16	15	14	14
вилоятлар:														
Андижон	32,6	33,5	33,4	31,7	29,7	29,0	28,2	15	15	15	14	13	12	12
Бухоро	23,7	23,2	22,7	21,4	21,2	20,8	21,0	16	16	15	14	14	14	14
Жиззах	16,6	15,6	14,6	13,8	11,2	11,3	12,2	17	15	14	13	11	11	11
Қашқадарё	36,0	33,7	33,0	27,8	23,2	22,9	27,1	16	15	14	12	10	9	11
Навоий	19,6	19,4	18,9	18,2	18,1	19,7	20,5	25	24	24	23	22	24	25
Наманган	23,8	23,4	23,7	20,3	20,9	20,2	21,6	12	12	12	10	10	10	10
Самарқанд	42,4	40,5	38,4	33,4	29,3	29,2	32,2	16	15	14	12	10	10	11
Сурхондарё	21,6	22,0	21,1	18,4	16,9	17,9	19,5	12	12	11	10	9	9	10
Сирдарё	12,0	12,2	11,3	11,2	11,5	11,1	13,2	18	18	17	17	17	16	19
Тошкент	42,6	41,9	38,9	36,7	38,9	34,4	34,0	18	17	16	15	16	14	14
Фарғона	37,1	37,7	36,1	37,9	31,8	33,9	33,9	14	14	13	13	11	12	12
Хоразм	23,8	19,5	19,4	17,8	16,6	17,3	18,0	18	14	14	13	11	12	12
Тошкент ш.	107,5	103,3	98,4	95,8	91,1	99,1	100,5	50	48	46	45	43	46	46

Манба: Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Наманган ва Сурхондарё вилоятларида кузатилган бўлса, энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида, яъни 2001 йили минг аҳолига тўғри келадиган персонал сони 50 кишига тенг бўлган бўлса, 2007 йилда мазкур кўрсаткич 8 фоизга камайган ҳолда 46 тани ташкил этган. Навоий вилоятида ҳеч қандай ўзгариш кузатилмаган, яъни ҳар минг аҳолига тўғри келадиган персонал сони мазкур йиллар орасида сезиларсиз ўзгарганига қарамасдан 2002 ва 2007 йилларда 25 кишини ташкил этган. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича эса агарда 2001 йилда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув персонали сони 24,8 минг кишига тенг бўлган ҳолда ҳар минг кишига тўғри келадиган персонал сони 16 кишини ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув персонали сони 22,4 минг кишига, ёки бўлмаса, 9,7 фоизга камайган ҳолда ҳар минг кишига тўғри келадиган персонал сони 14 кишини, ёки бўлмаса, 12,5 фоизга камайган.

Шуни таъкидлаш керак-ки, биринчи навбатда шиширилган бюрократик аппаратни қисқартиришга йўналтирилган маъмурий ислохотларни амалга ошириш ривожланган бозор иқтисодиёти йўлидаги мамлакатлар учун ҳам долзарбдир.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, Европа, Жанубий-Шарқий Осиё, Шимолий Американинг айрим мамлакатларида банд аҳолининг умумий сонига нисбатан бошқарув персоналининг солиштирма улуши 2 фоиздан 15 фоизгача, тебранади: АҚШда 15 фоиз, Швецияда 18 фоиз, Буюк Британияда

14 фоиз, Германияда 6,7 фоиз, Японияда 3,2 фоиз, Жанубий Кореяда 2,3 фоизни ташкил қилади.

Мамлакатда олиб борилаётган умумий маъмурий ислохотлар доирасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ислоҳ этиш муҳим аҳамият касб этиб, уларнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади³⁴:

- аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш;

³⁴ Абатуров В. на основе доклада ЦЭИ(авторы доклада: Х.Мурадова, В.Бронштейн, О.Намозов, Ш.Назаров, Х.Садыхов, Б.Эргашев, Ш.Файзуллаева, М.Насырова) Административная реформа на местах./ Экономическое обозрение. 2005 №8 с.5-7.

- ҳудуд иқтисодиётининг самарали ва изчил ўсишини таъминлаш;
- муассасалар қарамоғидаги ҳудудларнинг барқарор ривожланиши учун шарт-шароитлар ва манбаларни шакллантириш;
- таркибий, инвестицион ва илмий-техник сиёсатни амалга ошириш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бажарадиган функцияларга ва мазкур функцияларнинг замонавий ривожланиши эҳтиёжларига қанчалик мос келишига боғлиқ. Мазкур йўналишлардаги ислохотларнинг зарурлиги шунингдек, қуйидаги омилларга боғлиқ бўлиб, улар:

Биринчидан, маҳаллий давлат бошқарув органлари аввало, мамлакат ҳукумати томонидан ишлаб чиқиладиган давлат иқтисодий сиёсатини жойларда амалга оширувчи сифатида намоён бўлади. Маҳаллий ҳокимият институтлари жамиятнинг Ҳудудий ҳаёт фаолиятига марказда белгиланган ғояларни, концепция ва дастурларни татбиқ қилишади. Маҳаллий давлат бошқарув органлари фаолият самарадорлигини таҳлил этиш республикамизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотларнинг натижавийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, маҳаллий давлат бошқарув органлари ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва экологик ўлчовлардаги барқарор ривожланишни таъминловчи аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган Ҳудудий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш институти бўлиб ҳисобланади. Шунга мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимият органлари фаолиятини ошириш-самарали Ҳудудий сиёсатнинг институционал омилидир.

Учинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти ўзида макроиқтисодий механизмда давлат бошқарув органларининг фаолият юритишидаги кўпгина номуносибликларининг пайдо бўлишининг бирлашган шаклида намоён бўлади. Макродаражада эски маъмурий-буйруқбозлик тизимдан сақланган сарқитлар Ҳудудий бошқарув даражасида ҳам мавжуд. Шу сабабли, маҳаллий давлат бошқарув органлари фаолиятидаги қалтис муаммоларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаб,

синхрон ёки олдини оловчи макродаражада маъмурий-функционал ўзгартиришларни киритиш лозим.

Тўртинчидан, айнан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари давлат, тадбиркорлик ва фуқаролик жамияти орасидаги воситачи сифатида намоён бўлади. Уларнинг функцияларини такомиллаштириш “давлат-бизнес-фуқаролик жамияти” шерикчилигидаги маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро бўғинларини мувофиқлаштириш ролини оширишдаги воситачилиги самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиши лозим.

Маъмурий ислохотни амалга оширишнинг одатий натижаси – бу бошқарув аппарати сонини ва мос равишда унга кетадиган харажатларни қисқартириш ҳисобланади. Бу маъмурий ислохотнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, харажатларни оптималлаштириш ва қисқартиришга сезиларли таъсир кўрсатади, ҳамда мамлакат корхоналари ва аҳолиси харажатларини қисман пасайтиради.

Бозор шароитида маҳаллий давлат бошқарув органлари иқтисодиёт соҳасида бозор тузилмаларига йўл бериш, бир вақтнинг ўзида ижтимоий соҳадаги функцияларини кенгайтирган ҳолда ҳудуд аҳолиси ҳаёт фаолиятини тартибга солишни самарали таъминлаши лозим.

Шундай қилиб, маъмурий ислохотлар-бу давлат бошқаруви тизимини доимий такомиллаштириш жараёни бўлиб, Ҳудудларда маъмурий ислохотларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланиши мумкин:

- ҳудудий ва тармоқ бошқарув органларидаги ортиқча харажатли ва бир-бирини такрорловчи функцияларни тугатиш, маҳаллий давлат ҳокимияти ижрочи бошқарув органларининг назорат қилувчи функцияларини оптималлаштириш;

- ижрочи давлат бошқарув органларида давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- Худудий ва маҳаллий давлат бошқарув органларида ва уларга қарашли бўлган муассасаларда натижалар бўйича бошқариш механизмларини жорий этиш;

- давлат ҳокимияти бошқарув органлари ва фуқаролик жамиятлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар самарадорлигини ошириш;

- такрорланувчи ва ортиқча функцияларни йўқотиш мақсадида муассасалар тасарруфидаги ташкилотлар низомлари таҳлилини олиб бориш;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфидаги мувофиқлаштирувчи, қўшма ва бошқа ишчи органларининг функцияларини оптималлаштириш йўли билан маъмурий-бошқарув муассасалари ва муассасалараро қарорлар қабул қилиш муддатларини қисқартириш;

- назорат-текширув функцияларини амалга ошириш бўйича Худудий давлат бошқаруви органларининг республика давлат худудий органлари билан ўзаро хатти-ҳаракатларини такомиллаштириш;

- маъмурий ислохотларнинг зарурий ташкилий, инфорацион, ресурс ва кадр таъминотини шакллантириш, давлат бошқарувининг самарали тажрибасини ёйиш механизмларини такомиллаштириш.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муваффақияти кўпинча, давлат бошқарувини ташкил этишга, ҳукуматнинг алоҳида бўғинлари орасидаги ваколатларни чегаралашга, марказий бошқарув органларининг маҳаллий ва бошқа бошқарув органлари билан бўладиган ўзаро муносабатларининг тавсифига боғлиқ. Бошқарув аппарати ҳажмининг катталиги, алоҳида функцияларнинг такрорланиши, замонавий ташкил этишнинг йўқлиги, давлат бошқарув органлари устидан жамият назоратининг етарли даражада эмаслиги ўз навбатида ижро ҳокимияти бошқарув самарадорлигининг пасайишига, бюрократиянинг ривожланиши ва бизнес юритишдаги тўсиқларнинг ўсишига олиб келади.

2.2. Ҳудудий бошқаришни тартибга солишнинг институционал асослари

Ўзгариш шаклларида бири ҳисобланган иқтисодийни бошқаришнинг номарказлашиш ва Ҳудудлашуви жараёнлари мамлакат иқтисодий соҳасидаги демократик ўзгаришлар билан бирга амалга оширилмоқда. Режали иқтисодийга асосланган мамлакат иқтисодиётини бошқаришдан бозор бошқарувига ўтиш Ҳудудларда ишлаб чиқариш - иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг ҳудудий-институционал шаклларида тўлақонли ривожланиши учун янги имкониятларни очди.

Ҳозирда Ўзбекистонда иқтисодийни модернизациялаш даври бошланган бўлиб, у иқтисодийни янада эркинлаштириш ва халқаро бозорларга чиқишни талаб қилмоқда. Бу, энг аввало, давлатнинг бошқарув ролини чеклаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлигини ошириш, мулкдорларнинг, айниқса, хусусий секторнинг роли ва ҳуқуқларини мустаққамлаш демакдир.

Республикада бозор иқтисодиётига ўтиш тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилишдан бошланди³⁵. Бошқаришнинг ташкилий тузилмасида жиддий ўзгаришлар рўй берди, мулкки давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни муҳим босқичга кириб, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий-меъёрий базаси, яъни институционал ўзгаришларни амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда.

³⁵ Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни; 1993 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тўғрисида»ги Қонуни; 1999 йил 2 сентябрдаги «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони; 2003 йил 22 декабрдаги «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви республика органларининг бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида»ги ва «Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорлари; 2004 йил 30 мартдаги «Ҳудудий давлат ҳокимияти органлари бошқарув тизимини такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг трансформацияси(янги босқичга ўсиб ўтиш) ва ривожланиши мураккаб кечмоқда. Бу жараён қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади³⁶:

- мустақил давлат иқтисодий тизимининг барча элементлари, институтлари ва ўзига хос хусусиятларини тўла шакллантириш;
- ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалигининг амалдаги ва янгидан яратилган институтларини такомиллаштириш;
- хўжалик ҳаётининг глобаллашуви жаҳон тенденцияси, самарали халқаро меҳнат тақсимоти, янги юқори технологиялар асосида иқтисодиётнинг тузилишини чуқур қайта қуриш.

Бу жараёнларнинг барчаси, табиийки, узлуксиз фаолият кўрсатиш ва ривожланиш доирасида амалга ошиб боради. Чунки хўжалик ҳаётининг тўхтаб туриши, танаффус қилиши мумкин эмас.

Юқорида қайд этилган трансформацион жараёнларни муваффақиятли амалга ошириш учун етарли замин, шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим. Худди шу пойдевор, шарт-шароитларгина иқтисодий тизимга ривожланган миллий иқтисодиёт сифат ва миқдор тавсифини беради(мустақиллик, яхлитлик, ижтимоийлик, бозор механизмига асосланганлик, самарадорлик, миллий йўналтирилганлик, очиқлик). Бу шарт-шароитларни шартли равишда уч қисмга ажратиш мумкин:

- умумтартиб, яъни конституцион;
- ҳуқуқий, дунёқараш, мафкуравий ва сиёсий мазмундаги шарт-шароитлар;
- тизимли, яъни иқтисодий, институцион-ҳуқуқий майдон, хўжалик институтлари характери, ташқи муҳит билан алоқага киришув механизми ва меъёрларининг умумийлиги;

³⁶ Тўхлиев Н. ва бошқ.Ўзбекистон иқтисодиёти асослари./ Н.Тўхлиев, Қ.Ҳақбердиев, Ш.Эрмаматов, Н.Холматов.-Т.: “O`zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти, 2006. 12- б.

- тизим ичидаги мақсадга мувофиқ хўжалик юритиш қоидаларига риоя қилиш асосида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини таъминлаш.

Иқтисодиётда бозор институтлари, энг аввало, бозор инфратузилмасини шакллантириш, эркин рақобатга асосланган бозор муҳитини ташкил этиш муаммоси тармоқ даражасидан ҳудудий даражага кўчиши туфайли институционал ўзгаришларнинг самарадорлиги ҳам кўп жиҳатдан ҳудудий омилларга боғлиқ. Чунки иқтисодий ислоҳотларнинг барча ижтимоий-иқтисодий натижалари улар амалга оширадиган объектдан қатъий назар ҳудудий даражада намоён бўлади.

Ислоҳотларнинг жадаллашуви, ўз навбатида, иқтисодиётни бошқаришни тартибга солишнинг институционал асослари, ўзгаришлар, янги замонавий бошқариш институтларини шакллантириш ва ривожлантиришни тақозо этмоқда.

“Бошқариш институтлари” иборасининг илмий муомала ва амалиётга кириб келганлигига ҳали юз йилдан ортиқ вақт бўлганича йўқ. “Институт” (лот. *Institutum* ва фран. *Institut*) сўзининг ўзаги кенг маънода «ўрнатиш», «муассаса» маъноларини англатади³⁷.

Институтлар назариясига катта ҳисса қўшган Нобель мукофоти соҳиби америкалик олим Дуглас Нортнинг фикрича, институтлар иқтисодиётни бошқаришнинг ташкилий омиллари сифатида унинг ривожланишига техник омиллардан кам таъсир кўрсатмайди. Иқтисодий ўсиш калитини у бошқарувнинг замонавий илғор институтларининг мавжудлиги ва фаолият кўрсатишини ўзида намоён этувчи иқтисодиётни самарали ташкил этишда деб билади. Унинг тасдиқлашича, “институтлар инсонларнинг бутун тарихи давомида тартиб-интизомга эришиш ва ўзларининг ишончсизлиги даражасини пасайтиришга ёрдам берган базавий тузилмаларни яратади”.

³⁷ Райзберг Б.А. Курс управления экономикой.-СПб.: Питер. С.176.

Иқтисодиёт ва бошқарувда институтларнинг ролини Д.Нортгача бўлган даврда, яъни XX асрнинг бошида АҚШда пайдо бўлган институтчилик намояндалари ҳам яхши тушунишган.

Институтичилик мактаби намояндалари Худудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг давлат томонидан бошқарилиши кўпинча бозор механизмининг такомиллашмаганлиги, унинг ҳам умумдавлат, ҳам Худудий даражадаги замонавий ривожланиш муаммоларини ечишга қодир эмаслигида деб ҳисоблашган. Бозор шароитида барча даражалардаги бошқаришнинг асосий муаммоларидан бири - бу корхона(фирма), худудий, Худудий ва умумдавлат миқёсида умумжамоат назорати тизимини яратиш ҳисобланади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш Худудий бошқарувининг мақбул институтичилик муҳит(тизим)и қуйидаги мезонларга мос келиши лозим: демократик бўлиши, белгиланган мақсадларга йўналтирилган бўлиши; етарлича таъсир қилиш кучига эга бўлиш; тушуниш учун етарлича содда бўлиш; ижтимоий-руҳий мотивациялар тизимидан фойдаланиши; мослашувчан бўлиш; илғор ривожланишни рағбатлантириш лозим.

Худудларни бошқариш механизми институтилари иқтисодий мустақил бўлган шароитда қўйиладиган асосий талаб - мазкур механизмни ташкил этувчи барча элементлар яхлитликда ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишини таъминлаши, талаб ва таклифни баланслаштирувчи, товар ва хизматлар сифатини оширувчи бозор тизимлари шаклланишини таъминлаши лозим.

Худудий ва худудий бошқарув даражаларида бошқарувнинг институтичилик асослари ўзида Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнига ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий таъсир этишнинг қуйидаги шакллари намоён этади:

- тўғридан-тўғри бюджетдан молиялаштириш, бюджетдан ташқари маблағлар ва фондларни ташкил этиш, заёмларни чиқариш орқали Худуд инфратузилмаси ривожланишида бевосита қатнашиш;

- ички бозорни тўлдириш учун фаолият юритувчи ишлаб чиқарувчиларга имтиёзлар белгилаш;

- агросаноат мажмуасинининг ривожлашида ва бозорни истеъмол, энг аввало, озиқ-овқат товарлари билан таъминловчи тадбиркорларни ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, Худудий бошқарув самарадорлигини оширувчи элементлардан бири институтларни қамраб олувчи қуйидаги тузилмалар ҳисобланади: қонунлар, ўйин қоидалари, муайян ҳуқ-атвор кодекслари, муносабатлар ва алоқа турлари.

Замонавий шароитда республика Худудларида институционал муҳитни яратиш, инсон хатти-ҳаракатларининг бозор иқтисодиёти шароитларига мос тарзда ривожланган мотивациясини шакллантириш муаммолари устувор аҳамиятга эга.

Давлат ва жамият институтлари республиканинг алоҳида субъектлари ҳамда бутун мамлакат миқёсида ҳам институционал муҳитни шакллантириш ва ривожланган бозор тизимини қуриш жараёнларида муҳим аҳамият касб этади.

Худуд иқтисодиётини институционал ривожлантириш институтлар ва ташкилотлар(институтлар “ўйин қоидалари”; ташкилотлар-“ўйинчилар”ни аниқлайди)нинг ўзаро муносабатлари таъсирида рўй беради. Янги институтлар мавжуд институционал муҳит(тизим)да олиш мумкин бўлмаган фойдани олишнинг янги имкониятлари пайдо бўлганда келиб чиқади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш самарадорлигини оширишнинг истикболли усули Худудий ҳукумат органлари фаолиятида бозор тамойиллари ва механизмларидан фойдаланиш ҳисобланади ва у бир нечта йўналишлар бўйича амалга оширилиши мумкин:

- ҳам товар ва хизматларни сотиб олишда, ҳам жамият ресурсларини тақсимлашда ким ошди савдосига ўтиш;

- олдин давлат бажарган функцияларнинг сезиларли қисмини амалга ошириш учун контрактлар тузиш;

- конктракларни тузиш шарт бўлмаган ёки имкони бўлмаган ҳолларда ҳам бажарилган ишларга фақат эришилган натижалардан келиб чиқиб ҳақ тўлаш усулларида фойдаланиш;

- бозор маълумотларига йўналтирилганлик.

Мамлакатнинг барқарор тараққиёт йўлига ўтиш жараёни унинг барча Худудларида барқарор ривожланиш таъминлангандагина амалга ошади.

Ҳар бир Худудга оид муаммолар ечими, сезиларли даражада умумреспублика вазифаларига мос келиши, лекин бунда маҳаллий хусусиятлар ҳам ҳисобга олиниши лозим. Хусусан:

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишни тартибга солувчи, шу жумладан табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитга антропоген таъсир этувчи Худудий хўжалик механизмини шакллантириш;

- шаҳар ва тугалланмаган шаҳар худудларида, бошқа аҳоли пунктлари ва шаҳардан ташқари зоналарда уларнинг санитар тозаллиги, ерни рекультивациялаш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришдан иборат табиатни асраш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, санитар-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- маҳаллий шарт-шароитларга мос келувчи экологик илғор агротехнологиялар асосида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ернинг ҳосилдорлигини ошириш, уларни эрозия ва ифлослантиришдан сақлаш, шунингдек, қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўлаб-қувватлаш тизимини яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- маҳаллий экотизимнинг хўжалик ҳажмини ҳисобга олувчи Худудий саноат тизимини реконструкциялаш.

Миллий иқтисодиётнинг шаклланиши, фаолият кўрсатиш ва ривожланиш самарадорлиги тизимли шарт-шароитлар ва тамойиллар

туркуми билан таъминланади³⁸. Улар қаторига мамлакат, унинг Худудлари ва иқтисодий секторлари учун ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида мулкӣ муносабатлар, хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқӣ шакллари, реал секторнинг фаолият кўрсатиши, молиявий тизимнинг бозор институтларини бошқаришни тартибга солувчи ягона институционал-ҳуқуқӣ муҳитни яратиш киради. Бундай институтлар, ҳуқуқӣ меъёр ва механизмлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Банк, Солиқ, Божхона, Меҳнат ва бошқа кодекслар ҳамда “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тўғрисида”ги, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ва “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунлар билан белгиланади.

Институционал ислоҳотларни амалга ошириш давомида юқорида таъкидланган қонунлардан ташқари мулк, хусусий тадбиркорлик, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, инвестициялар ва солиқ сиёсати тўғрисидаги бир қатор асосий қонунлар қабул қилинди. Шундан сўнг, иқтисодий ўзгаришларни тартибга солувчи қатор қонунлар, Президент фармонлари, шунингдек, ҳукумат қарорлари ҳам қабул қилинди. Айни вақтда, институционал ўзгаришлар юз берди: мулк ва хўжалик юритиш шакли ўзгарди, бозор инфратузилмаси элементлари (биржалар, АЖ, тижорат банклари, суғурта жамиятлари, лизинг компаниялари ва бошқалар) пайдо бўлди.

Умуман, Ўзбекистонда 1991-2007 йиллар мобайнида амалга оширилган ислоҳотларни қўйидагича тавсифлаш мумкин:

- “оддийдан мураккабга” тизими бўйича кетма-кет ислоҳотлар ўтказиш энг осон ва катта даромад берувчи секторларда бошланди (чакана ва майда улгуржи савдо, маиший хизматлар, транспорт);
- ислоҳотлар жараёни икки хил тавсифга эга эди: эски тизимнинг қўллаб
- қувватланиши билан бирга, янги тизимнинг ривожланиши ҳам секин-аста

³⁸ Тўхлиев Н. ва бошқ. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари./ Н.Тўхлиев, Қ.Ҳақбердиев, Ш.Эрмаматов, Н.Холматов.-Т.: “O`zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти, 2006. 14- б.

амалга оширила бошланди (“эски уйни бузмай, янгисини қуриш” тизими бўйича);

- ислохотлар, асосан, амалий аҳамиятга эга эди, бу эса турли меъёр ва стандартлар бирлигини таъминлади.

Тизимли ислохотлар ҳақида гапирсак, ҳукумат хусусийлаштириш ва молиявий секторни ҳисобга олган ҳолда айрим соҳаларда аниқ ривожланишга эришди. 1998 йилнинг охирида ҳукумат томонидан стратегик аҳамиятга эга корхоналарни индивидуал хусусийлаштиришнинг жадал режаси ишлаб чиқилди. Режага киритилган ушбу корхоналарни хусусийлаштириш 1999-2000 йиллар мобайнида, кейинчалик 2001 йилгача узайтирилиб, хорижий инвесторларга тавсия этилди.

Мустақиллик йилларида хусусийлаштириш амалга оширилиб, йирик ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектлар фойдаланишга топширилди, паст рентабелли ва зарар кўриб ишловчи қишлоқ хўжалик корхоналари фермер хўжаликлари асосида қайта ташкил этилди. Бозор инфратузилмаси шаклланиб, кичик бизнес ва хусусий сектор ўз келгуси ривожланишига эга бўлди.

Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотларнинг алоҳида белгиси - бу хусусийлаштиришга дастурий ёндашиш ва унинг босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлашдир. Ҳукумат томонидан «оддийдан мураккабга» тамойили бўйича мамлакатда хусусийлаштиришни амалга ошириш босқичлари аниқланган. Агарда, Ўзбекистон бўйича таркибига савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва майда саноатни оловчи кичик хусусийлаштириш жараёни 1992-93 йилларга тўғри келган бўлса, хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичи 1996-2000 йилларга тўғри келиб, у енгил, озиқ-овқат, фармацевтика саноатлари, тайёрлов тармоқлари, қурилиш, транспорт, алоқа ҳамда индустриянинг асосий объектларини қамраб олди. Хусусийлаштиришнинг учинчи босқичи - 2002 йилдан бошлаб то ҳозирги кунларгача давом этмоқда.

Мулкчилик муносабатларига давлатнинг аралашувисиз бозор механизмини жорий этишга уриниш иқтисодий жиҳатдан номақбулдир.

Чунки бозор ўз иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини руёбга чиқарувчи хилма-хил мулкдорларнинг ўзаро ҳамкорлигидан ташкил топади.

Республикада иқтисодиётни бошқариш тизимини реструктуризациялаш ва чуқур бозор ўзгаришларини амалга ошириш учун институционал базани яратиш доирасида қуйидагилар амалга оширилди³⁹:

- директив режалаштиришдан индикатив тартибга солишга босқичма-босқич ўтиш;

- солиқ тизимининг функциялари соф фискалдан тубдан рағбатлантирувчига ўзгартилди;

- бошқарув тузилмаларида олиб борилган ислохотлар натижасида тор тармоқли вазирлик ва муассасалар ўрнига мустақил хўжалик субъектлари - концернлар ва ассоциациялар яратилди;

- асосий бозор инфратузилмалари - банк тизими, товар-хом ашё ва фонд биржалари, меҳнат биржаси, кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи давлат институтлари шаклланди;

- нархни ва бозорни, шу жумладан, ташқи савдо соҳасини босқичма-босқич эркинлаштириш амалга оширилди.

Шу билан қаторда, укладли иқтисодиёт асослари: аҳолига ерлар ажратилди, аграр секторда хўжалик юрителининг янги шакллари жорий этилди, уй-жой фонди, маҳаллий саноат корхоналари, маиший хизмат кўрсатиш, шунингдек, алоҳида енгил саноат ва автотранспорт корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш амалга оширилди.

Умуман, мамлакатда олиб борилаётган туб ислохотлар натижасида Ҳудудий иқтисодиётни бошқариш тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Иқтисодиётда нодавлат секторининг улуши ортди, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги аҳоли бандлиги мутаносиблиги ўзгарди, бозор инфратузилмаси ва шунга мувофиқ бозор дастаклари ва бошқарув механизмлари ривожланди. Ушбу ҳолатлар бошқарувда янги шакл ва

³⁹ Десять лет независимости Узбекистана// Экономическое обозрение. №8-9. 2001 с.4-5.

усулларни қўллаш, маҳаллий даражада бошқарув органлари фаолияти технологиясини такомиллаштиришни талаб этади.

Замонавий менежмент технологияси давлат ва маҳаллий бошқарув самарадорлигини оширишга қодир бўлиб, бундай бошқарув технологияларидан нафақат тижорат соҳасида, балки давлат ва Худудий бошқарув амалиётида ҳам фойдаланиш мумкин. Давлат муассасалари ходимлари кўпинча харажатларни тежаш, самарадорликни ошириш, ташқи муҳитнинг ўзгарувчан кўрсаткичларини ҳисобга олиш ва ҳукумат тузилмалари хизматлари истеъмолчиларининг ўзгарувчи талабларини эътиборга олишга ҳаракат қилишади. Асосий диққат бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда гуруҳли бўлиб ишлаш ва жамоавий усулларга қаратилади.

Замонавий менежментнинг янги технологиялари, асосан, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар доимо янгидан пайдо бўладиган вазифалар бўйича янги ечимларни излашга мажбур қиладиган соҳаларда пайдо бўлади.

Давлат ва Худудий бошқаришга янгича ёндашувлар персонални синчковлик билан танлаш, доимий ўқитиш ва малакасини ошириш, янги билимларни шакллантиришни ифодалайди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳозирги глобаллашув шароитида бутун дунёда давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш масалалари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Лекин барча мамлакатлар томонидан фойдаланиш учун оптимал бўлган универсал моделлар мавжуд эмас. Эндиликда ҳар бир давлат аниқ бир тарихий ривожланиш босқичида миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тегишли даврга энг мақбул келадиган ўз хусусий моделини ишлаб чиқиши лозим. Бунда Худудий ривожланиш мақсадларини шу мақсадлар таҳлили орқали бошқарув даражаларининг ўзаро алоқаларидан келиб чиқиб аниқлаш мумкин (2.2-жадвал). Худудий ривожланиш «қутб»ларини белгилаш Худуд ривожланиши стратегиясини ишлаб чиқишда энг муҳим вазифа ҳисобланади.

2.2-жадвал

**Бошқарув даражаларининг ўзаро алоқалари ва иқтисодиётнинг
Худудий ривожланиш мақсадлари**

Бошқариш даражаси	Бошқарилувчи ўзгаришлар		
	Мақсадлар	Вазифалар	Стратегия
Жаҳон иқтисодиёти	Жами талаб ва жами таклиф ўртасидаги худудий-ишлаб чиқариш мувозанати	- Худудларнинг нисбатан тенглигини таъминловчи бозор инфратузилмаларини шакллантириш; - миллий иқтисодиёт Худудлари орасидаги ижтимоий-иқтисодий мутаносибликларни таъминлаш	- ҳуқуқий базани таъминлаш («корхона-ресурсларни етказиб берувчилар-истеъмолчи» муносабатларини тартибга солиш); - рационал қўламдаги рақобатларни қўллаб-қувватлаш; - солиқли ва трансферт тўловлар тизимида бевосита аралашуш йўли билан даромадларни қайта тақсимлаш.
Ўзбекистон Республикаси (республика Худудий сиёсати)	- ягона ижтимоий-иқтисодий худудни мустаҳкамлаш; - жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашиш; - ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришни ўзгартириш; - интенсив ўсиш траекториясига чиқиш	- ички ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш - ривожланиш даражаси бўйича Худудлар орасидаги фарқларни пасайтириш (1,5 - 2 мартага). - Худудларaro интеграцияни тезлаштириш	- коммуникация тизимларини ривожлантириш: транспорт, энергетика, телекоммуникация, логистик; - иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни экологик жиҳатдан кучайтириш; - аҳолини жойлаштириш тизимини модернизациялаш ва миграцион оқимларни тартибга солиш.
Қорақалпоғистон Республикаси	Барқарор ўсишга ўтиш	- хўжалик юритишнинг янги замонавий соҳаларини кенгайтириш ва табиий ресурсларнинг янги манбаларини топиш; - экологик босимни камайтириш; - аҳоли бандлигини ошириш ва аҳоли учун қулай яшаш шароитларини яратиш	- иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш; - Худуд худудларида энергоресурсларни истеъмол қилиш даражасини ошириш; - иқтисодиёт тармоқларини реструктуризациялаш

Манба: муаллиф томонидан иқтисодий адабиётлардаги ёндашувлар умумлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ҳозирги босқичда кўпчилик Худудлар иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг бош йўналиши аҳоли турмуш даражасининг замонавий хусусиятлари ва давлат органларининг иқтисодиётни тартибга солишда фаол иштироки ҳамда кўп укладли, ижтимоий йўналтирилган иқтисодий тизим шароитларида ишлаб чиқаришнинг янги технологик усулларида фойдаланишга асосланган

сўнгги индустриал кўринишдаги янги ижтимоий укладни шакллантиришга босқичма-босқич ўтиш ҳисобланади.

Бундай жараён миллий ва жаҳон тажрибаларини чуқур ўрганиш ва фикрлашни талаб этади. Унинг асосида мамлакатнинг узок муддатли ривожланиши учун мамлакатнинг янги ҳудудий бошқарув моделини яратиш зарур. Кўпгина саноати ривожланган мамлакатларда компанияларни реструктуризациялаш, ажратиш ва қўшиш, йирик молиявий операцияларни катта кўламдаги ягона саноат лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш тўғрисидаги келишувлар сонининг ортиш тенденцияси кучаймоқда. Бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда эса хўжалик субъектларининг ўзаро муносабатларида қисқа муддатли молиявий манфаатларни ҳисобга олиш билан корхоналар ўртасидаги горизонтал алоқалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, улар фаолиятида узок муддатли стратегик иқтисодий алоқалар ҳозирча етарлича даражада ривожланмаган.

Мазкур манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ҳозирги босқичда ҳудудий бошқарув самарадорлигини оширишнинг давлат стратегияси, биринчи навбатда, аҳолининг яшаш даражасини оширишни етарлича қўллаб-қувватлаш, мамлакат иқтисодий маконининг яхлитлиги ва бутунлигини таъминлаш, иқтисодиёт реал секторининг барқарор ва мустаҳкам ривожланиши учун шарт-шароитларни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Керакли ҳукуқий-меъёрий базани шакллантириш ва ривожлантириш қўйилган мақсадларга эришишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Ҳозирда ички ресурслардан кўпроқ ва баланслашган тарзда фойдаланиш ҳисобига мамлакатнинг узок муддатли ривожланиши учун шарт-шароитларни таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базасини яратиш зарур. Бундай базани яратишдаги тўсиқлардан бири бу ҳудудий бошқаришнинг ягона тизимининг йўқлиги ҳисобланади.

Мамлакатнинг узок муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси фақат ҳудудий омиллар - давлат сиёсатининг барча

йўналишларида мамлакатнинг турли шароитларини акс эттирувчи табиий-иқлимий турли туманликлар, ижтимоий-иқтисодий, миллий-маданий ўзига хосликларни эътиборга олингандагина илмий асосланган ва амалиётда амалга оширилиши мумкин бўлади. Республика Худудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бир хил эмаслиги давлат бошқаруви, иқтисодиёт таркибининг самарадорлигига кўпроқ таъсир кўрсатган ҳолда, бозор ислохотлари Худудлар ўртасидаги асосий муаммоларни кескинлаштирди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда бозор ислохотларни амалга ошириш давомида юз берган институционал ўзгаришлар ҳозирча самарали иқтисодий институтлар ва бошқарув институтларини яратиш ҳамда уларнинг ишончли тарзда амал қилиши учун етарли эмас. Миллий бозор ислохоти ва унинг оқибатларини таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларга олиб келди:

- бозор ислохотларининг муваффақиятини таъминлаш учун ҳуқуқ, мулк институтлари, ташкилий ва молиявий институтларни қамраб оладиган институционал ўзгаришларни жадал давом эттириш зарур;

- норасмий ва сиёсий институтлар, одатлар ва ҳуқ-атвор меъёрларини бозор иқтисодиёти тамойилларига мувофиқлаштириш учун узоқ давом этадиган жараён керак;

- бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда шаклланиб бўлган юридик институтларни Ўзбекистонда ҳам ривожлантириш зарур;

- бошқарув институтлари ўзгариб бораётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, экологик шароитларга мос ҳолда вақти-вақти билан қайта ташкил этиб борилиши лозим.

Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган ҳозирги шароитда иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратишга қодир бўлган, мослашувчан институционал бошқарув тузилмаларини ташкил этишга иқтисодиётнинг бошқарув тизимини ислоҳ қилишга қаратилган яхлит дастур асосидагина эришиш мумкин.

2.3. Рақобатбардошлик стратегиясини шакллантириш ва уни бошқариш механизмлари

Маъмурий – буйруқбозлик ҳукм сурган иқтисодиёт шароитида рақобатбардошликни баҳолаш деярли йўқ бўлиб, унинг ўрнига “техник” ёки “техник-иқтисодий даража” тушунчаси қўлланиларди. Бироқ, техник даражани баҳолашнинг амалий ёки тўлақонли услублари таклиф қилинмаган эди. Бу, бир томондан, сезиларли даражада ўлчашнинг услубий қийинчиликлари: кўплиги, кўп ўлчамлилиги, турли хилдаги сифат ўлчамларининг мавжудлиги билан боғлиқ бўлган. Бунда кўрсаткичлар қайта боғлиқлик билан тавсифланиб, бунинг натижасида маълум кўламда баъзи кўрсаткичларнинг яхшиланиши бошқаларининг ёмонлашишига олиб келарди.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг замонавий босқичи ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида миграцион ва молиявий, интеллектуал мулкнинг барча турлари, яъни ХХІ асрда иқтисодий ўсишнинг барча омиллари учун рақобатнинг кучайиши билан тавсифланади.

Ушбу шароитларда Ҳудудий муаммоларнинг кенг мажмуасига эътибор доимий равишда ўсиб боради. Босқичма-босқич шу нарса аниқ-равшан бўлиб бормоқдаки, давлатнинг муваффақиятли ривожланиши мамлакат ҳудудларининг ривожланиши ва Ҳудудларнинг рақобатбардошлигининг шаклланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Ривожланган ва ҳатто ривожланаётган давлатлар намунасида Ҳудудлар борган сайин стратегик бошқарувнинг нафақат объектлари, балки субъектлари сифатида ҳам намоён бўлмоқдалар. АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатларида Ҳудудий ривожланишнинг ядроси - Ҳудудлар стратегик рақобатбардошлигини шакллантиришга йўналтирилган инновацион сиёсат ҳисобланиб, у мавжуд ресурс таъминотидан фойдаланиш ва янгиларини яратиш, уларнинг жаҳон

иқтисодий айирбошлов тизимида қулай вазиятларни эгаллаш мақсадларида инновацион ривожланишини таъминлаш орқали амалга оширилади⁴⁰.

Маҳаллий ва хорижий иқтисодга оид адабиётларда рақобатбардошликни айниқса, корхона, тармоқ, Худуд ва мамлакат миқёсида ўрганишга катта аҳамият берилган. Хусусан, баъзи бир муаллифларнинг таъкидлашларича, «рақобатбардошлик кўп даражали тушунча бўлиб, уни таҳлил қилиш ва баҳолашни конкрет рақобат майдони ёки унинг даражаси билан боғлаш лозим бўлади». Агарда мамлакатда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тавсифдаги асосий баланслар тартибга солинмаган бўлса, тармоқ ёки корхонанинг асосланган юқори рақобатбардошлигига жиддий таяниш мумкин эмас. Рақобатбардошликни таъминлашнинг юқори даражаси мамлакатдаги бутун хўжалик тизими амал қилишининг асосий шартлари белгиланадиган макроиқтисодий даража эканлигини ишонч билан айтиш мумкин. Аҳамияти бўйича ундан кейин мезодаража ҳисобланиб, унда Худуд, тармоқ ва корпорациялар ёки корхоналар гуруҳлари ривожланишининг истиқболлари шаклланади. Микродаражада рақобатбардошлик товар сифати ва баҳосининг нисбати кўринишида ўзининг якуний, тугал шаклини олади. Бу нисбат олдинги икки даражада шаклланган шароитлар ва корхонада ишловчиларнинг ҳам ўз ресурсларидан, ҳам миллий умумхўжалик ва тармоқ устунликларидан фойдалана олиш қобилиятига боғлиқ бўлади.

Айтиш мумкинки, конкрет объектнинг рақобатбардошлиги – бу берилган объектнинг унга ўхшаш объектларга – бозордаги рақобатчиларга нисбатан маълум бир кўрсаткичлар (индикаторлар) тўплами орқали фойдаланадиган ҳолатини баҳолашга имкон берувчи иқтисодий категориядир.

Рақобатбардошлик – кўп киррали иқтисодий категория бўлиб, кўпчилик манбаларда турлича талқин қилинади. «Рақобатбардошлик» атамаси ҳам яратилаётган маҳсулотга, ҳам иқтисодий тизимлар элементларига нисбатан

⁴⁰ Гуриева Л.К. Конкурентоспособность инновационно ориентированного региона // Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. М.:РАГС. 2007. с.3

кўлланилади, яъни у товар, корхона (товар ишлаб чиқарувчи), технологиялар, бутун бир тармоқ ёки Худуд, мамлакат миқёсида кўрилиши мумкин⁴¹.

Бунда товар, товарни ишлаб чиқарувчи, тармоқ рақобатбардошлигини бирлаштирувчи ва Худуднинг миллий бозордаги ҳолатини, кейин мамлакатнинг жаҳон бозоридаги ҳолатини тавсифлочи мажмуавий кўрсаткич Худудий рақобатбардошлик кўрсаткичи ҳисобланади. Энг умумий кўринишда рақобатбардошликни сотилиши алоҳида фуқаролар, Худуд ва мамлакат фаровонлигини оширадиган, бозор талабларини қондирадиган товарлар ва хизматларни эркин ишлаб чиқариш шароитида Худуднинг иқтисодий қобиляти сифатида белгилаш мумкин.

Бироқ, шуни таъкидлаш зарурки, Ғарб иқтисодий тафаккурининг ҳозирги замон концепциялари “Худудий рақобатбардошлик” тушунчасини турлича талқин қилади. Баъзи бир олимлар эса, Худуд иқтисодий сиёсатининг бош мақсади бўлган ўз фуқароларига динамик ўсиб боровчи юқори турмуш даражасини таъминлаш эканлигини рўқач қилиб бу тушунчадан умуман бутунлай воз кечишни таклиф қиладилар. Буни амалга оширишда Худуднинг қобиляти қандайдир аморф «рақобатбардошлик» тушунчасига эмас, балки миллий табиий ресурслар, шунингдек, капитал ва меҳнатнинг қандай ишлатилишига боғлиқ бўлади. Бунда унумдорлик меҳнат ёки капитал бирлигидан қайтим қиймати шаклида ифодаланиши мумкин. Яъни, Худуднинг унумдорлиги ҳам ишлаб чиқариладиган товарлар сифати ва тавсифига, ҳам уларнинг ишлаб чиқарилиши самарадорлигига боғлиқ бўлади. Натижада унумдорлик – Худуддаги турмуш даражасининг энг асосий белгиловчи кўрсаткичи ҳисобланади, чунки у аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий даромаддир. Инсон ресурслари унумдорлиги уларнинг иш ҳақини белгилаб, капиталдан фойдаланиш унумдорлиги эса унинг эгалари оладиган даромадни ангалатади. Худуд миқёсида

⁴¹ Комком Н.И., Лазерев А.В., Многоуровневая структура и подходы к оценке экономической категории «Конкурентоспособность»// “Проблемы прогнозирования”. М.: №4(103), 2007. с.4.

рақобатбардошлик концепцияси асослана оладиган ягона кўрсаткич – бу ресурслардан фойдаланиш унумдорлигидир.

Ҳозирги вақтда Ҳудудий рақобатбардошлик алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уни ҳудуднинг хорижий бозорлар талабини қондиришга мос бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматларни кўрсатиш ҳамда шу билан бирга, ўз аҳолисининг барқарор ва юқори даромадлари даражасини сақлаб туриш қобилияти сифатида баҳолаш мумкин. Кенг маънода Ҳудудий рақобатбардошлик – бу Ҳудудларнинг халқаро рақобат шароитларида аҳолининг нисбатан юқори даромадлари ва бандлиги даражасини таъминлаш имкониятларидир⁴². Бошқача айтганда, Ҳудуднинг рақобатбардош бўлишида ундаги мавжуд иш жойларининг миқдори ва сифати жуда муҳим роль ўйнайди.

Ҳудудий рақобатбардошликнинг шаклланиши борасида иккита нуқтаи назар мавжуд.

Биринчиси, Ҳудудий рақобатбардошлик маълум Ҳудуд ҳудудидаги хўжалик субъектлари (барча мулкчилик шаклидаги) рақобатбардошлигининг йиғиндиси кўринишида юзага келади. Бу шуни англатадики, Ҳудуд жойлашган ва бозор талабларига (нарх, сифат ва бошқалар бўйича) мос маҳсулот ишлаб чиқара оладиган хўжалик субъектларининг манфаатлари бутунича Ҳудуд манфаатлари (стратегияси) билан мос келади.

Ресурсларнинг юқори унумдорлиги рақобатбардошлик даражасининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади, шунинг учун унинг ошишига таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаш нисбатан яқин вақтлардан бери рақобатбардошлик стратегиясини қўллай бошлаган ҳудудлар учун ўта муҳимдир.

Бироқ ресурсларнинг унумдорлигига урғу бериш иш ҳақини мажбурий ошириш, аҳоли даромадларининг ўсиши, бозор тузилмаларининг ривожланиши каби жараёнларни ўз соясида қолдириб кетмаслиги керак. Бундан келиб чиқиб, Ҳудудий рақобатбардошликни Ҳудуд иқтисодиётининг

⁴² Шорохов В.П., Колькин Д. Н. // Проблемы прогнозирования. №1 (100), 2007 с.92-1001.

Ўз ички ресурсларини миллий ва халқаро бозорлардаги рақобат мақсадларида оптималлаштири олиши, шунингдек, бу бозорлардаги ўзгаришларга мослаштири олиш қобилияти сифатида таърифлаш мумкин.

Иккинчиси, Худудий рақобатбардошлик макроиқтисодий рақобатбардошликнинг ҳосиласи ҳисобланади. Бу вазиятда Худудий рақобатбардошликка нисбатан бир неча чекловлар амал қилади. Шунга кўра, халқаро савдони тартибга солувчи бир қатор қонунлар Худудий миқёсда амал қилмайди. Мисол учун, миллий миқёсдан фарқли ҳолда алмашув курси ва «нарх-иш ҳақи» нисбатининг ўзгаришлари ҳар доим ҳам (баъзан эса умуман) рўй беравермайди. Аксинча, ҳаракатчан омилларнинг (капитал ва меҳнатнинг) Худудлараро миграцияси Худудлар учун реал хавф бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Худуд (мамлакатникидек) рақобатбардошлигининг ривожланиши қуйидаги омиллар асосида рақобатнинг тўрт босқичи (даражаси)ни кўзда тутди: ишлаб чиқариш; инвестициялар; янгиликлар яратиш ва жорий қилиш; бойлик.

Биринчи уч босқич иқтисодий ўсишни келтириб чиқарса, тўртинчиси турғунлик ва пасайишни келтириб чиқаради.

Худуднинг рақобатдаги устунлиги қуйидаги босқичларда таъминланади:

- биринчи босқичда ишлаб чиқариш омиллари – табиий ресурслар, маҳсулот ишлаб чиқариш учун қулай шароитлар, малакали ишчи кучи мавжудлигидан фойдаланиш орқали;

- иккинчи босқичда – таълим, технологиялар, лицензиялаштиришга инвестицияларни (айниқса, миллий фирмалар томонидан) фаол йўналтириш билан;

- учинчи босқичда – маҳсулотнинг ва ишлаб чиқаришнинг янги турларини яратиш, бошқарувнинг такомиллаштирилиши, бошқа инновацияларни жорий қилиш, яъни «миллий ромб»нинг барча таркибий қисмларининг ҳаракати билан;

- тўртинчи босқичда – «Худудий ромб»нинг барча детерминантларини қўллаш билан.

Рақобатбардошликни бошқариш давлат ва Худудий органлар, мулкдорлар, менежерлар, бевосита ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар томонидан бозордаги ҳолатни рақобатдаги устунликлардан фойдаланган ҳолда мустаҳкамлаш, сотиш ҳажмини, сотишдан тушумни, даромадни, фойдани максималлаштириш мақсадларида товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, уларнинг бозордаги муомаласи ва истеъмоли жараёнларига ташкилий-кўрсатмавий, иқтисодий, ахлоқий - рухий таъсир кўрсатишдир. Рақобатдаги устунлик қаторига рақобатчиларга нисбатан товар ва хизматлар сифати ҳамда техник даражасининг юқори даражаси, паст нархдалиги, ишлаб чиқариш ва муомала харажатларининг трансакцион харажатлар (воситачилик, безаш ва шу каби келишувларни тузиш ҳамда амалга ошириш билан боғлиқ билвосита сарфлар) билан бирга камлиги кабилар киради⁴³.

Бозор иқтисодиёти шароитида Худуд худудида ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, нархи, дизайни, истеъмол харажатлари ва бошқа кўрсаткичлари бўйича ўз устунликлари ва афзалликларига эга бўлишига асосий эътиборни қаратиш лозим.

Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитларида асосий эътибор ўз фаолиятларини, асосан, сотиш бозорларини ўзлаштириш ва кенгайтиришга йўналтирган ташкилотлар, компаниялар ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган алоҳида товар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини бошқаришга қаратилади.

Республикамизда бутун хўжалик тизимининг бозор муносабатларига ўтказилиши ва корхоналар мустақиллигининг ортиши улар мақомини сезиларли равишда ўзгартириб юборди. Уларда нафақат мамлакат миллий бойлигининг асосий қисми яратилади, балки уларда замонавий кадрларнинг энг малакали қисми ҳам тўпланган бўлиб, жамият учун керакли маҳсулотлар


⁴³ Райзберг Б.А. Курс управления экономикой.-СПб.: Питер, 2003. с.287.

ишлаб чиқарилади ёки хизматлар кўрсатилади, илғор техника ва технологияларни қўллаш, ресурсларни тежамкорлик билан ишлатиш масалалари ҳал қилинади, бизнес-режалар ишлаб чиқилади, самарали бошқарув – менежмент амалга оширилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш билан биргаликда ишлаб чиқариш харажатларининг минимум даражага келтирилиши ҳам кўпинча корхоналарда ҳал қилинади. Бошқача айтганда, бозор муносабатлари шароитида иқтисодий, айниқса, ишлаб чиқариш фаолиятининг маркази иқтисодиётнинг асосий бўғини – корхоналарга кўчади. Шу сабабли ҳар бир корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш учун йўналтирилган аниқ чоратadbирлар ўз навбатида ишлаб чиқарилган маҳсулот, корхона, ҳудуд, Ҳудуд ва мамлакат рақобатбардошлигига таъсир қилади(2.1-расм.) Шундай экан, Ҳудуднинг рақобатбардошлигини ошириш учун корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш учун зарурий шарт-шароитлар яратиш зарур.

Ҳозирги вақтда жаҳон ҳўжалигида иқтисодий ўсишнинг янги тури шаклланиб, унинг моҳияти давлат ва миллий манфаатларга йўналтирилган бизнес иштирокида Ҳудуд иқтисодий ва ижтимоий рақобатбардошлигини таъминлайдиган такрор ишлаб чиқариш ва билимлардан фойдаланиш тизимини уларни инновацияларда руёбга чиқариш орқали юзага келтиришда намоён бўлади.

Ҳудуд иқтисодиёти родини ошириш муаммолари билан боғлиқ келгуси илмий изланишларнинг муҳимлиги - мамлакат учун унинг Ҳудудлари иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва ижтимоий соҳани модернизациялаш воситалари билан кишилар турмуш шароити сифатини оширишга қаратилган ўз миллий стратегиясини ишлаб чиқишни асослаш зарурати билан белгиланади.

Бунда Ҳудудлар рақобатбардошлигини ошириш масаласи - миллий ва жаҳон бозорларида мавжуд ўринларни кенгайтириш ва янгиларини топиш, шунингдек, ҳудудларда инсон, моддий ва табиий ресурсларнинг тугаб



2.1-расм.Рақобатбардошликнинг иқтисодий даражадаги модели

Манба: Муаллиф ишланмаси.


қолишига олиб келмайдиган бозор алмашувларининг самарали тузилмасини таъминлаш, истиқболда эса такрор ишлаб чиқариш имкониятларини мамлакатнинг кенг гетероген ҳудудларида мувозанатлаштириш учун шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади.

“Рақобатбардошлик” тушунчаси тизимида Ҳудуднинг умумий, иқтисодий ва стратегик рақобатбардошлигини фарқлаш лозим. Баъзи бир муаллифларнинг фикрича, Ҳудуднинг умумий рақобатбардошлиги ресурс салоҳиятининг мавжудлиги билан, шунингдек, амалга оширилиши Ҳудуднинг халқаро айирбошлашда етакчилигини таъминлайдиган ва маълум ҳудудда кишиларнинг юқори турмуш даражасига эришишларига имкон яратадиган турли хилдаги ҳудудий ривожланиш шароитларининг йиғиндиси билан тавсифланади.

Шундай экан, **Ҳудуднинг иқтисодий рақобатбардошлиги** - бу миллий ва халқаро бозорларнинг асосий талабларига жавоб бера оладиган товар (хизматларни) ишлаб чиқара олиш, хўжалик субъектлари

рақобатбардошлигининг барқарор ўсишини таъминлаш учун шароитларни ярата олиш қобилиятидир. Худуднинг стратегик рақобатбардошлиги эса – бу Худудий ривожланишдаги барча омиллардан фойдаланиш йўли билан стратегик истикболда Худуднинг умумий рақобатбардошлигига эришишдир.

Умуман олганда, Худуд рақобатбардошлигини тавсифловчи кўрсаткичлар таркибини тўртта турга бўлиб ўрганиш мумкин (2.2-расм).



2.2-расм. Худуд рақобатбардошлигини тавсифловчи кўрсаткичлар таркиби

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Худуд иқтисодиётининг стратегик рақобатбардошлиги деганда, кўзда тутилган истикболда Худуднинг халқаро айирбошлашда етакчилик позицияларини таъминлайдиган ва мазкур худудда барча турдаги капитал

мулкдорларига юқори даромадга эришишга шароит яратадиган Худуднинг асосий хоссалари тизими тушунилади. Бу тизимий сифатларга Худуднинг барқарор иқтисодий ривожланиши натижасида эришилади. Шунингдек, Худуднинг иқтисодий рақобатбардошлиги – бу унинг етакчи, лекин умумий рақобатбардошлигининг ягона бўлмаган омилидир. У кўп вариантли бўлиб, бунинг натижасида рақобатбардош Худуд устун аҳамиятга эга бўлган постиндустриал сектор мавжуд бўлган диверсификациялашган инновацион иқтисодиётга ёки олинаётган даромадларни тақсимлашда Худуд аҳолисининг реал иштироки билан ва сезиларли экспорт шароитида ўзига хос бир секторли ишлаб чиқаришга эга бўлиши керак. Умуман, инновацион йўналган Худуд устунроқ стратегик рақобатбардошликка эга бўлади. Ҳозирда Худудлар рақобатбардошлиги даражаларини ўлчаш бўйича ишлаб чиқилган услубий қоидалар икки қисмдан иборат⁴⁴:

1. Худуд рақобатбардошлигини баҳолашнинг услубий негизини асослаш;
2. Рақобатбардошлик даражасини ҳисоблаш алгоритми.

Худуд рақобатбардошлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими иқтисодий, ижтимоий, инновацион, ташқи иқтисодий ва институционал ривожланиш индикаторларининг бешта куйи тизимидан иборат бўлиб, бу индикаторлар ҳам, ўз навбатида, Худудий ривожланишга мансуб бўлган беш-олтита кўрсаткичларга эга бўлади.

Худуд рақобатбардошлигининг йиғма индексини ҳисоблаш алгоритми куйидагилардан иборат:

Худуд рақобатбардошлиги даражасига мансуб кўрсаткичлар (K_i)ни ҳисоблаш Худудий ривожланишнинг мутлақ кўрсаткичларини худди шундай ўртача мамлакат кўрсаткичларига нисбати билан амалга оширилади:

$$K_i = \frac{K_{Mi}}{K_{MVi}} \quad (2.1)$$

⁴⁴ Гуриева Л.К. Конкурентоспособность инновационно ориентированного региона // Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. М.: РАГС.2007.с.16-17.

бунда K_{mi} - Ҳудуд i кўрсаткичининг мутлақ миқдори;

$K_{m\ddot{u}i}$ - мамлакат Ҳудудлари i кўрсаткичининг ўртача миқдори.

Ҳудуд рақобатбардошлиги агрегатланган (базавий индекслар) кўрсакичлари ($I_{баз}$) ҳисоб-китоби иқтисодий, ижтимоий, инновацион, ташқи иқтисодий ва институционал ривожланиш кўрсаткичларининг ҳар бир қуйи тизими бўйича оддий ўртача арифметик миқдор сифатида амалга оширилади:

$$I_{баз} = \frac{\sum_{i=1}^n K_i}{n} \quad (2.2)$$

бунда K_i = Ҳудуд иқтисодиёти рақобатбардошлиги даражасига мансуб кўрсаткич;

n - базавий индексни ҳисоблаш учун қабул қилинган Ҳудудга мансуб кўрсаткичлар миқдори.

Ҳудуд рақобатбардошлигининг интеграл (йиғма) индекси ($I_{йиғ}$) ҳисоби ўз ичига бешта базавий – иқтисодий ($I_{иқри}$), ижтимоий ($I_{ижри}$), инновацион ($I_{иннри}$), ташқи иқтисодий ($I_{тиқри}$) ва институционал ($I_{инсри}$) ривожланиш индексларини олиб, оддий ёки мувозанатланган ўртача арифметик миқдор сифатида аниқланади:

$$I_{йиғ} = \frac{\sum_{j=1}^k I_{баз j}}{k} \quad (2.3)$$

$$\text{ёки} \quad I_{йиғ} = I_{баз j} \times r_j \quad (2.4)$$

бунда $I_{баз j} = I_{иқри}, I_{ижри}, I_{иннри}, I_{тиқри}, I_{инсри}$;

k – базавий кўрсаткичлар миқдори;

r_j – ҳар бир индексга экспертиза йўли билан бириктирилган вазн улушлари, бунда:

$$\sum_{j=1}^k r_j = 1 \quad (2.5)$$

Мамлакатдаги ҳозирги шароитда кейинчалик инновацион ривожланишга ўтиш йўли билан инвестицион ривожланишга урғу бериш мақсадга мувофиқдир. Бироқ ҳозирдан жалб этилаётган инвестицияларнинг

инновацион тўлиқлигига объектив талаб мавжуддир. Рақобатда Худуд устунлигини яратишда илмий билимлар ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ҳам Худуднинг инвестицион салоҳиятини шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш мумкинки, Худудий бошқарув органлари томонидан рақобатбардошликни ошириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда рақобатдаги устунликда худуднинг асосий хусусиятлари ва имкониятларининг қанчалик тўлиқ ҳисобга олинганлиги муҳим аҳамиятга эга. Шундай қилиб, Худудлар олдида юзага келаётган энг муҳим шартлардан бири – бу глобаллашув жараёнларини ҳисобга олган ҳолда фирмаларни жойлаштиришнинг янги мезонларини шакллантириш, шунингдек, бунга ёрдам берувчи Худудий ривожланиш омиллари йиғимининг аниқ тасаввур қилинишидир.

Худуд худудларини ривожлантириш масалаларини ечиш иқтисодий бирлик сифатида нафақат тармоқ, балки барча мавжуд ресурслар мажмуасини ҳисобга оладиган худудий устуворликларга асосланиши лозим. Шунингдек, Худуднинг рақобатбардошлик устуворликларини шакллантирувчи омиллар таркибини (2.3-расм) аниқлаш зарур.

Бугунги кунда хорижий олимлар Худуднинг рақобатбардошлигини белгилайдиган қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатадилар⁴⁵:

- ишчи кучининг сифати (маълумот ва малака даражаси), берилган категориядаги ишловчиларга иш топиш имконини берадиган ривожланган меҳнат бозори;

- янги технологиялар ва ИТТКИ ларни яратиш, ахборот алмашишга имкон берадиган тадқиқот марказларининг мавжудлиги;

- қулай бизнес муҳити (паст солиқ ставкалари ва маҳаллий ҳокимиятнинг молиявий ёрдамлари мавжудлиги, бизнес хизматлари

⁴⁵ Точицкая И.З. Показатели конкурентоспособности регионов// “Белорусский экономический журнал”. 2003. № 3. с.17.

объектларини яратиш, маҳаллий маъмурият ҳаракатларининг олдиндан маълумлиги ва унинг ҳудудни юқори сифат билан бошқариши);



2.3-расм. Ҳудуднинг рақобатбардошлик устуворликларини шакллантирувчи омиллар таркиби

Манба: Муаллиф ишланмаси.

- ҳудудда саноат инфратузилмасининг сарфларини камайтириш, ахборот узатилишини енгиллатишга ёрдам берадиган вертикал алоқаларнинг яхши ривожланган тармоғи билан саноат кластерларининг яратилиши;

- транспорт, ахборот ва инфратузилманинг ривожланганлиги, аэропортларнинг яқинлиги, молиявий хизматларнинг ривожланганлиги ва шу кабилар;

- ҳаёт фаолиятининг қулай шароитлари (хизмат ва коммуникация соҳаларининг ривожланганлиги, дам олиш имкониятлари ва шу кабилар) ва юқори экологик стандартлар.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бозор шароитида Ҳудуд иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлашда фақат бозор иқтисодиётининг барча омиллари ва Ҳудуднинг ўзига хос хусусий омиллари ҳамда имкониятларини эътиборга олган ҳолда иқтисодий сиёсатни амалга оширишгина ўзининг ижобий натижасини бериши мумкин.

Мамлакат иқтисодиёти ва унинг хўжалик субъектлари рақобатбардошлиги кўпинча уларнинг инновацияларни қабул қила олиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Кичик ҳажмларда техник жиҳатдан мукаммал маҳсулот ёки жорий этилаётган технология етарлича самара бермаслиги мумкин, чунки уларни яратиш учун сарфланган харажатлар янги билимлар, янги маҳсулотлар ва технологиялар билан яратилган маҳсулот чиқаришнинг оптимал миқдорига эмас, балки кичик ҳажмдаги ишлаб чиқаришга мўлжаллангандир.

Ҳозирги шароитларда давлат иқтисодий сиёсатининг барча бўғинларида инновацияларни рағбатлантириш, ИТТКИ учун қулай шароитларни яратиш ва мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техник ва ташқи иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларида янгиликларни татбиқ этиш йўли билан рақобатбардошликни оширишдаги роли кучайди. Бу эса, ўз навбатида, товар ишлаб чиқарувчиларга фискаль юкнинг камайтирилиши, инновацион жараёнларни қўллаб-қувватлаш учун давлат маблағларининг оптимал равишда оширилишини талаб қилади.

Жаҳон иқтисодиётида рақобатбардошликнинг юқори даражалари энг аввало, юқори технологияларда буюмларни ишлаб чиқариш, яратиш ва тижорат нуқтаи назаридан ўзлаштиришда етакчилик қилувчи йирик миллий, трансмиллий ва кўп миллатли компанияларга хосдир.

Ҳозирда Ўзбекистонда мамлакат рақобатбардошлигини оширишга мўлжалланган инновацион тизим ўзининг шаклланиш босқичидадир. Мамлакатда инновацион фаолиятнинг ривожланишига мамлакат Президентининг 2006 йил 7 августдаги «Фан ва технологияларни ривожлантиришни бошқариш ва тартибга солишни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори катта туртки берди. Агар 2006 йилда инновацион дастурларни амалга ошириш учун 17 млрд. сўм сарфланган бўлса, 2007 йилда 23 млрд. сўм атрофида сарфланиши кутилган⁴⁶. Уларнинг ўзлаштирилиши нафақат илмий - техник маҳсулотнинг

⁴⁶ Махмудов Э. Время новаций и бизнеса. //Деловой партнер.uz №41(706) 2007. 11-17 октября.

яратилишига, балки унинг муваффақиятли амалга оширилиши, яъни унинг амалий жиҳатдан талаб этилишига ҳам ёрдам бериши керак. Фақат мана шу вазиятдагина инновациялар илмий - техник ишланмаларнинг бошқа турлари каби самарали ва фаннинг ўзи учун, жамият учун фойдали бўлиши мумкин. Мамлакат ҳудудларида технопарклар, технологик марказлар, технополислар ва шу кабиларни яратиш лозим. Ҳозирда бундай объектлар сони жуда камдир. Тўғри, уларнинг иш фаолияти натижалари ҳозирда унчалик сезилмайди. Бу вазиятнинг энг муҳим сабабларидан бири – бу мамлакатдаги йирик бизнеснинг маҳаллий инновацияларга бўлган талабининг камлигидадир. Бундай шароитларда, бизнинг фикримизча, олимлар ва муҳандисларнинг, кичик, ўрта ва айниқса, венчур (қўшма) корхоналарнинг инновацион салоҳиятидан давлат кўмагида фаол фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Маҳаллий товарлар ва хизматларнинг халқаро рақобатбардошлигини ошириш муаммоларини ечишга мамлакатда техник тартибга солишни ислоҳ қилиш ҳам тўғридан-тўғри тегишлидир. Ўз маъносига кўра у маҳсулот ишлаб чиқариш сифатининг янги стандартларига ва хизматлар соҳасини модернизациялашга ўтишни билдиради.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, касбий таълим сифатини ошириш – бутун иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омилдир. XX асрнинг асосан иккинчи ярмидаги тажрибаларнинг кўрсатишича, дунёнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида аҳоли таълими, илм-фан, соғлиқни сақлаш тизими, маданият ва маънавият даражаси юқори бўлган мамлакатлар жаҳон иқтисодиётида етакчи ўринларни эгаллашади. Бу салоҳиятнинг кўпайтирилиши жамиятдан катта ресурслар, харажатлар, ва куч-қувватни талаб қилади. Лекин бусиз халқаро иқтисодий, илмий-техник, технологик ва бошқа ўзаро алоқаларда рақобатбардошлик асосида қатнашишга, ўзини ўзи ривожлантиришга қодир бўлган мустақил, давлатнинг, инновацион жамиятнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Мамлакатлардаги энг рақобатбардош тармоқларга тармоқ бўйича профессионал тайёргарликка ва махсус маълумотга эга бўлган

персоналлардан фойдаланишга асосланиш эвазига ривожланиши кучли бўлган ва бўлиб қолаётган тармоқлар киради. Бундай мамлакатлар қаторига АҚШ, Буюк Британия, Германия, Скандинавия давлатлари, Япония, Жанубий Корея ва бошқа кўплаб давлатларни киритиш мумкин. Давлат таълим стандартларининг юқори даражаси, тадқиқотчилар ва ўқитувчилар обрўсининг ошиши, профессионал - техник тайёргарликнинг такомиллаштирилиши, янги кадрлар ва шаклланган кадрларни профессионал-техник жиҳатдан ўқитиш ва қайта тайёрлашга миллий корпорацияларни жалб қилиш қулай инновацион шароитларни яратади.

Халқаро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардош ривожланиш моделининг асосий устун омилларидан бири – бу унинг меҳнат ресурслари ҳисобланади.

Шундай қилиб, барча корхоналар ва бутун иқтисодиётнинг самарали ишлаши, шу жумладан, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун фанда ва амалиётда маълум бўлган барча ишлаб чиқариш, моддий, хом-ашё, кадрлар салоҳияти, инвестициялар, кенг ахборот базалари, ташаббускорлик, тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа шу кабилар ҳаракатга келтирилиши керак. Мазкур омилларнинг оқилона ишлатилиши нафақат корхоналарнинг, балки бутун иқтисодиётнинг самарали амал қилишини таъминлайди.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Бозор шароитида давлатнинг асосий вазифаларидан бири - бу турли мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларни ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва рақобат муҳитининг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратишдан иборат. Ижро ҳокимиятининг функциялари, тузилмалари ва механизмларини бозор талабларига мос равишда оптималлаштириш зарур.

Маҳаллий давлат бошқарув органлари фаолиятида ҳамон бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари устуворлик қилиши натижасида уларнинг амалдаги бошқарув тизими замонавий ривожланиш талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Мавжуд бошқарув тузилмалари, функциялар ва амалиётдаги баъзи бир ҳолатлар маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнларига ҳамишяам мутаносиб равишда амалга оширилмаслиги оқибатида хўжалик юритиш фаолиятида трансакцион харажатларнинг ошишига, хусусий инвестицияларнинг қисқаришига, хуфиёна иқтисодиётнинг кенгайишига, давлат ҳамда маҳаллий бюджетларга келиб тушадиган маблағлар ҳажмининг қисқаришиг сабаб бўлмоқда.

Номарказлаштириш ва маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш бу динамик жараён бўлиб давлат бошқаруви тизимини доимий такомиллаштиришни, Худудларда маъмурий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий йўналишларини белгилаб туришни ўз ичига олади.

Давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишда бозор иқтисодиёти самарадорлигига ёрдам берувчи тартибга солишнинг турли маъмурий ва иқтисодий усулларида биргаликда ва ўзаро мослаштирилган ҳолда фойдаланиши зарур бўлади. Давлат бозор институтларини шакллантириб ва тўғридан-тўғри аралашини чеклай туриб, хусусий бизнесни рағбатлантира олиши, унинг рақобатбардошлигини ошириши ва реал сарфларни камайтира олиши мумкин. Бунинг устига ўтиш иқтисодиётида давлатнинг вазифаси нафақат мавжуд институтларни қўллаб-қувватлашдан, балки янгиларини ҳам тузиш, шунингдек, ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш ва турли хил тармоқлар ва бутун Худудлар учун шароитларнинг тенглаштирилишини таъминлашдан ҳам иборат бўлади.

Бозор шароитида Худуд иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлашда фақат бозор иқтисодиётининг барча омиллари ва Худуднинг ўзига хос хусусий омилларини тўлиқ эътиборга олган ҳолдагина иқтисодий сиёсатни амалга ошириш ўзининг ижобий натижасини бериши мумкин.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий, айниқса, ишлаб чиқариш фаолиятининг маркази иқтисодиётнинг асосий бўғини – корхоналарга кўчади.

Шу сабабли ҳар бир корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш учун йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар ўз навбатида ишлаб чиқарилган маҳсулот, корхона, ҳудуд, Ҳудуд ва мамлакат рақобатбардошлигига таъсир қилади. Барча корхоналарнинг самарали ишлаши, шу жумладан, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун фанда ва амалиётда маълум бўлган барча ишлаб чиқариш, моддий, хом-ашё, кадрлар салоҳияти, инвестициялар, кенг ахборот базалари, ташаббускорлик, тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа шу кабилар ҳаракатга келтирилиши керак.

Мазкур омилларнинг оқилона ишлатилиши нафақат корхоналарнинг, балки Ҳудуд ва бутун миллий иқтисодиётнинг самарали амал қилишини таъминлайди.

3 БОБ. ХУДУД ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИНГ ТАҲЛИЛИ

3.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таҳлили

Худудий иқтисодий сиёсат республика даражасида олиб борилаётган концептуал сиёсатдан келиб чиққан ҳолда ва уларда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобига худудларнинг узок муддатли ривожланишига йўналтирилган бўлиши лозим.

Бу, аввало, иқтисодий тизимлар ҳолатининг миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўзгаришидаги иқтисодий ўсишни белгиловчи жараёнларда ҳаракатланувчи кучларни аниқлашни талаб этади. Ҳар бир Худудга тааллуқли бўлган иқтисодий ўсиш омилларини ажратиш ва аниқлаш узок муддатли иқтисодий ўсиш стратегияси вариантлари ва уларнинг самарадорлигини аниқлашнинг имконини беради. Бу, ўз навбатида, Худудларнинг туркумланиши, ривожланиш йўналишлари ва уларни ажратиш мезонларига илмий ёндашишнинг заруриятини келтириб чиқаради.

Худудий иқтисодий самарали бошқаришнинг амалга оширишда турли Худудларнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда дифференциал ёндашиш зарурияти бу худуднинг мавжуд салоҳиятидан юқори даражада фойдаланишнинг имконини беради.

Худудий иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий ва анъанавий усулларида бири эришилган даражани, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш йўналишлари, конкрет Худуднинг ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришни таҳлил қилишдан иборат бўлиб, табиий-ресурсларни, ижтимоий, иқтисодий ва илмий-техник салоҳиятни, шунингдек Худудий миқёсда геосиёсий вазиятни баҳолаш Худудий ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш ва жойлаштирилиш хусусиятларини инобатга олишнинг имконини беради.

Мамлакат миқёсида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг дифференциаллашган сиёсатини ишлаб чиқиш ва унинг у ёки бу Худудларда самарали амалга оширилиши учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш зарур. Худудлараро тафовутлар нуқтаи назаридан асосий ҳолатлар сифатида қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин: иқтисодий-географик ҳолат; табиий-иқлим шароитлари; демографик вазият; хўжалик тармоқларининг тузилмаси ва ихтисослашиши; молиявий таъминланганлик.

Мамлакатимизда олиб борилган туб иқтисодий ислохотлар саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, асосий капиталга инвестициялар киритиш, нисбатан юқори суръатлар билан ўсиши мамлакатимизда ЯИМ барқарорлигини таъминлади.

Ушбу ижобий макроиқтисодий ўсиш ўтган йиллар давомида мамлакатимизда қабул қилинган иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари ва иқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришнинг асосий мақсадли дастурларининг муваффақиятли амалга оширилаётгани натижаси ҳисобланади.

Ўтган йилларда иқтисодий ўсишни таъминловчи омиллар қуйидагилар бўлди: тадбиркорлик муҳитининг яхшиланиши; аҳоли даромадларининг ўсиши; қулай инвестиция муҳити хўжалик субъектлари ва аҳолининг юқори инвестиция фаолликларига имкон яратилиши; аниқ йўналтирилган ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш орқали ташқи савдо оборотининг ўсиши таъминланиши; товар ва капитал бозорларининг самарали фаолият юритишларини таъминловчи бозор инфратузилмаларини янада ривожлантирилиши⁴⁷.

Бундан ташқари мамлакатимизда пул-кредит ва солиқ-бюджет соҳаларида самарали ва мутаносиб сиёсат олиб борилганлиги ҳам ўтган

⁴⁷ Беркинов Б. Макроиқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш омиллари/ «Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истикболлари». Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами.-Тошкент, ТДИУ,-2008.-Б.9.

йилларда иқтисодий ўсишнинг тезлашишига имконият яратди. Олиб борилаётган қатъий пул-кредит сиёсати ва пул массасини ўсишнинг назорат қилиниши инфляция суръатини 2007 йил бўйича 6,8 фоизгача пасайишини таъминлади.

Мамлакатимизда ЯИМ нинг ўсишида иқтисодиёт тармоқларида яратилган қўшимча қийматлар асосий омил ҳисобланади. Ўтган 2007 йилда саноатнинг ЯИМнинг ўсишига қўшган ҳиссаси 1,6 фоиз, қишлоқ хўжалиги 1,4 фоиз, қурилиш 0,7 фоиз, транспорт ва алоқа тармоқлари 1,6 фоиз, савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари 1,8 фоиз, бошқа хизмат соҳалари 1,7 фоизни ташкил этган.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, миллий иқтисодиёт ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини оширишда саноат ишлаб чиқариши қишлоқ хўжалиги тармоғи билан бир қаторда мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис саноат тармоқларини ривожлантиришга мустақилликнинг дастлабки йилларидан катта эътибор қаратиб келинган ва бу соҳада ижобий ютуқларга эришилган. Амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар натижасида макроиқтисодий барқарорлик таъминланиб ялпи ички маҳсулот ўсишида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Ялпи ички маҳсулот яратишда мамлакатимиз ҳудудлари муҳим роль ўйнайди. 2000-2007 йилларда ишлаб чиқарилган ЯИМ да ҳудудлар салмоғи доимий ўзгариб туриши кузатилмоқда. Кейинги 2 йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм вилоятларининг ЯИМ даги салмоғида муайян ўзгаришлар юз берган.

Бу ўзгаришлар саноати ривожланган Тошкент, Фарғона, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг ЯИМ даги салмоғи ўсиши билан изоҳланади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу Ҳудудларда ЯИМ

салмоғи бошқа вилоятларга нисбатан анча юқори суръатларда ўсиш тенденцияси кузатилди⁴⁸.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, барча ҳудудларда аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ) ишлаб чиқариш кўпайган. Бу ҳудудларда саноат маҳсулотлари, халқ истеъмол товарлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш бирмунча ошиши ҳисобига юз бермоқда.

3.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2000-2007 йиллардаги макроиктисодий кўрсаткичлари (амалдаги нархларда, млрд. сўм).

Кўрсаткич	Йиллар								2007 й.да 2006 й.га нисбатан %,да (на рх индекси билан)
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	
Ялпи ички маҳсулот	3194,5	4868,4	7450,2	9837,8	12189,5	15210,4	20759,3	28186,2	109,5
Саноат маҳсулотлари ҳажми	1908,6	2884,5	4494,0	6127,5	8074,8	10913,4	14521,1	18314,7	112,1
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	912,4	1329,1	1821,0	2094,8	4764,7	2945,1	4069,7	5312,4	118,8
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	1396,1	2086,8	3255,3	4094,2	4732	5395,5	7314,0	8988,9	106,1
Асосий капиталга инвестициялар	696,3	1194,2	1526,6	1927,1	2473,2	3012,9	3838,3	5479,7	122,9
Қурилиш ишлари	372,4	544,4	731,0	831,1	1067,9	1377,5	1843,4	2593,2	115,7
Чакана товар обороти	1789,4	2697,0	3786,3	4289,7	4764,7	5736,8	7460,8	9464,0	121,0
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	305,4	471,2	711,4	948,4	1226,6	1609,7	2180,6	3053,0	120,6
Ташқи савдо обороти, АҚШ млн. долл.	6212,1	6401,8	5700,4	6689,2	8669,0	9500,1	10785,7	14227,1	127,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллардаги маълумотлари.

3.1-жадвалдаги маълумотларга кўра, 2007 йилда 2006 йилга нисбатан асосий макроиктисодий кўрсаткичлар бўйича ижобий натижаларга эришилган. Масалан, ЯИМ бу давр мобайнида 9,5 фоизга саноат маҳсулотлари ҳажми – 12,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – 6,1 фоизга ва асосий капиталга инвестициялар эса – 22,9 фоизга ва ҳ.к.га ошган.

⁴⁸ Беркинов Б. Макроиктисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш омиллари/ «Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истикболлари». Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами.-Тошкент, ТДИУ,-2008.-Б.10.

Лекин, кўриб чиқиладиган давр мобайнида ЯХМнинг Худудлар бўйича ўртача ўсиш даражаси бутун республика ЯИМга нисбатан бир - биридан анча фарқ қилади. Агарда, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳри бўйича ўсиш мамлакат даражасидан юқори бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида анча паст(3.2-жадвал).

3.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотининг ва унинг
Худудлари бўйича ялпи ҳудудий маҳсулотлар ўсиш суръатлари**
(ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)

	1996	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007
Ўзбекистон Республикаси	101,7	103,8	104,2	104,0	104,2	107,4	107,0	107,3	109,5
Қорақалпоғистон Республикаси	95,6	89,7	98,3	100,9	107,5	105,0	106,9	106,3	108,6
Андижон	109,7	102,8	108,9	102,9	101,9	104,6	110,2	108,0	110,9
Бухоро	101,8	104,2	103,5	102,0	101,9	107,3	109,9	105,6	109,3
Жиззах	89,3	104,2	106,5	110,0	110,2	108,6	108,3	107,0	108,1
Қашқадарё	101,0	99,0	105,0	109,4	105,7	102,5	108,0	106,8	109,8
Навоий	92,8	103,2	101,4	104,7	101,9	106,3	102,2	106,3	106,3
Наманган	95,3	108,0	104,5	103,2	103,7	106,5	107,0	107,7	109,5
Самарқанд	99,0	104,6	103,5	107,9	106,9	105,4	106,1	108,9	110,5
Сурхондарё	98,9	105,5	108,0	103,7	103,8	105,7	105,5	108,6	107,0
Сирдарё	97,4	102,6	102,9	97,5	102,4	107,8	111,1	106,3	106,5
Тошкент	94,9	110,9	104,2	103,4	103,0	109,4	103,8	108,2	108,0
Фарғона	97,7	106,1	99,5	104,8	101,9	103,9	106,5	105,1	107,9
Хоразм	106,6	94,8	103,0	103,6	103,9	113,3	103,4	106,0	107,9
Тошкент ш.	106,8	104,5	104,3	101,5	104,0	106,2	106,6	108,9	114,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Худудлар иқтисодиётидаги таркибий сиёсатнинг устувор йўналишлари, авваламбор, юқори технологиялар соҳасидаги илмий - техник тараққиётга қўшилиш, ишлаб чиқариш инфратузилмаларини янгилаш ҳисобланади.

Бозор шароитида Худудий бошқарув органлари турли хил мулкчилик шаклларидаги корхоналарни ривожлантириш бўйича устувор йўналишларни шакллантиришда янада фаолроқ қатнашиши зарур.

Бунда фаолият асосини асосан аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги тармоқларни ривожлантириш ташкил этиши лозим бўлади. Айниқса, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни амалга оширишда улар томонидан ўтказилган бозор ўзгаришлари натижасида ўз маҳсулотига реал тўловга қобилиятли талабга эга бўлган корхоналар томонидан қўллаб - қувватланиши жуда муҳим ҳисобланади. Бу борада ривожланишнинг инновацион турини қўллаб-қувватлаш ва бозорларда рақобатбардошликни тўғри йўлга қўйиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Худудларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (биринчи навбатда, саноатнинг қайта ишлаш соҳаларида) сифатини ошириш жараёнида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган техник талабаларни ошириш ва стандартларни такомиллаштиришга, истеъмолчи ҳавфсизлиги, экологик ҳавфсизлик, энергосиғимга асосий эътиборни қаратиш зарур.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, саноат тармоқларида 2001-2007 йилларда ўсиш иқтисодиётнинг умумий ривожланиш суръатларидан тезроқ бўлган. Агар 2001 йилда республика иқтисодиётининг умумий ривожланиш (таққослама нархларда) суръати (ЯИМ) 104,2 фоиз бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2007 йилга келиб 152 фоизни ташкил этган. Шу даврда саноат ишлаб чиқариши 107,6 фоиздан 173,8 фоизгача ўсган⁴⁹. Бу мамлакатимизда олиб борилаётган саноат сиёсати ва уни амалга ошириш йўллари ҳар томонлама асосланганлигини кўрсатади.

Шу билан бир вақтда мустақиллик йилларида саноат тармоқларида муҳим таркибий ўзгаришлар ҳам юз берди. Агар 2000 йилда ёқилғи-энергетика комплекси улушига саноат ишлаб чиқаришининг 23,8 фоизи тўғри келган бўлса, ушбу кўрсаткич 2007 йилда 25,5 фоизга тенг бўлган. Шу

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

даврда рангли металлургия улуши 10,2 фоиздан 17 фоизгача, машинасозлик тармоғининг улуши 9,8 фоиздан 15,9 фоизга ошган, енгил саноат, озиқ-овқат ва бошқа тармоқлар улуши эса умумий саноат ишлаб чиқаришида пасайган. Ушбу тармоқлардаги пасайиш нисбий характерга эга бўлиб, уларда ишлаб чиқариш хажмларининг ўсиши кузатилади.

Ўтган 2000-2007 йилларда республикада амалга оширилган чоратадбирлар туфайли ҳудудларда саноат ишлаб чиқариш таркибида ҳам ўзгаришлар юз берди. Андижон вилояти 2000 йилда саноат ишлаб чиқаришда 8,1 фоиз улушга эга бўлган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 11,7 фоизни ташкил этди. Шу даврда ушбу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 8,3 фоиздан 12 фоизгача, Навоий вилоятида 10 фоиздан 13,5 фоизга, Тошкент вилоятида 13,1 фоиздан 16,1 фоизгача кўтарилган. Булар ушбу ҳудудлар саноати ривожланишида кескин ижобий ўзгаришлар бўлганлигидан далолат беради. Шу билан бирга Бухоро, Наманган, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрининг умумий ҳудудий саноат ишлаб чиқаришдаги улушлари бирмунча пасайган. Бундай ҳолат бошқа вилоятларнинг республика саноат ишлаб чиқаришга қўшган ҳиссаларининг кўпайиши билан изоҳланади.

Республика Ҳудудлари орасида ўзининг иқтисодиётни бошқариш тизими, табиий-иқлимий шароитлари билан ажралиб турувчи Қорақалпоғистон Республикасида замонавий саноат тармоғини қайта куриш ишлари секин-аста йўлга қўйилаётганлигига қарамасдан унинг ривожланиши талаб даражасида эмас. Масалан, 2000 йилда саноат тармоғининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 9,4 фоиз (мамлакат бўйича 13,8 фоиз)ни ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб, у 8,3 фоиз (мамлакат бўйича 24 фоиз)ни ёки 2000 йилдагига нисбатан 88,3 фоизга етди. Қурилиш тармоғининг ЯҲМдаги улуши 2000 йилда 12,8 фоиз (мамлакат бўйича 6,1 фоиз)ни ташкил этган бўлса, 2007 йилда 8,1 фоиз(мамлакат бўйича 5,5 фоиз)ни, ёки бўлмаса 2000 йилдагига нисбатан 4,7 фоиз(мамлакат бўйича 0,6 фоиз)га камайган. 2007 йилда қишлоқ хўжалиги тармоғининг улуши 5,9

3.3-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулотининг тармоқлар бўйича таркиби

Кўрсаткичлар	Ўл. бир.	Йиллар								2007 йилнинг 2000 йилга ўзгариши	
		2000		2003		2005		2007			
		ЎзР.	ҚР.	ЎзР.	ҚР	ЎзР	ҚР.	ЎзР	ҚР.	ЎзР.	ҚР.
ЯХМ, жами, жорий нархларда	млрд. сўм	3255,6	109,3	9844,0	323,3	15923,4	523,5	28186,2	754,3	8,6 марта	6,9 марта
ЯИМда Қорақалпоғистон ЯХМнинг улуши	фоиз	100	3,4	100	3,3	100	3,3	100	2,7	-	-0,7
ЯИМ ва ЯХМнинг олдинги йилдагига нисбатан ўсиши*	фоиз	103,8	89,7	104,2	107,5	107	106,9	109,5	108,3	152,5**	137,8**
ЯИМ ва ЯХМдаги улуши::	фоиз	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	-	-
жумладан: Саноат	фоиз	14	9,4	15,8	9,1	20,7	7,6	24,0	8,3	10,0	-1,1
Қишлоқ хўжалиги	фоиз	30,4	21,2	28,6	32,3	25,0	31,2	21,7	27,1	- 8,7	5,9
Қурилиш	фоиз	6,1	12,8	4,5	12,7	4,9	7,4	5,5	8,1	- 0,6	-4,7
Хизмат кўрсатиш соҳаси, шундан:	фоиз	37,0	47,9	37,4	39	38,4	49,1	39,3	52,3	2,3	4,4
савдо	фоиз	9,5	7,4	9,4	9,5	9,2	5,3	9,4	6,1	- 0,1	-1,3
транспорт ва алоқа	фоиз	8,1	13,1	9,4	28,4	11,3	7,5	11,1	6,1	3	-7
бошқа хизмат кўрсатиш тармоқлар	фоиз	19,4	27,4	18,6	1,1	17,9	36,3	18,8	40,1	- 0,6	12,7
Соф солиқлар	фоиз	12,5	8,7	13,7	6,9	11,0	4,7	9,5	4,2	-3,0	-4,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

Изоҳ:* ўтган даврга нисбатан ўсиш суръатлари таққослама нархларда фоиз ҳисобида, **(2000=100 %)

фоизга (мамлакат бўйича 8,7 фоизга камайган) бошқа тармоқларники эса 12,7 фоизга (мамлакат бўйича -0,6 фоизга камайган) ошган.

Мамлакат ЯИМда Худуднинг улуши агарда 2000 йилда 3,4 фоизга тенг бўлган бўлса, 2007 йилда у 0,7 фоизга камайиб 2,7 фоизга тенг бўлган. ЯХМнинг 2000–2007 йиллар мобайнидаги умумий ўсиши 37,8 фоизга тенг бўлиб, бутун мамлакат бўйича ЯИМ ўсишидан 14,7 фоизга камдир (3.3-жадвал).

Таҳлилларнинг кўрсатишича, охириги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётида ижобий ўзгаришлар рўй берган. Лекин, ялпи худудий маҳсулот ўсишига нисбатан иқтисодиёт тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ўсиш даражаси кўрсаткичлари бир-биридан анча фарқ қилади. Масалан, 2000–2007 йиллар давомида саноат 63,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги 56,3 фоизга, инвестиция 3,3 мартага, ташқи савдо айланмаси 67,3 фоизга ортган. Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш суръатлари даражаси нисбатан пастроқ. Бу борада асосан хизмат кўрсатиш соҳаларида сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилган.

Худудий таркибий сиёсатни қисқа ва узоқ муддатли истиқболга ишлаб чиқишда ялпи худудий маҳсулот шаклланишида асосий ҳисобланувчи реал секторлар самарали фаолият юритишига ва таркибий ўзгаришлар тезлашишига таъсир этувчи барча омилларнинг ўсиш захиралари ва манбаларини, шу жумладан, ички ва ташқи омилларни чуқур ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Худудда ЯХМни ишлаб чиқариш динамикасини таҳлил қиладиган бўлсак, 1991 йилга нисбатан ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, 2007 йилда 157,5 фоизга, нодавлат секторининг ялпи худудий маҳсулотни яратишдаги ҳиссаси 97,8 фоизга тенг бўлган(4- илова).

Саноатни қайта ташкил этиш корхоналарнинг бозор иқтисодиёти талабларига мослашувчанлигини ошириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни назарда тутди. Иқтисодий инқироз шароитида саноатнинг аксарият соҳаларида оммавий ва йирик серияли характердаги ишлаб чиқариш етарли даражада рентабел ҳисобланмайди. Шунинг учун

кичик корхоналар сонини турли хил фаолият соҳаларида кўпайтириш билан бирга ишлаб чиқаришни ривожлантириш сиёсатини олиб бориш зарур.

Маълумки, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёти, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга асосланганлиги сабабли ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибида қишлоқ хўжалиги асосий ўринни эгаллайди. Ҳудудда мустақиллик йиллари мобайнида мазкур тармоқда сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Буни 1996 йилда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жорий нархларда 9,6 млрд. сўмдан 2007 йилга келиб 301,4 млрд.сўмга ёки бўлмаса, 2006 йилга нисбатан таққослама нархларда 3,1 фоизга ортганлигини кўриш мумкин(5-илова). Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, Ҳудуд қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги мамлакат ўртача кўрсаткичларидан анча даражада паст(6-илова) бўлиб бунинг ўзига яраша объектив сабаблари(ернинг ҳаддан ташқари шўрланганлиги, сув танқислиги, экологик ҳолат ва ҳ.к.лар) ҳам мавжуд.

Лекин ҳозирча Ҳудудда қишлоқ хўжалиги имкониятларидан тўла фойдаланилмаяпти. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, уларни тайёр саноат маҳсулотларига айлантириш муаммолари ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди. Ҳудудда чорвачилик(қорамолчилик, қўйчилик, йилқичилик, қорақўлчилик ва жун етиштириш ва ҳ.к.лар)ни ривожлантириш борасида катта имкониятлар мавжуд. Буларнинг ижобий ҳал этилиши келажакда Ҳудуднинг гўшт ва жун маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш, саноат маҳсулотларини кўпайтириш орқали экспорт салоҳиятини ошириши мумкин. Бунинг учун фикримизча, Ҳудудга инвестицияларни, хусусан, капиталга киритиладиган инвестицияларни кўпайтириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини кучайтириш, мулкчиликнинг барча турлари учун кенг имкониятлар ва уларни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг рағбатлантириш механизмларини яратиш, мулкни ҳақиқий эгасига топшириш керак бўлади.

Бундан ташқари олиб борилган таҳлилларнинг кўрсатишича, республика Ҳудудларидаги иқтисодий сиёсат иқтисодиёт ривожланишининг анъанавий

тармоқларининг хусусиятлари ва хом ашё билан таъминланганлигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим. Тармоқларни тақсимлаш ва уларнинг устуворликларини аниқлаш масаласи Ҳудудларда ўзаро бир-бирини кетма-кет алмаштирувчи ишлаб чиқаришни саралаш ва Ҳудуд хўжалигининг комплекс ва махсус ривожланишини асослаш йўли орқали аниқланади. Шу сабабли ҳар бир Ҳудудда бир мунча тежамли бўлган тармоқларни ривожлантириш масаласига катта эътибор бериш лозим бўлиб, бунда нафақат айрим тармоқлар учун, балки кўпгина тармоқларга маъқул бўлган ҳолда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, Ҳудудларнинг ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишни амалга оширишда амалда республиканинг алоҳида Ҳудуд-субъектлари даражасида уларнинг ўзига хос шарт-шароитлари ҳамда бозор муносабатларига ўтиш билан пайдо бўлган муаммоларини ҳисобга олган ҳолда, асосан, иқтисодиётнинг реал тармоқларини ривожлантиришга асосий эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Республика Ҳудудларида 1991-2007 йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ва Ҳудудий таркибининг ўзгариш динамикаси таҳлилининг кўрсатишича, агарда Навоий вилоятининг республика саноатидаги улуши 1991 йилда 23,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йилда 13 фоизга тенг бўлган. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 1996 йилда саноатнинг ўсиш суръати 1991 йилга нисбатан 89,4 фоизга тенг бўлган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 150,2 фоизга тенг бўлишига қарамай бутун республикадаги улуши 1996 йилдаги 3,4 фоиздан 1,2 фоизга тушган(3.4-жадвал).

Ҳудудда ЯҲМ ва саноат тармоқларидаги ўсиш суръатлари умумреспублика ЯИМ ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатларидан анча орқада(3.1 ва 3.2-расмлар).


Таҳлиллар шуни кўрсатадики, саноат тармоқларида 1996-2007 йилларда ўсиши иқтисодиётнинг умумий ривожланиши суръатларидан тезроқ бўлган.

3.4-жадвал

**Республика Худудларида 1991-2007 йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш
суръатлари ва Худудий таркибининг ўзгариш динамикаси***

Худудлар	Саноатнинг ўсиш суръатлари, %да					Республика саноатида Худудлар улуши, %да				
	1996 й. 1991 й.га нисбатан	2000 й. 1996 й.га нисбатан	2004 й. 2000 й.га нисбатан	2007й. 2004 й.га нисбатан	2007й. 1991 й.га нисбатан	1991 й	1996 й.	2000 й.	2004 й.	2007 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	89,4	103,2	118,4	137,4	150,2	2,0	3,4	1,6	1,4	1,2
Вилоятлар :										
Андижон	137,5	106,6	222,3	199,4	649,6	5,0	4,8	6,6	10,3	11,7
Бухоро	150,1	179,3	127,1	111,3	381,1	2,9	4,2	6,7	6,1	4,3
Жиззах	119,5	139,1	203,7	160,7	543,9	0,8	1,2	1,2	1,7	1,3
Қашқадарё	142,5	124,9	147,9	123,5	325,05	6,4	10,2	10,0	10,6	12,3
Навоий	88,1	105,1	112,2	100,6	104,6	23,6	10,6	19,1	15,4	13,0
Наманган	106,2	122,5	167,3	133,1	289,7	2,2	3,5	2,5	3,0	1,8
Самарқанд	83,7	103,8	143,7	167,2	208,5	5,2	3,7	3,9	4,0	3,7
Сурхондарё	112,8	99,6	133,2	125,6	188,0	2,6	2,5	2,5	2,4	1,6
Сирдарё	88,1	117,3	133,9	128,7	178,2	1,3	4,8	1,2	1,2	1,05
Тошкент	75,7	123,5	139,3	122,8	160,0	21,2	18,1	17,4	17,3	15,2
Фарғона	93,1	97,9	122,0	122,5	136,3	15,8	15,7	12,6	11,0	10,1
Хоразм	146,3	134,3	107,4	154,2	325,4	1,5	3,4	2,5	1,9	1,6
Тошкент ш.	116,0	126,1	155,6	175,4	399,2	9,4	13,7	12,1	13,5	12,04


* Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари



3.1-расм. Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулоти ва саноат маҳсулотларининг ўзгариш динамикаси (2000й = 100%)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

3.1 ва 3.2-расмларда келтирилган кўрсаткичларни таҳлил этадиган бўлсак, бутун республика бўйича 2007 йилда 1996 йилга нисбатан, яъни ўтган 11 йил мобайнида ЯИМ 81,2 фоизга ва саноат маҳсулотларининг ўзгариши 121,3 фоизга ошган бўлса, мазкур кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мос тарзда 28,6 фоизга ва 74,7 фоизга ошган. Бу мамлакатимизда олиб борилаётган саноат сиёсати ва уни амалга ошириш йўллари ҳар томонлама асосланганлигини кўрсатади.



3.2-расм. Қорақалпоғистон Республикасида ялпи ҳудудий маҳсулоти ва саноат маҳсулотларининг ўзгариш динамикаси (2000й = 100%)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

Республикаимиз мустақилликка эришганидан кейин Ҳудудда саноатнинг етакчи тармоғи - пахта тозалаш корхоналари, у билан боғлиқ чигитни қайта

ишлаш, ёғ-мой, тўқимачилик, кимё ва газкимё саноати тараққий эта бошлади. Худудда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, саноат даражасининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ўзгариши ҳам йиллар бўйича турлича бўлган. Худудда аксарият саноат корхоналарининг молиявий аҳволи мураккаб, кўп ҳолларда эса қонқарсиз. Корхоналарда зарур бўлган айланма маблағларнинг етишмаслиги бажарилган иш ва хизматлар учун тўловларнинг ўз вақтида амалга ошмаслигини келтириб чиқармоқда. Бу, ўз навбатида, саноат корхоналари молиявий ишлаб чиқариш фаолиятининг оғир аҳволга тушуши, солиқ солинадиган базани қисқартиришга олиб келиб республика бюджетининг тўлдирилувчи даромад қисмига, шунингдек, давлат бюджети олдидаги мажбуриятларнинг бажарилишига салбий таъсир этмоқда.

Буни 3.5-жадвал маълумотларидан Қорақалпоғистон Республикаси бўйича фонд қайтими 1996 йилда 2,84 га тенг бўлган ҳолда, 2007 йилга келиб 2,27 га ёки бўлмаса, 25 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин. Фонд қайтими бўйича энг юқори кўрсаткич 1997 йилда кузатилган, яъни 3,89 га тенг бўлган. Меҳнат унумдорлиги даражаси 1996 йилда 453,54 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб 2137,5 минг сўмга ёки бўлмаса 4,71 мартага ортган.

Меҳнат унумдорлигининг ошишига, асосан, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг ошиши ва саноат-ишлаб чиқариш персонали сонининг (1996-2007 йиллар оралиғида 19817 кишига ёки бўлмаса 2,7 мартага) камайганлиги таъсир кўрсатган.

Қорақалпоғистон Республикасида етарли даражада фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган тармоқларни таркибий ўзгартиришга, маҳаллий қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш, илғор технологиялар асосида янги рақобатбардош ишлаб чиқаришни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратиш лозим.

Мавжуд имкониятлардан янада тўлиқроқ ва самарали фойдаланишда ҳамда Худудий саноат ривожланишининг мақсадга йўналтирилган сиёсатини амалга оширишда асосий дастак сифатида бошқаришнинг замонавий ташкилий-иқтисодий механизмлари хизмат қилиши мумкин.

3.5-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида 1996-2007 йиллардаги саноат даражасининг ривожланиш индекси

(таққослама нархларда)

Йиллар	Саноат маҳсулотлар и, млн.сўм	Асосий ишлаб чиқариш фондлари, млн.сўм	Саноат-ишлаб чиқариш персонали сони, киши	Фонд қайтим и, сўм	Меҳнат унумдорлиги даражаси, минг сўм
1996	14352,2	5046,3	31642	2,84	453,54
1997	13917,8	3577,04	32035	3,89	434,4
1998	14255,05	4123,15	27321	3,46	521,7
1999	14559,3	6506,25	26062	2,24	558,6
2000	16180,9	7454,86	27162	2,17	595,7
2001	15470,6	6526,1	24470	2,37	632,2
2002	14735,8	6910,42	22644	2,13	650,7
2003	14496,15	7193,12	19664	2,01	737,2
2004	14982,65	7315,35	17598	2,45	851,4
2005	19841,9	8632,30	14547	2,29	1363,9
2006	21845,93	9791,4	14734	2,23	1482,7
2007	25275,74	11102,6	11825	2,27	2137,5

Манба: Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

Бунда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг мунтазам ўсиши учун шароит яратиш ҳамда аҳоли турмуш тарзининг янги андозаларига ўтишини таъминлашда Худуддаги ишлаб чиқариш комплексининг ижтимоий-иқтисодий функцияларига устуворлик берилиши лозим, бунга эса тегишли ҳуқуқий ҳамда институционал базани яратиш асосида саноатнинг ресурс салоҳиятини жалб қилиш йўли билан эришиш мумкин.

Иқтисодиётнинг оқилона ҳудудий бошқариш тузилмасини шакллантириш ва ҳудудлар ривожланишининг иқтисодий устуворликларини аниқлаш ҳар бир Худудга унинг табиий-иқтисодий салоҳиятини эътиборга олган ҳолда дифференциал тарзда ёндашиш заруратини келтириб чиқаради. Худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тавсифловчи асосий кўрсаткич ундаги ЯХМ нинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган улуши ва

унинг индекси ҳисобланади. Ҳудудларнинг миллий бойликдан фойдаланиш самарадорлиги ҳам, ЯҲМни аҳоли жон бошига ишлаб чиқаришга таъсири ҳам айнан ушбу кўрсаткич орқали аниқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси мамлакат Ҳудудлари орасида миллий бойлик даражаси бўйича 12, минерал хом ашё ресурслари билан таъминланганлиги бўйича 6, интеллектуал ривожланиши бўйича 8, иқтисодий салоҳият ва ижтимоий-демографик ривожланиш индекслари бўйича эса охириги 14-ўринда.

Тадқиқотда Ҳудудий иқтисодиётнинг хўжалик жиҳатидан ривожланишини қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин⁵⁰:

$$I=0,1\sqrt{\frac{V^2}{NS}}, \quad (1)$$

бу ерда, V – ялпи қўшимча қиймат ёки хўжалик фаолияти ҳажмини тавсифловчи кўрсаткич, млн. сўм.; N – аҳоли, минг киши; S – ҳудуд майдони, минг км².

3.6-жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг хўжалик ривожланиш индекси бўйича 2007 йилда 2000 йилдагига нисбатан ижобий силжишлар рўй берганлигини кўрсатади. Агарда Ўзбекистон Республикаси бўйича 2000–2007 йиллар оралиғида ЯИМ-1,42 га, саноат маҳсулотлари-1,31га, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш-0,53 га ортган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ЯҲМ-0,24 га, саноат маҳсулотлари-0,16 га, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш - 0,07га кўпайиб, умумреспублика ўртача кўрсаткичларидан паст, асосий капиталга инвестициялар киритиш бўйича-0,72 га, қурилиш бўйича-0,13 га ортиб, мамлакат ўртача ўсиш кўрсаткичларидан анча юқори бўлган. Ушбу кўрсаткичлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, Ҳудуднинг ЯҲМ, саноат маҳсулотлари, чакана айланмаси кўрсаткичлари бўйича мамлакат ўртача кўрсаткичларидан анча орқада эканлигини, шунингдек, иқтисодиётда ҳамон қишлоқ хўжалигида етиштирган маҳсулот ҳажми юқорилигини, шу билан

⁵⁰ Крупинин С.Н. Организация регулирования социально-экономического развития многопродуктного региона. Автореф. дис.... канд. экон. наук. - Тюмень - 2006. 25 с.

бир қаторда асосий капиталга инвестициялар ва қурилиш соҳасидаги ижобий ўзгаришларни ҳам кўришимиз мумкин.

3.6-жадвал

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларининг 2000–2007 йиллардаги ҳўжалик ривожланиш индекси

(2000 йил нархида)

Кўрсаткичлар	Худуднинг хўжалик ривожланиш индекси,(I)								2007 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)	
	Йиллар									
	2000		2003		2005		2007			
	ЎзР.	ҚР.	ЎзР.	ҚР.	ЎзР.	ҚР.	ЎзР.	ҚР.	Ўз.Р.	ҚР.
ЯИМ ва ЯҲМ*	3,1	0,69	3,43	0,72	3,88	0,81	4,52	0,93	1,42	0,24
Саноат	1,82	0,28	2,2	0,24	2,55	0,32	3,13	0,44	1,31	0,16
Қишлоқ хўжалиги	1,34	0,23	1,55	0,28	1,73	0,33	1,95	0,35	0,61	0,12
Асосий капиталга инвестициялар	0,71	0,23	0,79	0,32	0,88	0,25	1,17	0,95	0,46	0,72
Қурилиш	0,31	0,116	0,38	0,124	0,43	0,122	0,55	0,243	0,24	0,13
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	0,29	0,05	0,38	0,07	0,49	0,08	0,82	0,12	0,53	0,07
Чакана савдо айланмаси	1,70	0,33	1,96	0,41	2,16	0,42	3,09	0,51	1,39	0,18

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Изоҳ: *ЯИМ-ялпи ички маҳсулот; ЯҲМ-ялпи ҳудудий маҳсулот

Худуднинг иқтисодий салоҳияти ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишга фақатгина Худуддаги барча мавжуд ресурслардан, ишлаб чиқариш кучларидан тўлиқ фойдаланиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини, унга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни тўлиқ ҳисобга олган ҳолдагина эришиш мумкин.

Фикримизча, Қорақалпоғистон Республикаси саноат комплекси тузилмасини ҳам ашёга йўналтиришдан чуқур қайта ишлашга ўзгартириш зарур. Бунинг натижасида мутлақо янги ишлаб чиқариш, айнан ишлаб чиқариш кесимида - Худуднинг энергетик ва экологик муаммоларини эътиборга олган ҳолдаги хомашёни чуқур қайта ишлашга асосланган қурилиш индустрияси, тўкимачилик, металлургия, машинасозлик ва кимё саноатини ривожлантириш(масалан, нефть ва табиий газни комплекс қайта

ишлашга асосланган мини заводлар, тўқимачилик комбинатлари, қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва бошқалар) лозим.

Шунингдек, саноат корхоналарида катта кўламдаги янгиликларни жорий этишни, асосан, ишлаб чиқаришга хорижий инвестицияларни жалб этиш, илмий-тадқиқот институтлари ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари билан ҳамкорликни кучайтириш, ишлаб чиқаришда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш, ишчи-ходимлар малакасини ошириш, ишни ташкил этиш ва бошқарувда замонавий усулларни қўллаш ҳисобига амалга ошириш лозим.

Олиб борилган таҳлилларнинг кўрсатишича, ўтган йилларда мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар натижалари иқтисодиётнинг тармоқлари ва соҳаларини барқарор ривожланганидан, ҳудудлар тараққиётида ижобий ўзгаришлар юз берганидан далолат беради. Мамлакатимизнинг ҳар бир Ҳудудси ўзига хос табиий-иқтисодий ва захира салоҳиятига эга. Бу, ўз навбатида, асосий иқтисодий устуворликларни аниқлашда иқтисодиётнинг оқилона ҳудудий тузилмасини яратишга қодир бўлган махсус ва конкрет ёндашувни талаб этади.

3.2. Ҳудуд иқтисодиётида бошқариш дастаклари тизимини қўлланиши таҳлили

Ҳудудий ижтимоий-иқтисодий номуносивбликларнинг кўпинча объектив сабабларга боғлиқлигига қарамасдан уларни юмшатиш зарур. Марказлар аҳолиси ва чекка жойлар, Ҳудудлар аҳолисининг турмуш даражасидаги фарқлар ижтимоий адолат тамойилларининг бузилиши деб қабул қилинади. Буларнинг барчаси сезиларли даражада ижтимоий-иқтисодий қайта қуришнинг ягона Ҳудудий сиёсатини олиб боришни мураккаблаштиради. Шунинг учун иқтисодиётда зарур ҳудудий ва тузилмавий муносивбликларнинг қўллаб-қувватланиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича Ҳудудларнинг керагидан ортиқ

табақаланишига йўл қўймаслик, умуммамлакат бозорининг самарали фаолиятини таъминлаш иқтисодиётни модернизациялаш ва унинг барқарор ривожланишининг муҳим қирралари ҳисобланади.

Бозор шароитида Худудларнинг самарали фаолият юритишининг бош шартларидан бири ижтимоий - иқтисодий ривожланишнинг барча омилларидан, шу жумладан, самарали бошқарувдан фойдаланиш ҳисобланади.

Маълумки, бугунги кунда ҳеч бир ҳудуд умумдавлат миқёсида амалга ошириладиган умумий иқтисодий стратегия ҳисобига муваффақиятли ривожлана олмайди, бундан ташқари, ижтимоий - иқтисодий вазиятларнинг янги талабларига кўра бундай дастурлар барча ҳудудий ўзига хосликларни ҳисобга ололмайди.

Ҳозирги кунда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг республика Худудлари орасидаги жон бошига тўғри келадиган улуши бўйича тафовутлар ортишига бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсир этади. Объектив омилларга Худудларнинг табиий-иқтисодий ресурслар билан таъминланганлиги; ишлаб чиқариш салоҳиятининг концентрацияланиш даражаси; инфратузилмавий объектлар билан бир хилда таъминланмаганлиги; иқтисодиёт тузилмаси ва аҳолининг тизимли жойлашиши; хўжалик юритишнинг бозор механизмига мослашганлик даражасидаги фарқлар, субъектив омилларга эса, Худудлар орасида иқтисодиётга киритилаётган инвестицияларнинг тенг тақсимланмаётганлиги, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солишда маъмурий усулларни амалга ошириш, ҳудуднинг моддий-техник ва молиявий базасининг етишмаслиги, бюджет муносабатлари ва маҳаллий хўжалик юритишдаги номутаносибликларни киритиш мумкин.

Шу сабабли, бозор иқтисодиётида мамлакат Худудий иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқишнинг ривожлантирилиши ва аниқлаштирилиши муҳим вазифалардан ҳисобланади. Иқтисодий ва демократик ислохотларни амалга ошириш унинг ўтказилиш объектига (мамлакат, тармоқ, корхона)

қарамасдан барча ижтимоий-иқтисодий оқибатлари тўпланган ҳолда Худудий миқёсда (вилоят, шаҳар, туман) намоён бўлади⁵¹.

Шунинг учун ижтимоий-иқтисодий ва институционал ўзгаришларнинг натижавийлиги ва самарадорлиги кўп ҳолларда Худудий шароитлар ва омилларга боғлиқ бўлади. Шунини ҳам таъкидлаш зарурки, иқтисодиётни Худудий ислоҳ қилиш макроиқтисодий сиёсатнинг кичрайтирилган нусхасини билдирмайди. Ҳар бир Худуд – бу ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ва табиий-ресурс тизимидир. Бундан келиб чиқиб, Худудларда иқтисодий ислохотларни доимий таҳлил қилиш, мониторинг ўтказиш ва тўғрилаб бориш мамлакатда Худудий ислохотларни муваффақиятли ўтказишнинг бош шартларидан ҳисобланади. Турли даражаларда ривожланиш ва бошқарувда ёндашувларнинг бир томонламалиги мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига катта зарар келтиради. Бунинг натижасида ижтимоий-демографик ва экологик муаммоларнинг кескинлашуви, Худудлар иқтисодиётидаги жараёнларнинг секинлашуви, ишлаб чиқаришда кооперациялашувнинг қийинлашуви, тармоқлараро аҳамиятдаги илмий-техник ютуқларнинг кам жорий этилиши кузатилади. Аҳоли товар ва хизматлар билан тўлиқ таъминланмай натижада Худудий ривожланишда салбий ҳолатлар кузатилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда замонавий шароитларда Худудий ривожланишни модернизациялашнинг асосий ички муаммолари бўлиб қуйидагилар ҳисобланаши мумкин:

- иқтисодий ҳудудларнинг реал интеграциясини таъминловчи янги замонавий техник базада транспорт, энергетик, телекоммуникацион, логистик тизимларни ривожлантириш;
- мамлакат ҳудудлари орасида ресурсларнинг мутаносиб равишда тақсимланишини таъминлаш;

⁵¹ Низамов А.Б. Экономический рост и управление региональной экономикой в условиях рынка. Ташкент.: Turon-Iqbol, 2006 с.5.

- Худудлар хўжалик тузилмаларининг бозор иқтисодиёти ва барқарор ривожланиш талабларига молашувчанлиги, саноатни таркибий қайта қуриш, хизмат кўрсатиш тармоғларини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни экологизациялаш.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, республикада бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши иқтисодий тизимнинг амал қилиш шароитларини ўзгартириб юборди. Агар собиқ бошқарув тизими даврида бошқарувда асосий урғу марказлашувнинг юқори даражаси ва мустаҳкам иқтисодий алоқаларга берилган бўлса, иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва таркибий ўзгариши натижасида Худудларни бошқариш усуллари ўзгариб, асосий эътибор бошқаришнинг номарказлаштириш тамойилларига қаратилди. Худудий сиёсатнинг объекти сифатида мамлакатнинг худудий-маъмурий бўлиниши юзага чиқди, марказий ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасида вазифалар ҳамда масалалар қонунан тақсимланди. Натижада худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўпинча уларнинг бошқарув тизим самарадорлигига боғлиқ бўлиб қолди.

Ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар учун Худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги фарқларнинг кескинлиги муқаррар жараён бўлиб қолди. Бироқ бу кескинлик даражаси бир хилда эмасдир. Масалан, Россияда бу фарқ ялпи худудий маҳсулот кўрсаткичи бўйича 30 мартани, Қозоғистонда эса 12 мартагача, Ўзбекистонда эса 4,2 мартагача боради. Қиёслаш учун таъкидлаб ўтиш мумкинки, Европа Иттифоқи мамлакатларида худудлар ривож орасидаги максимал ва минимал фарқ 2,5-3 мартадан ошмайди.⁵² Охирги икки-уч йилда ушбу кўрсаткич республика Худудлари орасида 4,5-5 мартага этди.

⁵² Б.Ганиев, Т. Ахмедов Актуальность региональной политики в Республике Узбекистан // Экономическое обозрение, №10 2005 год.

Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги нотекислик советлар давридаёқ юзага келган бўлиб,⁵³ бу нотекислик нафақат режали иқтисодиётнинг камчиликлари (Худудларнинг ихтисослашуви, шаҳар ҳосил қилувчи корхоналар ва шу каби) билан, балки табиий-географик ҳамда ижтимоий омиллар билан ҳам боғлиқдир. Бундай мерос ҳозирги кунда ҳам Худудлар ривожланишида мавжуд бўлиб, Худудлар орасидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқ қисқариш ўрнига аксинча, ортиб бормоқда.

Республикамиз раҳбариятининг амалга ошираётган сиёсати узок муддатга мўлжалланган бўлиб, Худудларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи иқтисодиётни худудий ташкил этишнинг илмий асосланганлиги билан тавсифланади. Ўзбекистон бир неча йил давомида куриб битказилиши қийин бўлган ҳукуқий-ижтимоий жамиятни курмоқда. Бу муаммо ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатлари ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши қолақ бўлган Худудлар сонини қисқартирмай туриб ҳал этилмайди. Бу, ўз навбатида, илмий асосланган ва самарали бошқарувни талаб қилади.

Шундай экан, бозор иқтисодиёти жамият ҳаётининг бошқа соҳаларидан ва аввало давлатдан ажралган тарзда мавжуд бўлиши ва фаолият юритиши мумкин эмас. Бундан ташқари иқтисодиёт давлатнинг фаол қатнашуви ва қўллаб-қувватлашисиз ривожланиши мумкин эмас. Ўз навбатида ҳеч бир ҳукумат ғоявий-сиёсий йўналтирилганлигидан қатъий назар иқтисодиёт ҳолатига қатнашмасдан қолиши мумкин эмас. Аҳамиятини оширмасдан бемалол айтиш мумкинки, давлат дастурлари иқтисодиётнинг ўсиши ва ривожланишида ҳал этувчи ролни ўйнайди.

⁵³ Мукин С.В. Особенности управления социально-экономическим развитием дотационного региона/ Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Тамбов-2007.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида Ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солишни қуйидаги йўналишларда амалга оширилди⁵⁴:

- Ҳудудлар, бир гуруҳ туманлар ва туманларнинг комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

- минерал-хом ашё ресурсларини комплекс ўзлаштириш, ер-сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

- саноат ва унинг тармоқларини ривожлантиришнинг республика ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш, эски ишлаб чиқариш қувватларини бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қайта ихтисолаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш асосида янги замонавий корхоналар қуриш;

- маҳаллий табиий-иқлим хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, Ҳудудлар қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш ва чуқурлаштиришнинг республика ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш;

- бандлик, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш ва бошқа республика дастурларини амалга ошириш;

- республика ва маҳаллий бошқарув тизимини такомиллаштириш;

- маҳаллий бюджетни мустаҳкамлаш, Ҳудудларга дотация ва субвенциялар ажратиш;

- қулай ҳудудий-хўжалик бошқарув тизимини ташкил этиш мақсадида мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишини такомиллаштириш.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, Ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни тартибга солиш бевосита ва билвосита, маъмурий, ҳуқуқий ва иқтисодий

⁵⁴ Содиқов А.М. Ўзбекистон минтақалари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва уни тартибга солиш механизмлари. Иқт. фан. док. илмий дар.-ни олиш учун ёзилган дисс. иши. Тошкент-2006. 261-б.

механизмлардан фойдаланган ҳолда турли воситалардан фойдаланишни талаб этади.

Иқтисодиётни тартибга солувчи шундай дастаклардан бири- бу, давлат ва тармоқ дастурлари ҳисобланади. Ушбу нуқтаи назардан ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётини тартибга солиш ва уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида умумреспублика даражасидаги бир қатор қўйидаги дастурларда белгиланган вазифалар амалга оширилмоқда: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 308-сонли қарори; 2007 йил 21 майда қабул қилинган «2010 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида хизматлар ва сервисни ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 640-сонли қарори; 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзоватчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 255-сонли қарори; 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3706-сонли фармони; 2008 йил 18-ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4053 сонли фармони; 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги ПФ-4058-сонли фармони; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 мартдаги «2008 йилда умумий фойдаланишдаги халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобил йўлларини таъмирлаш дастурлари тўғрисида»ги 49-сонли қарори ва бошқалар.

Юқоридаги фармон ва қарорларга мувофиқ ишлаб чиқилган давлат ва тармоқ дастурларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёни мамлакат ҳудудларида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш натижасида кўп ҳолларда оғирлик марказининг Ҳудудий даражага ўтказилиши билан кечмоқда. Шу сабабли иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларини янада жадаллаштиришда ҳудудий хусусиятларни, уларнинг Ўзбекистоннинг турли хил Ҳудудларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган таъсирини аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларининг олдини олиш ва уларни самарали бартараф этишда муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича кейинги йилларда кичик бизнес яққол кўзга ташланувчи Ҳудудий йўналтирилганлик хусусиятига эга бўлиб бормоқда. Кичик корхоналар ўз фаолиятини маҳаллий талаб, эҳтиёж ва имкониятлар ҳажми ва тузилмасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширади. Ҳудудларнинг иқтисодий мустақиллигини ривожлантириш шароитида айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Ҳудудий иқтисодиёт тузилмасини оптималлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг асосий омили бўлиб қолади. Мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор қонунлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди.


Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги, 2005 йил 14 июндаги ПФ 3618-сонли “Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либерализация қилиш соҳасидаги устувор йўналишларни тезкор жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги, 2005 йил 14 июндаги ПФ 3619-сонли “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора

тадбирлари тўғрисида”ги ва 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620 сонли “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора тadbирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги ПФ 100-сонли “Тadbиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар тизимини такомиллаштириш ва унинг ноқонуний қўллаш (йўқ қилиш) бўйича масъулиятни ошириш тўғрисида”ги қарори бутун мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг ривожланишида муҳим ҳуқуқий манба бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирда Ўзбекистоннинг барча Худудларида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик корхоналарида етиштирилаётган маҳсулотларнинг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2003 йилда бутун мамлакат ЯИМда ва Қорақалпоғистон Республикаси ЯХМ таркибида кичик бизнес соҳасида етиштирилган маҳсулотлар улуши 35,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йилда мамлакат ЯИМ таркибида 45,7 фоизни ва Қорақалпоғистон Республикаси ЯХМ таркибида эса 55,7 фоизни ташкил этган⁵⁵.

Амалда рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг баъзи бирлари бозор қонунлари ва талабларига жавоб бера олмасдан ўз фаолиятларини тўхтатиб қўйишмоқда. Бундай ҳолат асосан кейинги йилларда кўпроқ кузатилмоқда. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида 1996 йилда рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик корхоналари 4062 тани ташкил этган ҳолда, амалда уларнинг барчаси фаолият олиб боришган бўлишса, 2007 йилда рўйхатдан ўтган субъектлар сони 18071тани ташкил этган ҳолда, амалда фаолият юритганлари сони 16899 та бўлиб, уларнинг 1172 таси, ёки бўлмаса, 6,5 фоизи ўз фаолиятларини тўхтатишган.(3.3-расм.)

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари



3.3.-расм. 1996-2007 йилларда Қорақалпоғистон Республикада рўйхатдан ўтган ва амалда фаолият юритаётган КБ ва ХТ корхоналарининг сони

Манба: Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари.

Изоҳ: 1998 йилдан 2004 йилгача фермер хўжаликлари ҳам ҳисобга олинган.

Худудда 2007 йилда кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 2006 йилга нисбатан 6,2 фоизга ошган ҳола унинг ташқи савдо айланмасидаги улуши 20,8 фоизни ёки 25103,2 минг АҚШ долларини ташкил этди, шу жумладан:

- экспорт ҳажми 17783,7 минг АҚШ долларидан иборат бўлиб (жами экспорт ҳажмининг 17,1 фоизи), ўтган йилга нисбатан 48,3 фоизни ташкил қилди. Бу кўрсаткичнинг ўтган йилга нисбатан пасайиши, пахта толаси экспортига боғлиқ. Сабаби 2007 йилнинг апрел ойигача пахта толаси экспортининг асосий қисми кичик корхона «ҚҚТоласи» АЖ (Нукус ш.) пахта терминали томонидан экспортга чиқарилди, апрел ойидан бошлаб эса туман пахта заводлари томонидан экспортга чиқарилиб туманлар кесимида ҳисобдан ўтиладиган бўлди.

- импорт ҳажми 7319,5 минг АҚШ долларидан иборат бўлиб (жами импорт ҳажмининг 43,8 фоизи), ўтган йилга нисбатан 71,0 фоизни ташкил этди.

Қорақалпоғистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида 2007 йил давомида 18616,0 млн.сўм миқдорида кредитлар ажратилди, яъни 2006 йилга нисбатан 57,2 фоизга ўсган. Шу жумладан 17909,7 млн.сўм банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан, 706,3 млн.сўм бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан, шундан 537,3 млн.сўм бандлик жамғармаси ҳисобидан, 169,0 млн.сўм Дехқон фермер хўжаликлари ассоциацияси ҳисобидан ажратилган. Шунингдек, қисқа муддатли кредитлар 6521,5 млн.сўмни ва узоқ муддатли кредитлар 12094,5 млн.сўмни ташкил қилган. Ишлаб чиқариш ва таъмирлашга 4860,6 млн.сўм, хизматлар соҳасига 1281,7 млн.сўм, қурилиш соҳасига 1871,3 млн.сўм, умумий овқатланиш соҳасига 62,7 млн.сўм, қишлоқ хўжалиги соҳасига 6585,8 млн.сўм, айланма маблағлар тўлдириш ҳисобига 3365,2 млн.сўм ва бошқаларга 588,7 млн.сўм миқдорида кредитлар берилган.


2007 йилда Ҳудуд иқтисодиётидаги жами иш билан банд бўлганлар ичида кичик бизнеснинг улуши 69,2 фоизни ташкил этди⁵⁶.

Қорақалпоғистон Республикасида мулкдорлар синфни шакллантириш ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича зарурий ишлар олиб борилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятидаги бундай ўзгаришларга турлича ички ва ташқи омиллар сабаб бўлган. Таъсир этувчи мазкур омилларни аниқлаш, илмий ва амалий жиҳатдан асослаш Ҳудуд иқтисодиётини муҳим аҳамият касб этади.

Ташқи ва ички муҳит кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятига бир қатор омиллар орқали таъсир қилади(3.4-расм). Бунда Ҳудуднинг географик жойлашуви ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, кичик тадбиркорлик муаммолари турли хил Ҳудудлар, тармоқлар ва яшаш даври босқичлари бўйича бир-биридан фаркланади. Фаолият муваффақияти энг аввало, ташқи муҳит билан корхонанинг аниқ, тўлиқ ва ҳар томонлама алоқаларига боғлиқ. Ташкилот фаолиятининг муваффақиятида илмий ва

⁵⁶ Қорақалпоғистон Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

амалий жиҳатдан асосланган стратегик қарорлар муҳим рол ўйнайди ва маҳсулот рақобатбардошлигига ва умуман ташкилот фаолиятига катта таъсир кўрсатади.



3.4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятига таъсир қилувчи омиллар

Манба: Диссертант томонидан ишлаб чиқилган.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш республикада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан биридир. Айнан тадбиркорлик рақобатни ривожлантиради, истеъмол бозорини товар ва хизматлар билан тўлдиради, аҳоли учун иш жойларини яратади, мулкдорлар ва тадбиркорларнинг кенг қатламини шакллантиради.

Республикада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири истеъмол бозорларини товар ва хизматлар билан тўлдирадиган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Лекин шуларга қарамасдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида кўпгина ўз ечимини қутаётган муаммолар мавжуд.

Олиб борилаган таҳлиллارнинг кўрсатишича, бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ажратилаётган кредитлар фоиз ставкаларининг юқорилиги;
- кредитни тўлаш муддатларининг жуда қисқалиги;
- ажратилаётган кредитларнинг ҳудудлараро нотекис тақсимланиши;
- чет эл кредитларини олиш жараёнининг мураккаблиги, гаровли таъминотга юқори талаблар қўйилиши, инвестиция даврида қарздорда айланма маблағларнинг йўқлиги;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардош эмаслиги, жаҳон бозори талабларига унинг сифат ва кўринишининг мос эмаслиги ва бошқалар.

Худудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир этувчи юқорида кўрсатилган омилларни бартараф этиш учун фикримизча, қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- ажратилаётган кредитларнинг фоиз ставкаларини қонуний равишда пасайтириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сонини республикадаги шаҳар ва туманлар бўйича ҳисобга олган ҳолда маблағларни текис тақсимлаш;

- лизинг асосида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуна ва янги технологияларни етказиб бериш бўйича бозор инфратузилмасидаги институтларнинг ишини тўғри йўлга қўйиш.

Ўзбекистон Республикаси шу жумладан, Қорақалпоғистон Ҳудудси учун ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи алоҳида ижтимоий аҳамиятга эгадир. У аҳолининг иш билан бандлиги ва унинг турмуш даражаси сифатидаги ижтимоий масалани муваффақиятли ҳал қилишнинг имконини беради. Шунинг учун бундан кейин ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар сонини муттасил ошириб бориш ва уларга самарали фаолият юритишлари учун шарт-шароитларни яратиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирда Ҳудудда саноат тармоғи ҳам қишлоқ хўжалигида ҳам бандлик қисқарган, расмий бандлик ўсишининг катта қисми эса, соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ҳимоя ва бошқарув каби давлат секторларига тегишлидир. Қишлоқ хўжалигидаги бандлик асосан хўжалик корхоналарини қайта ташкил қилиш оқибатида қисқарди.

Ҳудудда ҳар йили 20 мингдан ортиқ янги иш жойлари яратилмоқда, лекин бу барча меҳнатга лаёқатли аҳолини самарали равишда иш билан бандлигини таъминлаш учун етарли эмас. Табиийки, иш жойлари ўсишининг меҳнат ресурслари ўсишига мос келмаслиги Ҳудудда меҳнатга лаёқатли аҳолининг етарли даражадаги иш билан бандлигини таъминлашга ёрдам бермайди. Иш жойлари тақчиллиги шароитида ишдан озод бўлаётган ишловчиларни ишга жойлаштириш катта муаммодир. Ишчи кучини таклиф этиш тузилмасида касбий тайёргарликка эга бўлмаган ёшлар, малакасиз ишловчилар кўп бўлиб, шу билан бир қаторда ишчи кучига бўлган талаб сифатида касбий тайёргарликка ҳам талаблар кучайиши кузатилмоқда.

Ҳудуд аҳолисининг ривожланиши таҳлили аҳолининг табиий ўсиши ва механик ҳаракати меҳнат ресурсларини шакллантиришга ва такрор ишлаб чиқаришга ижобий таъсир қилишини кўрсатди. 2008 йил 1 январ ҳолатига кўра республика аҳолисининг сони 1593,8 минг кишини ташкил қилиб, бу 2006 йилга нисбатан табиий ўсиш ҳисобидан 1,4 фоизга ошган. Аҳолининг 879,5 минг кишиси (54,6 фоизи) меҳнатга лаёқатли кишиларни, шундан, 551,1 иқтисодий фаол аҳолини ташкил этиб 2006 йил билан солиштирганда 1,5 фоизга ўсган (7-илова).

Ҳудуд тармоқларида банд бўлганлар улушини таҳлил қиладиган бўлсак, 1996 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида иш билан банд аҳоли улуши жамига нисбатан 38,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йил бўйича ҳам юқорилигича қолиб 32,82 фоизга тенг бўлган бўлса, саноатда банд бўлганлар сони 1996 йилда 10,03 фоизга ва 2007 йилда 9,24 фоизга тенг бўлган. Ушбу маълумотлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, Ҳудудда ҳамон қишлоқ

хўжалигида банд бўлган аҳолининг кўплигини ва аксинча саноат тармоғида банд бўлган аҳолининг камлиги эътиборга олган ҳолда Худудда замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга катта эътибор бериш лозимлиги қайд этиш мумкин.

Республикада ишсизлик даражаси аҳолининг иқтисодий фаол қисмига нисбатан 7,1 фоизни (39,5/551,1) ташкил қилади.

2007 йил учун тасдиқланган «Бандлик» дастури асосида йил давомида 27084 янги иш ўринлари яратилди, бу белгиланган (26116) режага нисбатан 103,7 фоизни ташкил этади. Янги иш ўринларини яратиш буйича режа барча шаҳар ва туманларда бажарилди. Яратилган янги иш ўринларининг 78,1 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келмоқда.

Янги иш ўринларини яратиш учун республика буйича жами 18,2 млрд. сўм, шундан ҳар бир яратилган иш ўрни учун ўртача 671,0 минг сўм сарфланди.

Лекин бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш лозим. Сабаби республикада меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли улуши жами меҳнат ресурслари таркибида 1996 йилда 98,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткичнинг 99,4 фоизга етганлиги ҳам Худудда ёшлар улушининг юқорилигини, яъни янги иш ўринларини яратишнинг нақадар долзарблигини кўрсатиб турибди. (3.7-жадвал). Ҳозирги реал шароитда аҳоли бандлиги бўйича етарлича кучайган ҳолат юзага келган. Ўқув юртлари битирувчилари, ҳамда қишлоқ хўжалигида ортиқча ишчи кучнинг мавжудлиги ҳисобига ҳар йили меҳнат бозорининг тўлиши вазиятни янада мураккаблаштиради.

Расмий ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолининг 1,0 фоизини ташкил қилади. Ҳақиқатда эса ишсизлик даражаси бундан бир неча баробар юқоридир, чунки меҳнатга лаёқатли аҳолининг кўпгина қисми иш ҳафтаси ёки иш куни тўлиқ бўлмаган ишларда, мавсумий ёки вақтинчалик ишларда, тасодифий ҳафталик ёки кунлик ишларда машғул бўлиб, улар ишсизлар таркибига қўшилмайди.

3.7-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида 1996-2007 йиллар мобайнида ёш бўйича меҳнат ресурсларининг таркиби(%ларда)

Кўрсаткичлар	Йиллар								
	1996	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007
Жами меҳнат ресурслари, ш. ж.:	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Меҳнатга қобилияти ёшдаги аҳоли	98,3	99,2	99,3	99,4	99,4	99,5	99,5	99,6	99,4
катта ёшдаги кишилар	1,7	0,8	0,7	0,6	0,6	0,5	0,5	0,4	0,6

Манба: Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

Шунингдек, мамлакат ташқарисидаги иш кучи мигрантлари (маятникли миграция) ҳам ҳисобланмайди. Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги амалга оширган, иш кучи текширувлари маълумотлари бўйича, ҳар йили 10 мингдан ортиқ киши республикадан ташқарига иш қидириб чиқади.

Фикримизча, ўрта муддатли келажакда бандликни таъминлашнинг афзал йўналишлари – булар бозор муҳитига максимал тез мослаша олувчи хусусий секторни, айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш; бозорнинг ўзгарувчан конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш учун янги технологияларни қўллаш; меҳнат бозорида ишчи кучи сифати ва унинг рақобатбардошлигини ошириш; аҳоли даромадини ошириш учун, меҳнат бозорида иш ҳақининг бошқарувчи ролини кучайтириш ва унинг рағбатлантириш функциясини оширишдир.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши кўп жиҳатдан Ҳудуд иқтисодиётини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларнинг самарали амалга оширилишига боғлиқ.

5.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида табиий-ресурс салоҳиятдан самарали фойдаланиш

Ҳозирги вақтгача Худудий иқтисодий кўрсаткичлар тизимида унинг салоҳиятининг ўрни ва роли аниқ белгиланмагандир. Иқтисодиёт у ёки бу бўғинининг иқтисодий салоҳияти(потенциали) унинг табиий ресурслари, ишлаб чиқариш, меҳнат воситалари, илмий-техник салоҳияти ва тўпланган миллий бойлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлангидек «... қанчалик ғайритабиий туюлмасин, жаҳон иқтисодий инқирози ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб, модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибига янада ўткир қилиб қўймоқда ва бунинг учун бор куч-имкониятимиз ва ресурсларимизни сафарбар этишни талаб қилмоқда»⁶⁸.

Мамлакат ва унинг алоҳида Ҳудудсининг иқтисодий салоҳияти бири-бирдан фарқланади. Бу, ўз навбатида, ҳар бир Ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий салоҳиятини тўлиқ эътиборга олган ҳолда ривожланиш йўналишларини илмий жиҳатдан асослашнинг заруриятини келтириб чиқаради.

Иқтисодий адабиётларда ижтимоий-иқтисодий тизим салоҳияти тўғрисида турли хил фикрлар мавжуд. Салоҳиятга физик ва иқтисодий нуқтаи назардан ёндашувлар мавжуд бўлиб, иқтисодий ёндашувда салоҳиятни қиймат кўринишида баҳолашга ҳаракат қилинади, физик ёндашувда эса салоҳият деганда физик категориялар – энергия, материя ва энтропия кабилар тушунилади.

Режали бошқарув тизими даврида салоҳият деганда «жамият эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадларида моддий неъматлар ва хизматларни яратиш соҳасида тўпланган ресурслар ва уларнинг фойдаланилган ҳамда фойдаланилмаган салоҳият имкониятларининг

⁶⁸ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари // - Т.: Ўзбекистон, 2009. - 48-б.

йиғиндиси» тушунилар эди. Ҳозирда эса “Потенциал(лат. *potentia*)-салоҳият бирор вазифани ҳал этиш ва кўзланган мақсадга эришишда фойдаланиладиган манба, имконият, маблағ, захиралар; айрим шахс, жамият, давлатнинг муайян соҳадаги салоҳиятлари”-деб, таъкидланади⁶⁹.

Бундай ёндашувларнинг тўғрилигини рад этмаган ҳолда салоҳият маълум элементларнинг берилган тўпламига қараганда қандайдир каттарок нарса эканлигини таъкидлаш лозим.

Баъзи бир олимларимизнинг фикрича, иқтисодий салоҳият кўп жиҳатдан меҳнат салоҳиятига боғлиқ ҳолда аниқланиб, бунда меҳнат салоҳияти билан меҳнат ресурслари бир хил мазмунга эга бўлмаган тушунчалар бўлиб, салоҳият(иқтисодий, ишлаб чиқариш, меҳнат) маълум макон ва замонга боғлиқ ресурсларни умумлаштириш, жамлаш хусусиятини билдиради⁷⁰. Давлатнинг иқтисодий салоҳияти унинг табиий ресурслари, миллий бойлик билан тўпланган ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат ва илмий-техник салоҳияти билан аниқланади⁷¹.

Худуднинг иқтисодий салоҳияти - бу Худуд хўжалик комплекслари тармоқларининг маълум даврда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, капитал қурилишни амалга ошириш, юк ташиш ва аҳолига хизматлар кўрсата олиш қобилиятидир⁷². Иқтисодий салоҳият Худуднинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини батафсил тавсифлайдиган ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тизими билан белгиланади.

Салоҳиятнинг мавжуд таърифларида мазкур иқтисодий категория ресурслар ва улардан фойдаланиш усуллари (талаб ва таклиф) ҳақидаги ахборотларга асосланиши тўғрисидаги тушунча қисман иштирок этади. Бизнингча, салоҳиятга иқтисодий категория сифатида қуйидагича таъриф бериш мумкин:

⁶⁹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси “Давлат илмий нашриёти”, 2004. 7-сон. 159 б.

⁷⁰ Э.Набиев, А.Қаюмов Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти. Т.:“Академия” 2000 й.76.

⁷¹ Борисов А.Б. Большой экономический словарь. Издание 2-е переработанное и дополненное.-М.: Книжный мир, 2006 с.833.

⁷² Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент. /акад. С.С.Ғуломов ва бошқ.таҳрири остида. “Адабиёт жамғармаси” нашриёти.- Т.: 2004. 116 б.

Салоҳият ижтимоий-иқтисодий тизим субъектлари орасидаги ресурслар ва ахборотларни баҳолаш, тасарруфга олиш, ўзлаштириш, фойдаланиш ва уларни ривожлантириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларнинг йиғиндисини билдиради.

Ижтимоий-иқтисодий тизимнинг умумий салоҳиятини ижтимоий ва иқтисодий таркибий қисмларга бўлиш мумкин. Иқтисодий салоҳият – бу иқтисодий фаолиятни ташкил қилиш бўйича имкониятларнинг қонунчилик, молиявий, ташкилий - техник ва ҳудудий - тармоқ хусусиятларининг ёки мавжуд, эҳтимолий шароитларининг, шунингдек, шу шароитларда ҳудуд фаолиятининг чекли иқтисодий кўрсаткичларининг йиғиндисидир.

Ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ўзида Ҳудуд иқтисодиётининг жами имкониятлари, унинг ташкил этувчи тузилмалари: тармоқлар, ҳудудий хўжалик комплекслари, давлат ва тижорат корхоналари ишлаб чиқариш-иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, турли хил маҳсулотларни чиқариш, аҳолининг талабларини қондириш ва умуман жамият эҳтиёжларини намоён этади.

Ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти кўпинча унинг табиий, ишлаб чиқариш, меҳнат ва миллий бойлик билан жамланган илмий-техник салоҳияти билан аниқланади. Ижобий иқтисодий ўсишлар асосан ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишда намоён бўлади.

Асосий фондларнинг миқдорий ва сифатий даражаси жамиятнинг етакчи моддий-техник бўғини сифатида ишлаб чиқариш салоҳиятида намоён бўлади. Бу ерда ишлаб чиқаришнинг асосий ва салоҳиятли имкониятлари, ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги унинг ресурслар билан таъминланганлиги эътиборга олинади.

Салоҳиятни урта таркибий қисмга бўлиш мумкин:

- эксплуатация қилинувчи салоҳият, яъни ижтимоий-иқтисодий тизим имкониятларининг маълум бир вақтда фойдаланилаётган қисми;
- инвестицион салоҳият, яъни иқтисодий тизимнинг оптимал фаолияти шароитларидаги инвестицияларнинг барча мумкин бўлган йўналишларини ўз

ичига олувчи маълум мақсадларга эришиш учун ишлатилиши мумкин ва керак бўлган ижтимоий-иқтисодий тизимнинг қисми;

- захира салоҳияти, яъни берилган вақтда фойдаланилмаётган ва келгусида ишлатилиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий тизимнинг қисми.

Ижтимоий-иқтисодий тизим салоҳиятининг таркибий уч қисм орасидаги фарқ шартли ва доимий ўзгарувчан хусусиятга эгадир. Бозор муносабатлари шароитларида бу таркибий қисмларнинг бир-бирига доимий оқиб ўтишлари кузатилади. Салоҳият тузилмаси асосий омил бўлиб, ижтимоий-иқтисодий тизим хусусиятларини тавсифлайди. Ресурс ёки ташкилий (жараёнли) имкониятларнинг устунлик қилиши тизимнинг жорий фаолияти стратегияси, шунингдек, унинг ривожланиш истиқболларига таъсир кўрсатади. Салоҳият тузилмасида пропорцияларнинг ўзгаришини ижтимоий-иқтисодий тизимлар салоҳиятини бошқариш концепциясининг асоси деб ҳисоблаш мумкин.

Худуднинг ҳудудий муҳитини такрор ишлаб чиқариш объектив равишда унинг иқтисодий, ижтимоий ва табиий асосларини уларнинг барча таркибий қисмлари билан бирга такрор ишлаб чиқаришни кўзда тутди. Худуд моддий асосларининг йиғма ифодаси сифатида унинг иқтисодий баҳосини ёки Худуднинг иқтисодий салоҳиятини ҳисоблаш керак бўлиб, бу нафақат шу худудда жойлашган, у ёки бу миқдорий кўрсаткичларда ифодаланган мулкнинг ҳажмини, балки Худудда бу мулкдан фойдаланишни белгилайдиган сифат тавсифларини ҳам ҳисобга олади. Шунга боғлиқ ҳолда Худуд салоҳиятини тўрт асосий таркибий қисмга бўлиш мумкин⁷³:

1. Табиий-экологик салоҳият, у гарчи ҳар доим ҳам бевосита баҳолашга дахлдор бўлмаса-да, лекин ернинг сифати, сотиш бозорларидан узоқ ёки уларга яқинлиги, табиий-иқлим шароитлари, худуднинг экологик ҳажми каби таркибий қисмлар орқали Худуд хўжалик фаолиятининг якуний натижаларига билвосита таъсир кўрсатади. Шунга кўра, ҳудудий такрор ишлаб чиқариш жараёнига киритилган муносабатларнинг табиий - экологик

⁷³ Герасимов Б. И., Тишина Л. С., Зенчева Н. В. Организационно-экономический механизм формирования региональных программ социально - экономического развития (на примере Тамбовской области) // Под науч. ред. д-ра эконом. наук, проф. Б. И. Герасимова. Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2002. с. 34-35.

тизими ҳудуд ривожланишининг табиий базиси сифатида маҳаллий табиий ресурслардан фойдаланиш ва улардан ёввойиларча фойдаланишнинг олдини олиш бўйича муносабатлар тизими орқали ифодаланиши мумкин. Ўз навбатида бу муносабатлар тизими ҳудуднинг табиий ресурслари турлари бўйича (ер ости бойликлар, ер, сув, ҳайвонот дунёси ва шу кабилар) янада аниқлаштирилиши мумкин ва бу Ҳудуднинг ягона иқтисодий ҳудудига киритилиши билан ижтимоий ҳўжаликнинг бозор муносабатлари асосидаги элементларининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади, ресурслар, ер ва капиталнинг тўсиқсиз ҳаракатига сезиларли таъсир кўрсатади ва миқдорий ҳамда қиймат баҳоларига эга бўлиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш учун анчагина меҳнат, минерал ва хом ашё ресурсларига эга бўлиб, Ҳудуд ҳудудида газ ва газ конденсатининг катта захиралари аниқланган. Мармар, гранит, оҳактош, сульфат-магнезиал ва ош тузининг бой конлари мавжуд. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги учун яроқли бўлган ер ресурсларининг катта ҳажмига ҳам эгадир.

Орол бўйида ўрмонлар, кўллар, ўтлоқлар ва овчилик ҳудудлари сақланиб қолган. Нукусдан жануброқда, Амударёнинг ўнг қирғоқларида фауна ва флорага бой бўлган Бадайтўғай қўриқхонаси жойлашган бўлиб, у ерларда ёввойи чўчқалар, тулкилар, бўрсиқлар, чиябўрилар, куёнлар, бўрилар ва Бухоро буғуси бор.

2. Ишлаб чиқариш-ресурс салоҳияти – у конкрет пул ифодасидаги баҳога эга бўлади ва ишлаб чиқариш капитали турли хилдаги элементларининг реал шаклларида – асосий ва айланма капитал, муомала фондлари ва айланма маблағлар кўринишида намоён бўлади. Энг муҳими корхоналарнинг асосий фондлари кўрсаткичи ҳисобланиб, у Ҳудуд салоҳиятининг умумий имкониятларини тавсифлайди.

Аҳоли жон бошига саноат ишлаб чиқариши ҳажми бўйича Қорақалпоғистон Республикаси мамлакат бўйича охириги ўринларда туради.

2007 йилда саноатда банд бўлганларнинг йиллик ўртача сони иқтисодиётда банд бўлганларнинг 9,2 фоизини ва саноат тармоқларида яратилган маҳсулотлар ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 8,3 фоизига тенг бўлди.

Охирги йилларда саноат «Лукойл» нефть компанияси» ОАЖ сингари Россия молия-саноат гуруҳларининг капитали кириб келиши билан тавсифланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг саноати, асосан, ички бозорга йўналтирилган бўлиб, «В» гуруҳи товарлари – халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилади.

Худуд углеводород захиралари, қазиб олинadиган қаттиқ табиий элементларга ва қишлоқ хўжалиги хом-ашёларига бойдир.

2008 йил 1 январ ҳолатига кўра Худудда қазиб олинadиган қуйидаги фойдали табиий бойликлар мавжуд:

- разведка килинган газ захиралари 219,4 млрд.м.кубга тенг. Ўзлаштирилиши – 49,1 млрд.м.куб, газ конденсати захиралари – 7,9 млн.тонна, ўзлаштирилгани - 0,2 млн.тонна.

- газ захираларининг энг кўп миқдори Ургада - 47,3 млрд.м.куб, Шарқий Бердақ - Учсойда - 54,5 млрд.м.куб, Муйноқ тумани, Шохпахтада - 46,5 млрд.м.куб, Қўнғирот тумани, Оқчулоқда - 8,2 млрд.м. куб жойлашган.

- порфирит захиралари 122,4 млн.м.куб, безак тошлар захиралари - 15,0 млн.м.куб, ганч - 6,5 млн.м.куб, керамзит хом ашёси - 31,3 млн.м.куб, оҳактош – 93,3 млн.м.куб, цемент хом ашёси – 49,4 млн. тонна, тоғ-кон хом-ашёси – 12,0 млрд.тонна, тоғ-техник хом ашёси – 10,2 млрд. тоннадир⁷⁴.

Бугунги кунда бу табиий хом ашё бойликларидан фойдаланиш Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш йулларидан бири ҳисобланади. Газнинг ўзлаштирилиши ёки ишлатилиши 37 фоиз, газ конденсатиники эса 7 фоизни ташкил этади.

⁷⁴ Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

Худудда табиий фойдали қазилма бойликларни тўлиқ ўзлаштириш ёки ишлатиш учун хорижий инвесторларни жалб этиш зарурдир.

Масалан, Қораўзак ва Беруний туманларининг ҳудудлари оҳактош (70 млн.тонна) ва лойга (35 млн. тонна) бой бўлиб, бу йўналишларда инвестицияларни жалб этиш ҳамда йўлга қўйиш натижасида ишлаб чиқариш қуввати йилига 150-500 минг тонна бўлган цемент ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Бунинг натижасида турли маркадаги цемент маҳсулотларини экспорт қилиш имконияти вужудга келади. Бундан ташқари титан-магнитли темир рудаси асосида (Қораўзак туманидаги Тебинбулоқ конида) зангламайдиган пўлат ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва йўлга қўйиш мумкин.

Бугунги кунда барча корхоналардаги асбоб - ускуналар аксарият қисмининг тўлиқ эскирганлиги, корхоналарда уларни алмаштириш учун маблағлар йўқлигини ҳисобга олган ҳолда уларда ишлаб чиқаришни жадаллаштириш мақсадида ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишни кучайтириш мақсадида молиялаштиришнинг замонавий механизмларини жорий этишнинг барча имкониятларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

2007 йилда республика саноат тармоғида амалдаги баҳоларда 224173,2 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган 2006 йилга нисбатан солиштирма нархда ўсиш суръати 115,7 фоизни ташкил этди. Ҳисобот даврида 1 та давлат мулки шаклидаги ва 28 та хусусий мулк шаклидаги жами 29 та саноат корхоналари фаолият кўрсатди⁷⁵. Ҳисобот даврида ёқилги саноатида 45461,0 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йил билан солиштирганда 40,5 фоиз, қора металлургия саноатида -3020,9 млн.сўм, ёки 5,2 фоиз, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш соҳасида- 1929,2 млн.сўмлик ёки 27,9 фоиз, кимё ва нефткимё саноатида -15445,4 млн.сўм, ёки 3,2 карра,

⁷⁵ “Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг 2007 йил якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисидаги ҳисоботи” маълумотлари.

ўрмон-ёғочни қайта ишлаш саноатида –1830,0 млн.сўм, ёки 12,3 фоиз, қурилиш материаллари саноатида –7027,6 млн.сўм, ёки 1,9 фоиз, озиқ-овқат саноатида –27314,3 млн.сўм, ёки 16,7 фоиз, ун-ёрма ва комбикорма саноатида –20995,2 млн.сўм, ёки 5,3 фоиз, полиграфия саноатида-756,7 млн.сўм, ёки 20,5 фоиз ўсимга эришилди.

Ҳисобот даврида 69622,3 млн.сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, бу 2006 йилга солиштирганда 118,7 фоизни ташкил этди.

2007 йил якуни бўйича 2 та корхонада саноат маҳсулотларини солиштира нархда 557,3 млн.сўмга кам ишлаб чиқариб, 2006 йилга нисбатан 87,5 фоизни ташкил этди.

2007 йилда қурилиш материаллари саноати соҳасида 7027,6 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2006 йилга нисбатан 101,9 фоизни ташкил қилди.

Шағал ишлаб чиқариш 23,1 фоизга, оҳак 10,0 фоизга ва ғишт ишлаб чиқариш 6,7 фоизга ўсди⁷⁶.

2007 йилда пахта толаси, озиқ-овқат бугдойи ва пахта линтини ишлаб чиқариш бўйича режанинг бажарилиши 100,0 фоизни, ўсимлик ёғини ишлаб чиқариш 106,0 фоизни, табиий газ қазиб олиш 107,0 фоизни ташкил этди.

Саноатда нодавлат секторининг улуши йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Агар 1991 йилда нодавлат секторида республикада ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларнинг 0,5 фоизи ишлаб чиқарилган бўлса, 2007 йилда у 97,8 фоизга тенг бўлди.

1991 йилга нисбатан мебель, пахта ипи, тикувчилик маҳсулотлари, пайпоқ, нон, ва нон маҳсулотлари, макаронлар ишлаб чиқариш ҳажмлари анча ўсди. Бундан ташқари, 1991-2007 йиллар мобайнида 25 хил турдаги янги буюмларни ишлаб чиқариш, шу жумладан, газ ва газ конденсати, ўрнатиш симлари, хўжалик шиша буюмлари, тиббий бинт, музқаймоқлар, кунгабоқар ёғи ва бошқаларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. «Нукус суу» пиво-лимонад кичик корхонасининг очилиши билан алкоғолсиз ичимликлар

⁷⁶ Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

ассортименти кенгайди. «Нукус вино заводи» АЖ тида 6 хилдаги янги ароқ, 2 хил янги ликёр ишлаб чиқара бошлади.

Шу билан бирга, 2007 йилда 1991 йилга қараганда электр энергияси, иссиқлик энергияси, оҳак, девор материаллари, йиғма темир-бетон конструкциялари, пахта толаси, ип-газлама, ун, крупа, ўсимлик ёғи, сабзаёт маҳсулотлари консервалари, ароқ ҳамда ликёр-ароқ маҳсулотлари ва бошқаларни ишлаб чиқариш ҳажмлари қисқарди. Худудда 1992 йилда туз саноати, 1996 йилда ёқилғи саноати пайдо бўлди. Ёқилғи саноати «Устюртгаз» давлат унитар корхонасининг фаолияти билан юзага келди.

2007 йилда Худудда қуйидаги тармоқлар - ёқилғи, кимё ва нефть кимёси, қора металлургия, ўрмон ва ёғочга ишлов бериш, қурилиш материаллари ва буюмлари, енгил саноат, озиқ-овқат, ун-крупа ишлаб чиқариш ва полиграфия тармоқлари нисбатан ривожланди.

3. Ишчи кучининг ҳажми, таркиби ва сифатини билдирувчи меҳнат салоҳияти ишловчиларнинг малака ва таълим даражалари билан тавсифланади. Шу билан бирга, меҳнат муносабатлари соҳасини аҳолининг демографияси ва популяцияси бўйича, иш билан бандлик ва ишсизлик бўйича, иш ҳақи даражаси ва унинг алоҳида ишловчилар гуруҳлари бўйича тафовути бўйича, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг турли хил шакллари ташкил этиш бўйича тавсифлаш ҳам мумкин. Бозор муносабатлари шароитида асосий муаммолардан бири меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини самарали таъминлаш ҳисобланади.

Худудда кейинги йилларда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим олаётган ёшлар сонига ўсиш тенденциялари кузатилаётганлигини кўриш мумкин(5.1-жадвал).

5-1-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, агарда 2000 йилда олий таълим муассасаларида ҳар 10 минг кишига таълим олувчилар сони бутун республика бўйича 13 тага, 2007 йилда 27 тага тенг бўлган бўлса, Қорақалпоғистон Республикасида мазкур кўрсаткичлар мос равишда 12 ва 22

кишига тенг бўлган. Республика бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим олувчилар сони 2000 йилда 32 та, 2007 йилга келиб 117 ўқувчига тенг бўлган бўлса, Қорақалпоғистон Республикасида мазкур кўрсаткичлар мос равишда 32 ва 176 ўқувчига тенг бўлиб 2007 йилдаги мамлакат ўртача кўрсаткичларидан юқори. Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим олувчи ўқувчилар сони мамлакат бўйича агарда 2000 йилда 124 кишига, 2007 йилда 86 га тенг бўлган бўлса Худуд бўйича ушбу кўрсаткичлар 2000 йилда 144 тага ва 2007 йилда 78 та тенг бўлган.

5.1-жадвал.

Олий таълим муассасалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва умумий ўрта таълим муассасалари битирувчилари тўғрисида маълумот

(ҳар 10 минг кишига)

Кўрсаткичлар	Йиллар									
	2000		2001		2003		2005		2007	
	ЎзР.	ҚР.	ЎзР.	ҚР.	ЎзР.	ҚР.	ЎзР.	ҚР.	ЎзР.	ҚР.
Олий таълим муассасалари	13	12	14	14	18	15	22	19	27	22
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари	32	43	37	45	41	68	86	120	117	176
Умумий ўрта таълим муассасалари	124	144	131	147	110	113	111	88	86	78

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Жадвал маълумотларидан хулоса қиладиган бўлсак, Худудда ҳар 10 минг кишига нисбатан олий ўқув юртларида таълим олувчилар сони агарда 2000 йилда 1 кишига кам бўлган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 5 кишига тенг бўлган. Ва аксинча, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим олувчилар сони мос равишда 9 та ва 49 тага юқори бўлган бўлса, умумий ўрта мактаб ўқувчилари сонидан 2000 йилда 20 ўқувчига кўп бўлиб 2007 йилда аксинча 8 та ўқувчига камайган.

4. Биринчидан – Худуднинг экспорт ва импортининг нисбати сифатидаги тўлов баланси билан тавсифланадиган Худуднинг ташқи иқтисодий алоқалари, иккинчидан эса – бюджетлараро муносабатлар,


трансфертлар, субсидиялар, субвенциялар ва шу кабиларнинг миқдори кўринишидаги тизим билан тавсифланадиган Худуднинг бюджет-молия муносабатлари. Мустақиллик йилларида Худудда ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланишида ижобий ҳолатлар кузатилмоқда.

Масалан, 2007 йилда республиканинг ташқи савдо айланмаси 120469,4 минг АҚШ долларини ёки бўлмаса, 2006 йилга нисбатан 139,1 фоизни ташкил этди. Жумладан: экспорт ҳажми 103755,8 минг АҚШ долларини ташкил қилиб, 2006 йилга нисбатан 61,6 фоизга ошган, импорт эса 16713,6 минг АҚШ долларини ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 25,4 фоизга камайган(5.1-расм).

Пахта толаси жами экспорт товарлари ичида асосий ўринни эгаллаб, унинг улуши 67,9 фоизни ташкил қилган ҳолда ўтган йилга нисбатан 17,0 фоизга камайган. Бунинг асосий сабаби энергия ресурслари экспортининг республика экспортидаги улуши ўтган йилга нисбатан 3,4 фоиздан 22,2 фоизга ошганлигидир. Импортнинг асосий қисмини машина ва ускуналар (47,4 фоиз), кимё маҳсулотлари (11,8 фоиз), қора ва рангли металллар (4,6 фоиз) ташкил қилди. 2007 йил якунида белгиланган худудий буйсинувдаги корхоналарнинг экспорт режаси 3720,1 минг АҚШ доллари миқдорида белгиланиб, ҳақиқатда 5933,0 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар ва хизматлар экспорт қилинди, яъни режа 159,5 фоиз га бажарилди.

Қорақалпоғистон Республикасининг 1994-2007 йиллардаги ташқи савдо айланмасини таҳлил қилишда энг юқори кўрсаткичга 1996 йилда эришилган бўлиб, бу кўрсаткич 228 389,8 минг АҚШ долларига тенг бўлган, шу жумладан экспорт 122 912,6 минг АҚШ долларига ва импорт 105 477,2 минг АҚШ долларига тенг бўлган.

Республиканинг 1994-2007 йиллардаги асосий ташқи савдодаги шериклари - МДХ давлатларидан Россия, Украина ва Қозоғистондир. Узоқ



5.1-расм. 1994-2007 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ташқи савдо айланмаси кўрсаткичлари, АҚШ долларида*

* Манба: Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

Изоҳ: * - 2001 йилдан бошлаб ташқи савдо айланмаси бўйича ҳисобга олиш Қорақалпоғистон Республикасидан ташқарида жойлашган корхона ва муассаларсиз ҳисобга олинади

хориж давлатларидан энг катта улуш - Буюк Британия, Италия, Швейцария, Хитой, Германия ва Эрон ҳисобига тўғри келган.

Экспортнинг товар тузилмасида асосий ўринни пахта толаси эгаллайди.

Ўз маҳсулотининг ишлаб чиқарувчи-экспортчиси бўлиб «Қорақалпоқпахтасотиш» АЖ, «Ийгиликгаз» Россия-Қорақалпоқ қўшма корхонаси, «ҚорақалпоқБоян» АЖ, «Берунийтекс» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ҳисобланади.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида Худудда экспортни ривожлантириш борасидаги қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

- импортнинг ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган ҳамкорликдаги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кўпроқ тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш;

- самарали маркетинг ишланмаларини ўтказиш бўйича хорижий экспортчи фирмаларнинг тажрибасини ўрганиш ва уларни амалда жорий этиш;

- ҳукумат даражасида темир йўлларда юк ташиш тарифларини қайта кўриб чиқиш ва зарур миқдорларда хом ашё ресурслар (пахта толаси) ни ажратиш.

Қорақалпоғистон Республикаси одатда дотацион Худудлар қаторига кирарди(2007 йилда Худуд дотациядан чиқиб фақат 5 та туман маҳаллий бюджет бўйича дотация олади). Республиканинг мустақиллигигача давлат бюджетидан берилган дотация 1990 йилда 159,9 млн. сўм (бюджет даромад қисмининг 53,8 фоизи)ни ташкил этган. 2006 йилда эса 46 108,2 млн. сўм (бюджет даромад қисмининг 30,9 фоиз) ни ташкил қилган ёки охириги беш йилда 2002 йилга нисбатан 2,2 марта ўсган. Бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш ва етишмаган маблағларни ундириб олиш билан боғлиқ ишларни ўрганиш натижасида солиқ тушумлари суммасининг 2006 йилдаги 77 648,2 млн.сўмдан 2007 йилда 96456,7 млн.сўмга ошиб, режа 103,2 фоизга

бажарилди. Режадан ташқари бюджетга 2990,9 млн.сўм ортиқча маблағ туширилди.

Республика бюджетидан 68074,0 млн.сўм субвенция ва республика бюджетининг даромади ҳисобидан 53267,1 млн.сўм олиниб, харажатларни коплашга йўналтирилган. Субвенциянинг бюджетдаги улуши 33,4 фоизни ва республика бюджетининг даромади ҳисобидан улуши 26,1 фоизни ташкил қилди.

Бюджетнинг харажатлар қисми режадаги 202305,0 млн.сўм ўрнига 203930,2 млн.сўм сарфланиб, режа 100,8 фоизга бажарилди.

Харажатлар қисми асосан ижтимоий маданий соҳаларга 139957,2 млн.сўм, ижтимоий таъминотга 25827,5 млн.сўм ва бошқа соҳаларга 38145,5 млн.сўм сарф қилинди.

Бюджетга тўланадиган тўловлар ва солиқлар 104,2 фоизга бажарилиб, режага нисбатан 4519,1 млн.сўм маблағ бюджетга ортиғи билан туширилди, ёки режа 107442,8 млн.сўм миқдорида белгиланиб ҳақиқатда 111961,9 млн.сўмга бажарилди.

5.2-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий бюджет даромадлари 1996 йилда 7822,3 млн.сўмни ташкил этган ҳолда маҳаллий бюджет бўйича дотациянинг улуши 46,2 фоизга тенг бўлган ҳолда, маҳаллий бюджет харажатлари 5707,3 млн.сўмни, ёки бўлмаса, даромаднинг 72,9 фоизини ташкил этган ҳолда, солиқлар тушуми 3023,2 млн.сўмни, ёки бўлмаса бюджет даромад қисмининг 38,6 фоизини ташкил этган бўлса, 2007 йил якунлари бўйича маҳаллий бюджетнинг даромадларининг ҳажми 217797,7 млн.сўмни ташкил этган ҳолда (дотация ажратилмаган) маҳаллий бюджетнинг харажатлари суммаси 203930,1 млн.сўмни, ёки бўлмаса даромадларга нисбатан 93,6 фоизга тенг бўлган бўлса, солиқлар тушуми 111961,9 млн.сўмни ёки бўлмаса, жами даромадларнинг 51,4 фоизини ташкил этганини кўриш мумкин. Ушбу маълумотлар бўйича қисқача хулоса чиқарадиган бўлсак, солиқларнинг маҳаллий бюджетдаги улушининг 38,6 фоиздан 51,4 фоизгача ошганлигининг ўзиям солиқларнинг Худуд иқтисодиётини бошқаришнинг

5.2-жадвал

1996-2007 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар
(млн.сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	Йиллар											
		1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007
1	Маҳаллий бюджет даромадлари	7822,3	14891,1	28002,3	27457,1	28381,4	43819,6	71005,6	85023,1	97694,0	123104,3	143886,1	217797,7
	ш.ж. дотация	3612,6	8768,1	15929,4	9861,4	11298,9	20493,7	36817,1	50852,2	42082,7	41412,8	46108,2	-
	Маҳаллий бюджетда дотациянинг улуши, %	46,2	58,9	56,9	35,9	39,8	46,8	51,9	59,8	43,1	35,9	31,2	-
2	Маҳаллий бюджет харажатлари	5707,3	14876,1	28002,3	27445,1	33582,9	43466,7	70934,6	84243,5	97682,8	117153,4	149358,9	203930,1
3	Солиқларнинг тушуми	3023,2	5571,0	10079,5	15327,9	19239,1	22547,4	28558,0	33459,8	41350,6	56115,0	77648,2	111961,9
4	Дебиторлик қарзлари (ички муассасаларсиз)	9688,8	9479,6*)	12712,6*)	11754,1*)	11632*)	13301,0*)	15499,9*)	22035,9*)	13757,3*)	16309,0*)	26975,1*)	25741,6*)
	ш.ж. муддати узайтирилган қарзлар	4475,0	4564,3*)	4304,4*)	242,5*)	212,1*)	377,1	905,4	675,1	659,1	986,6	1501,1	2205,7
5	Кредиторлик қарзлари(ички муассасаларсиз)	12076,4	11678,1*)	24583,3*)	23700,7*)	19034,8*)	24197,7*)	29778,2*)	35942,8*)	27128,8*)	35668,2*)	37391,1*)	53590,9*)
	ш.ж. муддати узайтирилган қарзлар	3737,1	5798,1*)	11743,3*)	796,4*)	433,2*)	846,8	1841,5	1667,2	1035,2	1210,4	2087,7	2865,4
6	Баланс фойдаси (зарар)	1611,8	1908,2	-3092,7**)	-1861,4**)	-4759,3**)	-556,7**)	4615,6	21994,3	17905,6	13845,3	16221,3	51559,3

*) ички муассасалар қарзларисиз.

**) қишлоқ хўжалиги корхоналарини ҳисобга олиш билан.

Манба: Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

ташкилий-иқтисодий механизмнинг муҳим элементиға айланаётганлигидан далолат беради.

2008 йил 1 январ ҳолатиға маҳаллий бюджет олдидаги боқиманда қарздорлик 7241,9 млн.сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу давриғанисбатан Ҳудуд бўйича 657,4 млн.сўмға купайган, бунинг асосий қисми Қўнғирот (611,3 млн.сўмға), Беруний (190,7 млн.сўм), Қонликўл (63,3 млн.сўм) ва Амударё туманларига (88,5 млн.сўмға) тўғри келади.

Республикада кредитлаштириш фондларидан кредит бериш, биринчи навбатда, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва савдо тармоғида халқ истеъмолидаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашға йўналтирилади.

Республиканинг тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар тузилмасини яхшилаш бўйича зарур тадбирлар кўрилиб, охирги йилларда халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун бериладиган кредитлар ҳажми ошиб бормокда.

Барча кредит ташкилотлари томонидан хўжалик субъектларига берилган кредитлар ҳажмининг кўрсатишича, 1997 йилда кредитлар суммаси 4 868,3 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 1998 йилда эса улар 76,7 фоизға ортиб, 8 600,6 млн.сўмни ташкил этган. 1999 йилда эса мос ҳолда олдинги йилға нисбатан 42,0 фоиз ва 10 660,9 млн.сўмға ортган, 2000 йилда эса – 59,3 фоиз ва 16 983,3 млн.сўмни ташкил қилган бўлса 2007 йил якунида хўжалик юритувчи субъектларға барча кредит берувчи муассасалар томонидан 97757,0 млн.сўм кредит ажратилган бўлиб (узоқ муддатлиси 63485,0 млн.сўм), шундан тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан 71699,0 млн.сўм (узоқ муддатлиси 42369,0 млн.сўм) берилган бўлиб, 193 та хўжалик субъектлари (қишлоқ хўжалигидан ташқари) соф фойда билан чиқиб, фойда миқдори 43558,8 млн.сўмни ташкил қилган⁷⁷.

Мавжуд иқтисодий ресурсларни баҳолаш асосида иқтисодий ривожланишни бошқаришнинг Ҳудудий тизими яратилиши зарур. Бунинг

⁷⁷ Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

учун, биринчидан, Худуднинг иқтисодий ривожланиши учун мавжуд ресурсларнинг устуворлигини аниқлаш, иккинчидан, мавжуд ресурсларнинг камчиликларини тўлдириш, учинчидан, маҳаллий ҳокимиятлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий асосларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасидаги ишларни жадаллаштиришлари лозим.

Замонавий устувор йўналишларни аниқлашда, биринчи навбатда, маҳаллий ишчи кучининг сифатини ошириш масаласи туриши лозим. Масалан, америкалик тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, транспорт ва бозор инфратузилмасининг ривожланганлиги ҳамда унинг қулай жойлашганлиги эмас, балки айнан ишчи кучининг «кадрлилиги» фирмаларни маълум бир ҳудудга жалб этишнинг бош омили ҳисобланади. Уларнинг фикрича, Худудий ҳукумат учун минглаб иш жойларни яратиш имконини берадиган янги корхонани жалб этиш эмас, балки бир неча замонавий технологиялар билан шуғулланадиган, оқибат - натижада кўплаб иш жойларини яратадиган, ҳудуднинг рақобатбардошлиги ҳамда ривожланишининг барқарорлигини таъминлайдиган тадқиқотчилик лабораторияларини ташкил этиш фойдали ҳисобланади.

Умуман олганда фикримизча, ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ва яқин келажакда Худудда мавжуд табиий-ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш борасида қуйидагиларга асосий эътиборни қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- Худуднинг табиий-иқлим шароитидан келиб чиқиб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда экстенсив хўжалик юритишдан воз кечган ҳолда фақат интенсив тараққиётга ўтиш;

- қишлоқ хўжалигида капитал маблағларнинг асосий қисмини сувни тежовчи тадбирларни ўтказиш ва ерларнинг мелоратив ҳолатини яхшилашга саарфлаш;

- ҳудудларда саноатнинг кам сув талаб этадиган тармоқларини ривожлантиришга устунлик бериш;

- иқтисодиётнинг барча соҳаларида ресурслар(сув, электр-энергия, материал сарфларни ва ҳ.к.лар)ни тежаш ва улардан оқилона фойдаланишнинг кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш;

- ишончли хом ашё базаси ва стратегик муҳим тармоқларни қўллаб-қувватлаш йўли орқали иқтисодиётнинг барча соҳаларини ва аҳолини иссиқлик-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш;

- меҳнат ресурсларидан фойдаланиш сифатини ошириш, уларни бошқаришни такомиллаштириш(аҳоли бандлигини ошириш мақсадида ҳудудларда касаначилик фаолиятини ривожлантириш, уларнинг касбий малакаларини ошириш ва ҳ.к.лар).

Шундай қилиб, хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ҳудуд иқтисодиётининг ривожланишини таъминлашда унда мавжуд бўлган барча ресурслар салоҳиятидан самарали ва оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий салоҳиятини ошириш, ўз навбатида, унинг мамлакат Ҳудудлари орасидаги энг қолоқ ҳудуддан тез суръатлар билан ривожланувчи Ҳудудлар қаторига қўшилишига, Ҳудудда ривожланган инфратузилмани яратишга, аҳолининг турмуш даражасини оширишга имкон беради.

ХУЛОСА

Бозор шароитида Қорақалпоғистон Республикаси ва умуман мамлакатда Худуд иқтисодиётини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий тақлифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш борасида олиб борилган тадқиқотлар қуйидаги хулоса ва тақлифларни билдириш имконини берди:

1. Худуд иқтисодиётини бошқариш – бу, бошқариш объекти ва субъекти сифатида давлат ва Худудий бошқарув органлари томонидан иқтисодий, ташкилий-маъмурий, ҳуқуқий бошқарув усуллари ва турли дастаклари орқали тартибга солиб турилишидир.

2. Худуд иқтисодиётини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми иқтисодиётда ишлаб чиқариш ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар сифатида тадқиқ этилди ва қуйидагилардан иборатлиги асосланди: меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга ошириш, бошқарувнинг ташкилий тузилмаларини шакллантириш; интеграция ва кооперация; молиявий-кредит механизми; суғурталаш тизими; меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлаш; инновацион ташкилий-бошқарув тузилмаларини тузиш; хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги муносабатлар, солиққа тортиш тизими, инвестиция, нарх ва харажатлар, фойда ва рентабеллик ва ҳақозолар.

3. Худудий иқтисодиётни бошқариш борасида айрим мамлакатларнинг тажрибаларини тўғридан-тўғри қабул қилиш ёки уни тўлалигича олиб ўтиш кўпинча ижобий самара бермайди. Бу борада муваффақиятга фақатгина жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиб чиқиш ва улардан маҳаллий шароитларга кўпроқ мос келадиган айрим жиҳатларини амалиётга қўллаш натижасида эришиш мумкин.

4. Ўзбекистонда бозор ислохотлари тарзида амалга оширилган институционал ўзгаришлар самарали иқтисодий институтлар ва бошқарув институтларини яратиш ҳамда уларнинг ишончли тарзда амал қилиши учун

етарли эмас. Миллий бозор ислоҳоти ва унинг оқибатларини таҳлил қилиш куйидаги хулосаларга олиб келди:

- бозор ислоҳотларининг натижавий бўлишини таъминлаш учун ҳуқуқ, мулк институтлари, ташкилий ва молиявий институтларни қамраб оладиган институционал ўзгаришларни жадал давом эттириш зарур;

- бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда шаклланиб бўлган юридик институтларни Ўзбекистонда ҳам ривожлантириш лозим;

- бошқарув институтлари ўзгариб бораётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, экологик шароитларга мос ҳолда вақти-вақти билан қайта ташкил этиб борилиши керак.

5. Республика субъектлари, маҳаллий бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар жамиятлари институтлари билан бўладиган ўзаро фаолиятларда ҳукуматнинг фаол қатнашиши ўз навбатида Худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутиб, барча даражаларда хусусий ва давлатнинг шерикчилик механизмини такомиллаштириш Худудларнинг, шунга мувофиқ бутун мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим захира бўлиши мумкин.

6. Мамлакатдаги ҳозирги шароитларда кейинчалик инновацион ривожланишга ўтиш йўли билан инвестицион ривожланишга урғу бериш мақсадга мувофиқдир. Бироқ ҳозирданок жалб этилаётган инвестицияларнинг инновацион тўлиқлигига объектив талаблар мавжуддир. Рақобатда Худуд устунлигини яратишда илмий билимлар ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ҳам Худуднинг инвестицион салоҳиятини шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади. Худудий органлар томонидан рақобатбардошликни ошириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга оширишда кўпинча рақобатдаги устунлик яратилаётган худуд учун асосий хусусиятлар ва имкониятларнинг қанчалик тўлиқ ҳисобга олинганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолади.

7. Ислохотлар йилларидаги Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётини таҳлил қилиш, мамлакатнинг бошқа Худудларида бўлгани каби иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришда ижобий ҳолатлар кузатилди. Лекин Худудда табиий, иқтисодий ва меҳнат ресурслари каби мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланилмапти. Худудда мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш учун агросаноат мажмуаси ва қайта ишлаш саноати тармоқларига инвестицияларни жалб этиш зарур.

8. Республика худудларида иқтисодий сиёсатни амалга оширишда бир қатор муҳим шартларни эътиборга олиш лозим. Булардан энг асосийси—бу нафақат юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришишни таъминлайдиган, балки, республика иқтисодиётида истиқболли таркибий ўзгаришларни ва солиқ базасини кенгайтирувчи комплекс чора-тадбирлар бўлиб, уларни изчил амалга ошириш зарур.

Худудий иқтисодий сиёсатнинг қуйидаги устувор йўналишларига асосий эътибор қаратилиши лозим:

- марказий бошқарув функцияларини ва ваколатларини бажариш учун зарур бўлган давлат мулки ва маҳаллий мол-мулклардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга;

- меҳнат, молиявий ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратишга, иқтисодиётнинг сезиларли иқтисодий самара берадиган устувор тармоқларида йирик инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг, молия-кредит муассасаларининг ва бошқа шакллардаги корхоналарнинг интеграциясини самарали шакллантириш соҳасида аниқ сиёсатни амалга оширишга;

- йирик замонавий умумреспублика иқтисодий тизимида республиканинг хўжалик юритувчи субъектлари ўзаро кооперацияси ва рационал интеграциясилашувига;

- маҳаллий бошқарув органларининг уларга мақбул бўлган иқтисодий ўсиш ресурсларига сафарбарликларини рағбатлантирувчи шароитларни яратиш ва бунинг асосида келгусида маҳаллий бюджетларнинг даромад массасини мустаҳкамлашга;

- республика тармоқларининг мақсадли дастурларини ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, республика аҳолисининг иш билан бандлигини таъминлаш йўлида барча имкониятлардан тўла фойдаланишга.

9. Ҳудудларнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишни амалга ошириш амалда Ҳудудий бошқарув даражасида уларнинг ўзига хос шарт-шароитларини ҳамда бозор муносабатларига ўтиши билан пайдо бўлган муаммоларини эътиборга олган ҳолда, асосан, саноат тармоқларини ривожлантиришга асосий эътиборни қаратиш лозим.

Ҳудудда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишида асосий омиллар қуйидагилардир:

- илмий-техник тараққиёт ва у томонидан аниқланадиган жамият ривожланишининг илмий-техник даражаси;
- Ҳудуд иқтисодиёти тузилмасини тармоқлар диверсификацияси ва таркибий ўзгаришлар йўли орқали такомиллаштириш;
- бошқарувни бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларини информацион таъминлашни ривожлантириш асосида такомиллаштириш;
- инвестицион жараёнларни фаоллаштириш асосида ишлаб чиқаришнинг умумий техник даражасини ошириш.

10. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини камайтириш учун Қорақалпоғистон Республикасининг яқин йиллардаги иқтисодий ривожланишида қуйидаги устуворликлар таъминланиши лозим:

- анъанавий ва янги ишлаб чиқаришни тиклаш, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, тоғ-кон қазиб олиш тармоғини, нефть ва газни қазиб олиш ва қайта ишлашни, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш комплексини ривожлантириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг келгусидаги ривожланиши учун қулай муҳитни таъминлаш, йирик ишлаб чиқарувчи субъектлар билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари орасида ўзаро кооперацион алоқалар шакллари–лизинг, франчайзинг, бизнес инкубаторлари, венчур бизнесни йўлга қўйиш;

- самарали молиявий тизимни шакллантириш, тўлов баланси ҳолатини яхшилаш ва тадбиркорлик фаоллиги ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- аҳолининг иш билан бандлиги даражасини ошириш, камбағаллик даражасини пасайтириш, яшаш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш;

- уй-жой қурилишини, ипотека кредитлаш тизимини, нобюджет молиялаштириш институтларининг ривожланишини тезлаштириш.

11. Ҳудуд иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш учун аввало, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш орқали маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш борасида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

- Ҳудуд ҳудудларидаги корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш мақсадида Ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш;

- йирик ишлаб чиқариш корхоналари учун бутловчи қисмларни (олдин импорт қилиб олиб келинган) маҳаллий кичик корхоналарда ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш;

- ҳудудий лойиҳадаги ишланмаларни амалиётга жорий этишнинг самарали тизимини яратиш;

- экспортга ихтисослашган корхоналарни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш;

- Ҳудуд ва тармоқлар даражасида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини, инновацион салоҳиятини, саноат тармоғи ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро алоқаларини ривожлантирадиган кластер тизимини ишлаб чиқиш;

12. Мамлакат ҳудудларининг барқарор ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини, аҳолининг яшаш даражасини ошириш учун йўналтирилган самарали сиёсатни амалга оширишни таъминловчи механизмни яратиш зарур. Бунинг учун қуйидаги иккита асосий вазифани ечиш лозим:

- Ҳудудий ҳукумат ваколатларини таъминловчи самарали ва аниқ молиялаштириш тизимини шакллантириш;

- аҳоли турмуш даражасини ошириш учун Ҳудудий ва маҳаллий ҳукуматнинг сиёсий жавобгарлик механизмини яратиш.

13. Бозор иқтисодиётининг самарали фаолият юритиши фақатгина бошқаришнинг янги шакллари, усуллари ва тамойилларини қўллаш натижасида амалга оширилиши мумкин. Натижада бошқариш мослашувчанлигининг долзарблигини оширувчи иқтисодиётни бошқаришнинг муҳим дастакларидан бири - стратегик бошқарув юзага келади, самарадорликнинг бозор-иқтисодий мезонлари муҳим аҳамият касб этади. Бунда муаммоларни ечишнинг асосий дастаги, етарли даражадаги юқори суръатлар билан барқарор ва сифатли ўсишни таъминловчи, аҳоли яшаш шароитларини яхшиловчи иқтисодиёт ривожланишини стратегик бошқариш ҳисобланади.

14. Иқтисодиётнинг ривожланиш стратегиясини аниқлаш жараёнидаги эскирган қарашлардан воз кечиш, янги фикрлар парадигмаларини шакллантириш, Ҳудудларнинг мавжуд иқтисодий салоҳиятидан оптимал

фойдаланишнинг имконини берувчи ва келгусидаги йўналишларни сифатли башоратлашга мўлжал олиш замонавий бошқарув назарияси процедуралари ва янги усуллари йўрганишни талаб этади.

15. Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётига яқин келажакда инвестицияларнинг катта ҳажмини ёқилғи-энергетика комплексига киритиш мақсадга мувофиқ бўлиб, мазкур тармоқнинг ривожланиши иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун локомотив вазифасини ўташи ва бунинг натижасида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ошишига, яъни аҳоли даромадининг кўпайишига ва Ҳудуд рақобатбардошлигининг кучайишига имкон беради.

16. Келгусида Ҳудуд иқтисодиётини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилган ҳолда такомиллаштириш тавсия этилади:

- марказий ва Ҳудудий бошқарув органлари ўзаро муносабатларининг самарали механизмининг яратиш;
- икки ёқлама бошқарув тизимининг такомиллаштириш;
- Ҳудудий ва маҳаллий бошқарув органлари ташкилий тузилмаларининг оптималлаштириш;
- меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш механизмининг такомиллаштириш;
- тармоқ ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида хусусиятларни эътиборга олган ҳолда кадрларни танлаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ва ҳ.к.лар.

17. Ҳудудий бошқарув органлари функцияларининг такомиллаштиришнинг асосий тамойиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланиши мумкин:

- маҳаллий давлат ҳокимиятининг ижрочи органлари ва вакиллари орасидаги кучлар баланси ва ваколатларни аниқ белгилаш;
- стратегик тартибга солиш ва Ҳудуд, туман ва шаҳар ҳокимиятларининг ташкилий бошқарувидаги функцияларни самарали бирлаштириш;

- Ҳудуд ва қуйи ҳокимият бошқарув органларининг ўзаро алоқаларида мувофиқлаштирувчи ва инструментал функцияларнинг такрорланишини самарали ечиш.

18. Ҳудуд даражасида аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий инфратузилма ҳолати ва унинг ривожланиш мониторингини олиб бориш механизмини йўлга қўйиш зарур. Бунда қуйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим:

- маълумотларни тўплайдиган, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини таҳлил қилиш, башоратлаш ва Ҳудуднинг барча ҳудудий даражаларида ижтимоий таъминотнинг интеграл индексини ҳисоблайдиган ижтимоий мониторинг марказини яратиш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш(компьютер техникаси, алоқа воситалари, мутахассислар ва ҳ.к.лар билан таъминлаш);

- ҳар бир маҳаллани ижтимоий мониторингнинг ҳудудий бўлимларига боғлайдиган Ҳудуд бўйича ягона информатсион тармоқ тизимини яратиш.

19. Инновацион жараёнлардаги муаммоларни ечиш учун илмий-техник маҳсулотларни амалга оширишнинг Ҳудудий ташкилий тузилмасини такомиллаштириш зарур. Бунинг учун Ҳудудда инновацион жараёнларни бошқарувчи замонавий ташкилий тузилма яратилиши лозим. Тузилманинг асосий бўғини ўз фаолиятини республика ва мамлакатнинг бошқа вилоятларидаги илмий марказлар орқали фаолият юритаётган илмий-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш тизимлари, селекцион марказлар, тажриба-ишлаб чиқариш муассасалари билан ўзаро алоқаларини мувофиқлаштирувчи илмий муассасалар ва ОЎЮлари бўлишлари лозим. Мазкур тузилма фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашувига тажриба ва синовдан муваффақиятли ўтган маҳаллий ва хорижий ишланмаларнинг амалиётга жорий этилишини жадаллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

20. Республикада 2009–2012 йиллар бўйича қабул қилинган иқтисодий инқирозга қарши дастурда белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда унинг алоҳида Худуд–субъектлари даражасида уларнинг ўзига хос шарт-шароитларини ҳамда ҳозирги шароитда аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини оширишда худудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришда қуйидаги жиҳатларга асосий эътиборни қаратиш лозим:

-хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари фаолиятини текшириш ҳажмини камайтириш, рўйхатга олиш, бизнес юритиш учун лицензия ва рухсатнома бериш тизимини чуқур инвентризация қилиш асосида такомиллаштириш, корхоналар фаолияти жадаллашувига қўшимча инвестицияларни жалб этиш, турли хил тўсиқ ва хавф-хатарларга барҳам бериш;

- фермер хўжаликларида етказилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, хусусан, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ихтиёрийлик тамойили асосидаги кооперацияларнинг турли шакллари яратиш;

-аҳоли бандлиги даражасини кўтариш ва рақобатбардошликни ошириш учун бевосита қўллаб-қувватлашни, фаолият юритиш муҳитини яхшилаш (ахборот олиш имконияти, маъмурий тўсиқларни чеклаш, солиқ ва ижтимоий тўловлар юкини енгиллаштириш, ташқи молиялаштириш манбаларига эга бўлиш имкониятларини юксалтириш ва бошқалар);

- қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва кредитлар бериш механизминини тижорат банклари орқали унинг кредит ставкаларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш даври хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда камайтириш орқали такомиллаштириш;

- амалда шаклланган касаначилик тури билан бир қаторда унинг замонавий (электрон) турлари–ахборот технологиялари соҳасидаги йирик мутахассисларни, меъморлар, дизайнер, дастурчилар ва бошқа соҳа

мутахассисларидан ташкил топган хизмат кўрсатиш субъектларини кўпайтириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сонини Худуддаги шаҳар ва туманлар бўйича ҳисобга олган ҳолда маблағларни текис тақсимлаш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Тошкент. Ўзбекистон 2008.
- 1.2. “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тўғрисида”ги Қонун. 1992 йил 4–январ.
- 1.3. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун. 1993 йил 2 сентябр.
- 1.4. “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун 1999йил 2 сентябр.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя этиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. 1994 йил 21 январ.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик корхоналарни рағбатлантириш қўшимча чоралари тўғрисида”ги Фармони. 2002 йил 16 июнь.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги” Фармони. 2003 йил. 9 декабр.
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони. 2003 йил 22 декабр.
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони . 2005 йил 12 апрель.
- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2006 йил 5 январь.
- 1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва технологияларни ривожлантиришни бошқариш ва тартибга солишни

такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори. 2006 йил 7 август.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирларитўғрисида”ги Фармони. 2007 йил 12 ноябрь.

1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2008 йил 18 ноябрь.

1.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармони. 2008 йил 28 ноябрь.

1.15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви республика органларининг бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида”ги Қарори. 2004 йил 5 январь.

1.16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. 2004 йил 5 январь.

1.17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳудудий давлат ҳокимияти органлари бошқарув тизимини такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2004 йил 30 март.

1.18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори 2006 йил. 6 февраль.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва маърузалари

2.1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон. 1997.б. 326.

2.2. Каримов И.А. Янгича ишлаш ва ўйлаш: давр талаби. –Т.: Ўзбекистон. 1997. б. 75.

2.3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: Ўзбекистон. 2000. б. 352.

2.4. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифамиз.// “Фидокор” №22(121) 2000 йил 15 февраль.

2.5. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз// Туркистон 2001 йил 17-феврал, №13-14

2.6. Каримов И. А. Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифамиз// Фидокор Ўзбекистон фидокорлар миллий демократик партиясининг газетаси №22(121) 15 февраль 2000 йил

2.7. Каримов И.А. “2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш яқунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида”. Ишонч 2003 19 июл.

2.8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиyatни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Халқ сўзи 2005 29 январ.

2.9. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш-бош йўлимиз. /Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида/. –Т.: Ўзбекистон. 2005. б. 528.

2.10. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодий талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш-фаровон ҳаётимиз гаровидир. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007.

2.11. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли»//«Ўзбекистон овози». 2007 й., 31 август.

2.12. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир/ Халқ сўзи 2008 йил 9 февраль.

2.13. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш-давр талаби/ Халқ сўзи 2009 йил 14 февраль.

2.14. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/ И.А.Каримов.-Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.

III. Китоб ва туркум нашрлари

3.1. Абдурахманов К.Х. и др. «Региональная экономика и управление». Учебник. / под.ред.акад.С.С.Гулямова.-Т.: Изд-во «Fan va texnologiya», 2007 г, 750 с.

3.2. Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. Ташкент.: Фан, 1992.

3.3. Борисов А.Б. Большой экономический словарь. Издание 2-е перер. и дополненное.-М.: Книжный мир, 2006.-860 с.

3.4. Гаврилов А.И. Региональная экономика и управление: Учеб. пособие для вузов.— М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. — 239 с.

3.5. Гапоненко, А.Л. Управление экономическим развитием / А.Л. Гапоненко. М. , 1997. –с.29

3.6. Герасимов Б. И. и др.// Организационно-экономический механизм формирования региональных программ социально- экономического развития (на примере Тамбовской области) / Под науч. ред. д-ра экон. наук, проф. Б. И. Герасимова. Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2002. 148 с

3.7. Гирусов Э.В. и др. Экология и экономика природопользования: Учебник для вузов/ Под ред. проф. Э.В. Гирусова. – М.: Закон и право, ЮНИТИ. – 1998.

3.8. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики.-М.:ГУ ВШЖ, 2003.-495 с.

3.9. Гутман Г.В., Мироедов А.А., Федин С.В. Управление региональной экономикой. М.: Финансы и статистика. 2002.с.176.

3.10. Дульщикова Ю.С. Региональная политика и управление. - М.: Изд-во РАГС, 2001.- 257 с.

3.11. Жихаревич Б.С. Современная экономическая политика городских и региональных властей/ РАН ИСЭП СПб. 2001.-237 с.

3.12. Зайнутдинов Ш.Н. и др. Оценка эффективности управления экономикой. /под ред. д.э.н., проф. Ш.Н. Зайнутдинова. Монография.- Т.: ТГЭУ. 2003. с. 125 с.

3.13. Коробова О.В., Герасимов Б.И., Быковский В.В. Региональная экономика: реструктуризация системы управления развитием региона / Под науч. ред. проф. Б. И. Герасимова. Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2002. 104 с.

3.14. Ларина Н.И., Кисельников А.А. Региональная политика в странах рыночной экономики. М.: «Экономика», 1998.- 174 с.

3.15. Лескин В.Н., Швецов А.Н. Государство и регионы. Теория и практика государственного регулирования территориального развития. М.: УРСС. 2002.-368.

3.16. Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент. Муаллифлар жамоаси. дарслик /акад. С.С.Ғуломов, проф. Ш.Р.Холмўминов, доц. М.З.Каланова тахрири остида. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент 2004. 349.

3.17. Муравьев А.И., Игнатьев А.М., Крутик А.Б. Предпринимательство: Учебник.-СПб.: Издательство «Лань», 2001.-с.61.

3.18. Набиев Э., Қаюмов А.. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти. “Академия” 2000 й. 87 б.

3.19. Нестеров П.М., Нестеров А.П. / Экономика природопользования и рынок: Учебник для вузов.-М.:Закон и право, ЮНИТИ, 1997.с.3.

3.20. Низамов А.Б. Экономический рост и управление региональной экономикой в условиях рынка. Ташкент.: Turon-Iqbol, 2006, 208 с.- монография.

3.21. Пикулькин А.В. Система государственного управления: учебник/ А.В. Пикулькин; под ред. Т.Г. Морозовой.-М.: ЮНИТИ, 1997.-352 с.

3.22. Райзберг Б.А. Курс управления экономикой.-СПб.: Питер, 2003.-с.568.

3.23. Рахимова Д.Н. ва бошқ. Замонавий менежмент: назария ва амалиёт. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ДЖҚА.-Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи 2009.792-б

3.24. Региональная экономика. Основной курс: Учебник/ Под ред. В.И.Видяпина, М.В.Степанова.-М.: ИНФРА-М, 2005.-686 с.-(Высшее образования)

3.25. Рузметов Б. Региональная экономика. Опыт, проблемы, эффективность комплексного развития.-Т.: Фан, 2003.

3.26. Тимонина И.Л. Япония: опыт регионального развития.М.: 1992

3.27. Тухлиев Н., А.Кременцова. Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедик маълумотнома.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2002.5000-464 б.

3.28. Тўхлиев Н. ва бошқ. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари./Н.Тўхлиев, Қ.Ҳақбердиев, Ш.Эрмаматов, Н.Холматов.-Т.:“Ozbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти, 2006. 280 б.

3.29. Уколов В.Ф. Приоритеты управления региональным развитием. – М.: Экономика, 2001.- 256с.

3.30. Управления региональной экономикой/ Г.В.Гутман, А.А.Мироедов, С.В.Федин: под ред. Г.В.Гутмана.-М.:Финансы и статистика, 2001.

3.31. Уткин Э.А., Денисов А.Ф. Государственное и муниципальное управление. — М.: Ассоциация авторов и издателей «Тандем». Издательство «ЭКМОС», 2001 г. — 304 с.

3.32. Фетисов Г.Г., Орешин В.П. Региональная экономика и управление: Учебник.-М.:ИНФРА-М, 2006.-416 с.

3.33. Шамхалов Ф. Государство и экономика. Власть и бизнес/ Феликс Шамхалов.-2-е изд., перераб. и доп.-М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2005.-714 с.

3.34. Шарифхўжаев М.Ш., Абдуллаев Ё.А. Менежмент: Дарслик. –Т.: Ўқитувчи. 2001. 715 б.

3.35. Шнипер Р.И.Регион: экономические методы управления.- Новосибирск: Наука, 1991.-320 С.

3.36. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт/ Муаллифлар жамоаси: Р.О.Алимов, А.Ф. Расулев, А.М. Қодиров ва бошқ.// С.С.Ғуломов таҳрири остида.-Тошкент. Konsauditinform-nashr, 2006/ 440 б.

3.37. Челноков И. В., Герасимов Б. И., Быковский В. В. Региональная экономика: организационно-экономический механизм управления ресурсами развития региона / Под науч. ред. д-ра эконом. наук, проф. Б. И. Герасимова. Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2002. 112 с.

IV. Диссертация ва диссертация авторефератлари

4.1. Ахмедов Т.М. Управление территориальной организацией производительных сил и комплексным развитием регионов Узбекистана. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Ташкент.1992. 40 с.

4.2. Дроздов С. А. Совершенствование механизма управления собственностью промышленных корпораций специальность 08.00.05 – экономика и управление народным хозяйством (экономика, организация и управление предприятиями, отраслями, комплексами) диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва – 2001

4.3. Дроздова Н.Н. Организационно-экономический механизм функционирования птицепродуктового подкомплекса АПК специальность 08.00.05 – «экономика и управление народным хозяйством (экономика, организация и управление предприятиями, отраслями, комплексами – агк и сельское хозяйство)» автореферат дисс. на соиск. учен. степени канд. эконом. наук Москва – 2007

4.4. Жукова М.А. Специфика формирования механизмов регионализации и интеграции деятельности хозяйствующих субъектов территории. 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством: региональная экономика. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук. Нальчик-2006

4.5. Крупинин С.Н. Организация регулирования социально-экономического развития монопродуктового региона специальность 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством(региональная экономика) Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук.- Москва 2006.

4.6. Кабулов С. Организационно-экономический механизм управления экономикой региона в условиях рынка. Иқтисод фанлари номзоди даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. ДЖҚА. Тошкент. 1999 йил.

4.7. Махкамова М.А.Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан. Автореф. дис. ... докт. экон. наук. –Т.: ТГТУ, 2004.

4.8. Мукин С. В. Особенности управления социально-экономическим развитием дотационного региона специальность 08.00.05 – «Экономика и управление народным хозяйством(региональная экономика)» Автореферат диссертации на соискание учёной степени доктора экономических наук.- Москва 2007.

4.9. Рузметов Б. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ(на примере Хорезмской области). Автореф. дис. ... докт. экон. наук.- Ташкент, 1998

4.10.Соловьев С. А. Организационный механизм совершенствования местного самоуправления в крупном городе специальность 08.00.05. – экономика и управление народным хозяйством: региональная экономика автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Санкт-Петербург 2006

4.11. Содиқов А.М. Ўзбекистон Худудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва уни тартибга солиш механизмлари. 08.00.12-“Худудий иқтисодиёт” ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент-2006.

4.12. Хазов Андрей Юрьевич Формирование регионального экономического механизма природопользования специальность 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством (региональная экономика) автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Чебоксары 2007.

V. Журналлардаги мақолаларга ҳаволалар

5.1. Абатуров В. на основе доклада ЦЭИ(авторы доклада: Х.Мурадова, В.Бронштейн, О.Намозов, Ш.Назаров, Х.Садыков, Б.Эргашев, Ш.Файзуллаева, М.Насырова) Административная реформа на местах./ Экономическое обозрение. 2005 №8 с.5-7.

5.2. Авилова А. Реформа системы регионального управления в Италии/ Проблемы теории и практики управления №6 2002. с.53-57.

5.3. Аралбаева Ф.З., Петрова Е.В. Оценка эффективности от возможного устранения ущерба при реализации экономической политики государства на уровне региона/ Вестник ОГУ № 8. 2006. с.165-166.

5.4. Алимов Р. Современное состояние и перспективы развития конкурентоспособности экономики Узбекистана/ Экономический вестник Узбекистана №3-4, 2004г. с.5-7.

5.5. Борисюк. Н.К. Некоторые аспекты региональной инвестиционной политики/ Вестник ОГУ № 4. 2002. с.198-201.

Бычкова Е.А., Дмитриев М.Н. Механизм планирования, организация и регулирования рынка прав на экологических ущерб в регионе// Менеджмент в России и за рубежом, №6, 2004. с.118.

5.6. Вишняков Я.Д., Илюшникова Т.А. Глобальный экологический кризис и пути выхода из него: эколого-экономические и управленческие аспекты/ Менеджмент в России и за рубежом, №5, 2001. с.62.

5.7. Вострикова М.П. Методика управления региональным маркетингом для повышения инвестиционной привлекательности региона/ Вестник ОГУ № 8. 2004. с.128-133.

5.8. Ганиев Б., Т.Ахмедов Актуальность региональной политики в Республике Узбекистан/ Экономическое обозрение. 2005 выпуск 1.

5.9. Гранберг А. Региональный разрез экономической реформы.- Экономика и жизнь, 1992, № 39.

5.10. Долятовский В.А. Зарубежный опыт комплексного развития регионов.-Регионология, 1994, №2-3.

5.11. Десять лет независимости Узбекистана// Экономическое обозрение. №8-9. 2001 с.4-5.

5.12. Зайнутдинов Ш.Н., Нуримбетов Р.И. Зарубежный опыт управления региональной экономикой//Деловой партнер. uz. № 46(711) 15-21 ноября и 47(712) 22-28 ноября 2007

5.13. Зарубежный опыт проведения административных реформ. Обзор подготовил Виктор Абатуров, при поддержке Ю. Наумова, Центр экономических исследований //Экономическое обозрение №10 2003.

5.14. Комков Н.И., Лазерев А.В. Многоуровневая структура и подходы к оценке экономической категории «Конкурентоспособность» / Проблемы прогнозирования №4(103), 2007 МАИК «Наука/ Интерпериодика» Москва 2007.3-20 с.

5.15. Кошечкин Ш. ФРГ: взаимодействие федерации и земель / Проблемы теории и практика управления №2. 2001. с.93-97.

5.16. Кузнецова О. Теоретические основы государственного регулирования экономического развития регионов/ Вопросы экономики № 4 2002. с 46-66.

5.17. Лапаева М.Г., Байтлюв С.А. Организационно-экономический механизм управления инвестиционным процессом в регионе/ Вестник ОГУ №2/ февраль 2006 Том 1. Гуманитарные науки с.91-98.

5.18. Лескин В.Н., Швецов А.Н. Смысл и механизмы государственного регулирования территориального развития. Статья первая.// Российский экономический журнал, 1997, №3. с.32-46.

5.19. Лескин В.Н., Швецов А.Н. Смысл и механизмы государственного регулирования территориального развития. Статья вторая.// Российский экономический журнал, 1997, №4. с.25-42.

5.20. Махкамова М. Инновационно-инвестиционная политика в новых условиях. // Экономическое обозрение 2001, №12. с.11-12.

5.21. Махмудов Э.. Время новаций и бизнеса. //Деловой партнер.uz №41(706) 11-17 октября 2007.

5.22. Минакир, П.А. Трансформация региональной экономической политики/ П.А. Минакир// Проблемы теории и практики.-2001.№2-С.87-92.

5.23. Насретдинов С. Жозибадор инвестицион мухит-иктисодий юксалиш негизи/ Бозор, пул ва кредит.№7 2007. 9-10 бетлар.

5.24. Нуримбетов Р.И. Совершенствование управления природопользованием // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Аграр-иктисодий, илмий-оммабоп журнал. 2006 йил, №2 февраль. с.7.

5.25. Нуримбетов Р.И. Ҳудудий иқтисодиётни бошқариш.// Жамият ва бошқарув 2006 йил (махсус сон) 19-21б.

5.26. Нуримбетов Р.И. Ҳудудий иқтисодиёт ривожланишида инвестиция муҳити.//Бозор, пул ва кредит Илмий-амалий журнал №4(119) апрел, 2007 йил.

5.27. Нуримбетов Р.И. Прогнозирование развития региональной экономики в условиях рынка.// Проблемы экономики, №3, 2007 с.74-76.

5.28. Нуримбетов Р.И. Ҳудуд иқтисодиётини бошқариш йўллари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Аграр-иктисодий, илмий-оммабоп журнал. 2007 йил, №7 июль.27 б.

5.29. Нуримбетов Р.И. Ҳудудда саноатни ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ҳақида.// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар 2007 №4. Ташкент Издательство “ФАН” Академии наук Республики Узбекистан. 26-34 бетлар.

5.30. Нуримбетов Р.И. Критерии оценки экономической безопасности региона в условиях рынка.// Экономика и финансы 2007 №10(135) октябрь. с.70-73.

5.31. Нуримбетов Р.И. Формирования концепции развития регионального маркетинга в условиях рынка.// Экономика и финансы 2007 №10(135) октябрь. с.49-52.

5.32. Нуримбетов Р.И. Худуд иқтисодиётини бошқариш.// Жамият ва бошқарув 2007 йил 4 –сон. 68-70 б.

5.33. Нуримбетов Р.И. Худудий молия тизимини бошқариш.// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Аграр-иқтисодий, илмий-оммабоп журнал. 2008 йил, №2. Февраль. 30-31 бетлар.

5.34. Нуримбетов Р.И. Вопросы совершенствования управления региональной экономикой.// Экономика и финансы 2008 №1(140) октябрь. с.55-57.

5.35. Оценка эффективности управления экономикой. (Коллектив авторов под ред. д.э.н., проф. Ш.Н. Зайнутдинова). Монография. -Т.: ТГЭУ. 2003.-125 с.

5.36. Павлов К. Система местного управления в регионах России и опыт развитых стран// Проблемы теории и практика управления № 5. 1999 с.81-83.

5.37. Поздняков А., Лавровский Б., Масиков В. Политика регионального выравнивания в России. Вопросы экономики, 2000, № 2000, №10, с.74-91.

5.38. Саидова Г. И др. Децентрализация и возможности развития человеческого потенциала// Экономическое обозрение. Специальный выпуск. Январь 2005.

5.39. Точицкая ИЗ. Показатели конкурентоспособности регионов // Белорусский экономический журнал. 2003. № 3.

5.40. Фоломьев, Ревазов В. Инвестиционный климат регионов России и пути его улучшения// Вопросы экономики №9, 1999, с.57-68.

5.41. Чмышенко Е.Г. Маркетинг в стратегическом управлении регионов/ Вестник ОГУ №8 2004. с.75-77.

5.42. Шорохов В.П., Колькин Д. Н. // Проблемы прогнозирования. №1 (100), 2007 с.92-1001.

5.43. Юсупова Н. Формирование программ социально-экономического развития регионов/Бозор, пул ва кредит. №1 январ 2007 с.36-43.

VI. Илмий ишлар тўпламларига ҳаволалар

6.1. Бабун Р.В. Американский федерализм и местное самоуправление. Федерализм и региональная политика: Проблемы и зарубежный опыт. Сборник научных трудов. Вып.1.-Новосибирск: Изд-во ИЭиОПП СО РАН, 1995. с.176-204.

6.2. Беркинов Б. Макроиктисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш омиллари/ «Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари». Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами.- Тошкент, ТДИУ,-2008.-Б.8-12

6.3. Девятнадцатые международные плехановские чтения/ Тезисы докладов Часть I 2 февраля 2006 г.

6.4. Материалы Республиканского научного семинара «Проблемы и перспективы конкурентоспособности национальной экономики».Ташкент, 2004. с.9.

6.5. Миллий иқтисодиёт тармоқларини ислоҳ қилиш ва барқарор ривожланиш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий анжуманининг маърузалар тўплами(ноябр 2005) ТДИУ, Тошкент 2005.

6.6. Ҳудуд табиий ресурсларидан фойдаланишнинг бозор механизм ива уни такомиллаштириш муаммолари мавзусидаги Илмий-амалий анжуман маърузалар тезислари(феврал 2005), ТДИУ, Тошкент-2005.

6.7. «Ўзбекистонда жамиятни модернизация қилишнинг долзарб муаммолари» Республика илмий назарий конференцияси материаллари./ 19-20 май, ТКТИ, 2005 й.

6.8. Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида корпоратив секторнинг ролини ошириш йўналишлари. Макроиктисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш омиллари/ «Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари». Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами.- Тошкент, ТДИУ,-2008.-Б.4-5

6.9. “Ўтиш иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти ва ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш хусусиятлари” Республика илмий-амалий конференцияси Тезислар тўплам 21 сентябрь 2004 йил Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент-2004

VII. Статистик маълумотлар, тўпламлар ва ҳисоботлар

7.1. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг “1996-2007 йиллар бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари” статистик тўпламлари.

7.2. Ўзбекистон иқтисодиёти.\\Таҳлилий шарҳ,СИСМ.Тошкент.1999-2007 йй. \\ www.ceep.uz

7.3. Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт вазирлигининг 1996-2007 йиллар бўйича тузилган иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлари.

VIII. Хорижий адабиётлар

8.1. Marc J. Roberts. On reforming economic Growth // Mancur Olson. Hans H. Landsberg(eds.). The no-Growth society. New york: W.W.Norton& company, Inc., 1973. P.125.

8.2.Schlunze R. Japanese Investment in Germany: a Spatial Perspective.- Wirtschafts-geographie, Band 11, 1997.;

8.3.Storper M. The Limits to Globalization: Technology Districts and International Trade.- Economic Geography ,1992, № 1, p. 60-93;

IX. Интернет манбалари

www.stana-or.ru

www.gmpr.ru.

www.aup.ru

www.ifc.org

www.econ.uzsci.net.

www.ceep.uzwww.ser.uz.